

Baxtiyor Robiddinovich  
ISOQOV

# УЎҚИНГ, ИБРАТЛИ РИВОЯТЛАР



2

БАХТИЁР РОБИДДИНОВИЧ ИСОҚОВ

ЎҚИНГ,  
ИБРАТЛИ  
РИВОЯТЛАР

2

НамДУ АРМОН



«Vodiy Media» нашриёти  
Наманган – 2021

УДК: 821-512-133-9

КБК: 84(5Ўзб)7

И – 3

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш марказининг Наманган вилоят худудий бўлинмаси эксперти, Наманган Давлат университети Археология кафедраси доценти, НамДУ «Ахборот гуруҳи» раҳбари, тарих фанлари номзоди, «Мехнат шухрати» ордени соҳиби Бахтиёр Робиддинович ИСОҚОВ томонидан тайёрланган, улуғ аждодларнинг кўп минг йиллик тажрибалари маҳсули бўлмиш, келажагимиз учун беминнат хизмат қилувчи ривоят, ҳикоятлар ҳамда муаллиф қаламига мансуб ибратли битиклардан иборат 2- китобда ҳозирги ниҳоятда мураккаб, ташвишли ҳаёт муаммоларини одилона ечишнинг оқилона йўллари ва усуллари ибратли, ҳаётий мисоллар асосида ёритилган.

Қўлингиздаги иккинчи рисола ҳам аввалгиси сингари маънавият ва маърифатимиз тарғиботчилари, зиёлилар – ўқитувчилар, талабалар ўқувчилар ҳамда кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:** тарих фанлари номзоди, доцент З. Мадрахимов.

**Тақризчилар:** иқтисодиёт фанлари доктори З. Худойбердиев,  
фалсафа фанлари доктори А. Мирзааҳмедов,  
тарих фанлари номзоди, доцент Н. Дехконов,  
социология фанлари номзоди, доцент А. Абдулазизов,  
тарих фанлари номзоди, доцент А. Саримсоқов,  
тиббиёт фанлари номзоди, шифокор Б. Р. Исоқов,  
тарих фанлари доктори (PhD) Б. Халмуратов.

Наманган Давлат университети Ижтимоий фанлар факультети Археология кафедрасининг профессор-ўқитувчилари томонидан 2020 йилнинг 27 ноябридаги йиғилишда жиддий муҳокама қилинган, ижобий равишда баҳоланган ҳамда нашрга тавсия этилган (Баённома № 3).

ISBN 978-9943-5920-3-2

© Бахтиёр Исоқов, 2021.

© «Vodiy Media» нашриёти.

## МУҚАДДИМА

Инсон умри бежиз оқар сувга ўхшатилмайдими-да. Яъни булок, жилға, дарёнинг суви ўзи оқиб ўтган жойларига яна қайтиб кела олмагани каби, одамнинг яшаб ўтган ҳар куни, соати ва дақиқаси ва ҳатто сониясини ҳам ортига қайтаришнинг мутлақо иложи йўқ.

Шундай дарёлар борки, айқириб-ҳайқириб, метиндек қаттиқ қирғоқларни ўпириб, емириб ва чор атрофга тўлиб-тошиб, йўлида дуч келганни ямламай ютиб, ваҳимаси ва даҳшатини солиб оқади. Бирор киши, бирор туп ўт-ўланга нафи ва фойдаси тегмай, бориб-бориб чўлу биёбонларнинг қаърига ном-нишонсиз тарзда сингиб кетади. У қанчалар даражада, кучи борича айқириб-ҳайқирмасин, охир-окибат, барибир изсиз, беном, бенишон, бесамара йўқолади.

Тағин бошқа дарёлар мавжуд – унинг қирғоғидан бошланган яшиллик кўрган кўзни қувнатади, у шитоб билан эмас, астагина тўлганиб, мулойимлик билан оқади, шовқин-суронини солмайди. Осойиштагина оқиб, йўл-йўлакай турли ирмоқларга ва ариқларга обиҳаётдан ҳадя қилади. Ўз навбатида бу обиҳаёт экинзорларга, боғ-роғларга жилдираб кириб, ширин-шакар мева-ю, сабзавотдан тортиб тилими тилни ёриб юборадиган қовун-тарвуз каби полиз экинлари ва ўт-ўланлару шифобахш гиёҳларга жон бахш этади.

Она табиатга жон-жаҳонини бағишлаган, ҳаёт берган бу дарё холис хизматини ҳеч қачон ҳеч кимга асло кўз-кўзламайди, сира ҳам миннат қилмайди. Аксинча, ўзининг беминнат кўмаги билан қаттиқ сувсаб бемажолгина мудраётган, қайта жонланиб кетган ва энди эса ранг-баранг гулларга бурканиб олган табиатга майин бир жилмайиш, беҳад чуқур қониқиш билан назарини ташлаб қўйиб, тағин ўша эзгу, савобли бунёдкорлик йўлида давом этаверади...

Она табиатнинг чинакам фарзанди бўлмиш Инсоннинг ҳаёти ҳам худди шунга ўхшаб кетади-да. Улуғ аждодларимиздан мерос серсув ирмоқ ва дарёлар ўрнимизга келажак буюк авлоднинг боғ-роғларини қиёматга қадар маънавий обиҳаёт, бебаҳо ва беқиёс даражадаги маҳзан билан таъминлашда тағин давом этаверажак...



## ЛАГАН

– Муносиб бўлмаган одамга ато этилган мансабу мол-дунё ҳар қандайин иродасиз, ношукр бандасини энг тўғри, эзгу йўлдан ҳам адаштириб юбора олади – дейишибди ўтган машойихлар.

– Агар тўғри йўлдан оздира олмаса-чи, ундай бўлмаса-чи? – иштибоҳ билдиришибди, сал-палгина сергак тортиб мусоҳиблар.

– Ўзи бузилмаган тақдирда ҳам, ахли аёли айний бошлайди.

– Ахли аёли ҳам эри сингари саботли бўлиб, айнимаса-чи?

– Фарзандлари бузилиб, кутуриб кетади, ишратга берилади.

– Агар яхши тарбияли фарзандлари-да соғ қолса-чи?

– Унда, унинг иллоти, касофати ён-атрофдагиларига уради, ўша тайёрхўр кимсалар бузилади, ўшалар буткул ўзгариб кетади.

– Буниси қай тариқа содир бўлади? Айтиб бера оласизми?

– Муносиб бўлмаган, ишини эплай олмаган шу амалдорнинг чин дўст-биродарлари ундан аста-секинлик билан четланиб, гир атрофини ўз қўлида лаган ушлаб олган бир тўда қаланғи-қасанғи, мол-дунё ҳамда мансаб кули бўлмиш кимсалар эгаллаб олади-да!

– Лаган? Уларнинг ўша лаганларида ўзи нима бор экан?

– Ҳалво бор мухтарам биродарлар, росаям ширин ҳалво!

– Бундан чиқди-ки, ўша эл-юртнинг ҳаққига хиёнат қилган, бева-бечораларга сира раҳм-шафат қилмасдан, ўликларнинг ҳам кафанини ечиб олган, давлатнинг эзгу мақсадларига ажратилган миллиардлаб сўмлик маблағини тап тортмай ўғирлаган ҳаромхўр банда ёшлигидан ҳалвога роса ўч бир ширинхўр бўлган экан-да?

– Э-э, биродари азиз! Худди ўша ширин ҳалво деганлари ҳам ўзининг йўлига. Лаганнинг асл, чинакам вазифаси ўзгачадур.

– Унинг ҳақиқий вазифаси ўзи нима? Бизни интиқтирмай ва маҳтал қилмай тезроқ ўшанисини айта қолсангиз-чи, тақсир!

– Эртага, бир кунмас бир кун Аллоҳнинг қаҳрига учраб, бор бисоту мансабидан Мосуво бўлгач, аниқроғи, қўли кишанланиб, одил суднинг ҳукмига кўра қонуний ва адолатли жазога гирифтор бўлгач ул бандани нобакор, палиднинг қовоқ қалласига ўша лаган билан урмасдан бошқа тагин нима билан бошлаб туширсинлар?! – дея ҳақли, асосли ҳамда оқилона хулоса ясаган экан машойихлар.

## ЧИНОР

Подшоҳ бир вилоятга ҳоким тайин этмоқ мақсадида мансаб кушини учирибди. Эркин куш чарх ура-ура келиб, йўл ёқасидаги каттакон чинорнинг соясида ямоқчилик қилиб ўтирадиган икки дўстан бирининг бошига аста кўнибди. Мулозимлар дарҳол уни чиройли кийинтириб, роса ясантриб ҳокимлик кўрғонига олиб жўнабдилар. Кетаётган чоғида шеригига «Эртагаёқ кўрғонга етиб боргин. Мен сенга жуда зўр мансаб ва мўмай маош бераман», деб тайинлабди. Дўст эртаси куни шайланиб, шаҳар дарвозаси олдида умидвор ҳолатда ҳозир бўлибди, ундаги қилич ва найза, умуман, тиш-тирноғига қадар қуролланган соқчиларга ўз арзини айтибди. Посбонлар эса унинг арзига ҳам қулоқ солмай, «Йўқол бу ердан! Жаноб ҳокимимизнинг сен сингари ялангоёқ ошналари бўлиши мумкин эмас!» дея дўк-пўписалар билан қувиб юборибдилар. Бу ҳолат бир неча марта такрорлангач, ахийри, дўстининг аъмолига кўниқиб, тагин ўша қадрдон бошпанасида ямоқчилигини қилиб юраверибди. Бир куни иттифоқо худди шу йўлдан зўр шовқин-сурон, дабдаба-асъаса билан ҳукамою соқчиларининг қуршовида талтайиб мансаб аравасида ҳоким жаноблари ўтиб қолибди. Дўст кўлидаги ямоқ-ясмоғини бир четга улоқтириб, араванинг кегидан тилини осилтириб, ўпкасини кўлтиқлаб, икки оёғини кўлига олиб югурибди, «Ҳой, дўстим, мен бу ердаман, бу ерда!» дея бор овози билан қичқирибди. Ҳоким овоз келган тарафга хатто бурилиб ҳам қарамабди, соқчилар бўлса «Жаноб ҳокимнинг тинчини бузмоқчи бўлган нобакор» кимсани қалтаклай-савалай ҳайдаб солибдилар. Бу манзара ҳам бир неча марта такрорланибди. Ниҳоят, куни етиб келиб, халққа ўтказган зулми учунми ёхуд бошқа кирдикорлари вазиданми, ҳоким мансабидан қувилибди ҳамда тагин худди ўша жулдурвоки кийим-бошида, ямоқчилик анжомларини кўтарволиб эски дўстининг олдига келибди. «Мен шунча йиллар мобайнида ҳокимлик қилдим, нима сабабдан бирор дафъа ҳузуримга йўқлаб бормадинг? – дебди ўпкалаб. – Ахир, мен ўша пайтлардаёқ сенга тайинлаган эдим-ку!» Дўст бунинг сабабини аста тушунтирибди. «Ахир, неча марталаб худди ўша катта йўлдан ўтганман, локал бундай бир овозингни чиқариб чақирсанг ҳам бўларди-ку?» Дўст бунисининг ҳам изоҳини айтса, «Қачон?! – дебди ҳоким бўлмиш

таажжуб билан. – Қачон? Бирор марта ҳам овозингни эшитганим йўқ, Хўп, айтгин-чи, шунча замонлардан буёғига қаерларда эдинг ўзи?» «Мана шу ўзинг яхши билган чинор тагида, ўзинг билган хунар билан машгул бўлган эдим-да». «Чинор? Қанақа чинорни айтяпсан?» деган экан шунда хуноби ошган собиқ ямоқчи ҳоким.

Мазкур ривоятдаги рамзларнинг шарҳи ўзингизга ҳам беҳад яхши маълумдир. Яъни чинор – юрт, ватан дегани; дўст – халқ, раият; ҳоким деганлари эса... бор-йўғи эл хизматкори – ямоқчи!

Ҳа, аслида шундай бўлмоғи даркор! Эл-юрти кам-кўстидан, кувончу ташвишларидан яхши бохабар, доим шунинг ғами билан яшайдиган (кун кечирадиган, тирикчилик қиладиган эмас), шунга масъул шахсгина чинакам ҳоким аталмоққа лойиқ. Акс ҳолда...

## УЧ НАРСАДАН ҚЎРҚАМАН

Қадим замонларда бир доно чол, аксарият кишиларга ўхшаб кунини кечирмай, тирикчилик қилмасдан, чинакамига яшаб ўтган экан. Унинг якка-ю ягона ўғли бўлган экан. Нуроний вафотидан олдин ақлли ҳамда пахлавон қилиб тарбиялаган ўғлини ҳузурига чорлаб, васият қилиб, унга шундай панд-насихатини айтибди:

– Бу мураккаб ҳамда бешафқат ҳаётда уч нарсадан қўрқкин, ўғлим! Қизғанишдан, ғазабдан ва сенга раҳм қилишларидан.

Ўғил отасининг гапини унутмабди, васиятига амал қилибди. Аммо, кечирган ҳаётида на дўст, на суюкли ёр, на юрагига қувват бўладиган кувонч топибди. Ўлимидан олдин ҳаёлига отасининг васияти келибди. Васиятга қатъий амал қилганини, бироқ бахтли яшамаганлигини ҳам тушунибди. Бир куни отаси тушига кириб:

– Мен сенга қизғанишдан қўрқ, дедим. Сен эса бор-будингни талон-тарож қилиб юбординг, шу сабабли дўстинг ҳам бўлмади.

Мен сенга ғазабли бўлмагин ўғлим, дедим. Сен эса совуққон бўлиб, бу ҳаётда ҳеч кимни севмадинг. Мен сенга бировдан раҳм сўрама, дедим. Сен эса кибрли бўлиб, ёрдам олмадинг, – дебди.

Ўғилнинг ота гапидан чиқарган хулосаси шундай бўлибди:

«Агар кимгадир ёрдам берсанг, дўстга эга бўласан. Меҳрли бўлсанг, севиласан. Раҳмдил бўлсанг, албатта, кучгаям тўласан!»

## САБРНИНГ ТУБИ ОЛТИНМИ?

Мусулмон Намоз «Маънавий ҳаёт» журналида (2018 йил, 2-сон, 74 – 83- бетлар) босилган «Сабрнинг туби тешик косаси» сарлавҳали мақоласида шундай ёзган: «...қарама-қарши ҳаёллар оғушида юрган пайтим дўстлар даврасида ўзбекчилик борасида, халқимизга хос хислатлар ва хусусиятлар хусусида кизгин суҳбат бўлди. Жуманазар деган дўстимиз ҳарбий қисмда доғистонлик бир йигит билан хизмат қилган пайтларини эслади. «Биласизлар, – деб ҳикоя қилган эди у, – ўша замонларда армияда «дед»лар бўлар эди. Улар хизматга янги келганларни ҳар ишга мажбурлар, қилмаганларни эса аямай дўппосларди. Бир куни казармага кириб борсам, «дед»лар доғистонлик ёш-барра аскарга челақни оморга элтишни буюриб турган экан. Йигит бўлса бундан бўйин товлади. Беш-олти «дед» бириқиб, уни ўраб олди, айирмоқчи бўлганимда, мен ҳам бир-икки тепки едим. Кечқурун, ўлар ҳолатда сулайиб ётган ўша йигитга ошхонадан овқат келтирдим. Кейинчалик анча дўст бўлиб қолган эдик. Ундан сўрадимки, шу челақни оборсанг, бирор жойинг камайиб қолмасди-ку, ўша «дед»лардан шунчалик қалтак ейтишинг шартмиди? «Отам менга армияга кетар олдидан, бировнинг ноҳақ буйруғини мутлақо бажарма, бошни эгиб, тирик келганингдан кўра, бўйсунмай, ўлсанг ҳам розиман деган», деди у. Ўйланиб қолдим. Отам менга кетар чоғим нима деган эдилар? «Болам, меҳнатдан биров ўлиб қолмаган: менга сенинг тиринг керак!» Унга шуни айтиб бердим. Доғистонлик йигит анча пайт ўйланиб ўтирди, ва кейин эса мени аядими, ўзи ҳақида хўрсиниб гапирганди: «Балким, биз шунинг учун ҳам камсонлидирмиз...»

Қадимда бир донишманд сафарга кетаётган ўғлига шундай насиҳат қилибди: «Ўғлим, тоғ бўлмагин, ҳар касу нокас бошингга ўтириб олади. Дарё бўлмагин, йўлингга тўғон қуриб, мақсадлари йўлида фойдаланадилар. Чинор бўлмагин, шамол кўпориб олиб, жарликларга иткитади. Майса бўлгин, тоғ унга озик беради, дарё суғоради, бўроннинг кучиям етмайди. У фақат кўкка бўй чўзади». «Уни ҳам ўриб оладилар-ку», деб эътирозини билдирибди ўғил. «Лекин, у барибир ўсаверади-да. Токи гуллаб ва уруғини сочиб, бутун ер юзини қопламагунича ўсаверади!» дебди донишманд...

## МУТАНОСИБЛИК

Фарғона водийси бутун дунёда одамлар истиқомат қилиши, турмуш кечириши учун беҳад қулай (Қрим ва Швейцария билан бирга) учта асл фирдавсмонанд маконнинг бири ҳисобланади.

Водийда истиқомат қилувчи кишилар мардликда – қадимий спарталиклардан, шўхликда – габроволик ҳазилкашлардан ҳамда меҳнат соҳасида бўлса бир-биридан қолишмайди. Инсон ғоятда эъзозланади. Ўзбек, тожик, қирғиз... эканлигидан эса фахрланади. Меҳмонларни жудаям улуғлашади. Ўзи отининг эгаридан тушиб, меҳмонни эса отига миндириб олади. Она тилини росаям севади, бу борада бошқаларга бемалол ўрناق бўла олади. Зийрак, ҳазил-мутойибага ғоятда ўч, уни жуда теран тушунади. Агарда аскияда енгилиб қолса, мусобақадошининг ёқасидан шартта олиб ғидибидини бошламайди, ўз мағлубиятига мардларча тан бериб, тагин у билан асл дўстлигича қолаверади, ганимлашмайди. Асосийси, фаҳм-фаросатли кишилар томирида улуғ аждодларининг қониям кўпириб окмоқда. Келинг, яхшиси шу фикрни исботловчи беҳад ибратли ривоятни эътиборингизга ҳавола этсак-да, ундан кейин энг асосий масаланинг ичига кириб келсак, қаршилик қилмасиз:

Ривоят қилишларича, қадим замонда ахсикентлик бир кўнчи бой бўлган экан. Унинг нақ учта ёрдамчиси бўлиб, улар ҳар қуни айнан бир хил юмуш билан банд бўлсалар-да, бой уларга уч хил миқдордаги маош бераркан. Яъни, биринчисига ойига 100 танга, иккинчисига 75 ва учинчисига 50 танга. Бу ҳолдан вокиф бўлган бойнинг яқин кишиларидан бири нега хизматкорлар бир хилдаги юмушни қиладилару, лекин, маош масаласида бунақа тенгсизлик юз берганлигининг сабабига ниҳоятда каттик қизиқиб қолибди.

– Бунинг сира ҳам инкор этиб бўлмайдиган сабаби мавжуд, – дебди бой ним табассум билан, аста жилмайиб. – Бас-ки, инсон онги, ақл заковати ила кун кўрар, яшар экан, турган гапки, унинг кечираётган турмуши илм-заковати, фаросати ва эгаллаган касб-хунари даражасига мутаносиб равишда бўлиши даркор эмасми?

– Хўш, бунинг асоси ўзи нималарда кўринадур? – қизиқиши эса янада ҳам баттарроқ ошиб кетиб, сўрабди ўша суҳбатдоши.

– Мен ўз ёрдамчиларимни ҳеч бир киши олдида ҳеч қачон камситмайман, лекин, сиз уларнинг оладиган маоши ўртасидаги



тафовут билан жуда қаттиқ кизикар экансиз, уларга савол бериш, билимларини обдан синашдан эмас, аксинча бошқача йўл билан сўровингизга коникарли жавоб бўлгулик ҳолатни намоён этишга ҳаракат қиламан, янада ҳам аниқроғи, тагин бир уриниб кўраман.

Бой шундай деб, ойига 50 танга маош олувчи ёрдамчисини ёнига чорлабди. Айни кунларда дунёга машхур Ахсикент шаҳри саройида хориж – чет элдан келган савдогарлар карвони қўним топган эди. Бой мана шу ёрдамчисига шундай топшириқ берибди:

- Тезда бориб билиб келгинчи, саройга ўзи кимлар келибди?
- Ёрдамчи оёғини кўлига олиб бориб келгач, шундай дебди:
- Қирқ туяли карвон бундан бир кун бурун қўним топибди.

Карвонбоши дамашклик Исмоил хожа бўлиб, қирқ туяда моллари бор экан. Эртага эса Қашқар орқали Хитойга ўтиб кетар эканлар.

- Тагин бошқа бирор муҳим маълумотни билиб келдингми?
- Бор янгиликнинг бари мана шул эрур, хоҷам...

Иккинчи ёрдамчи ҳам бойнинг буйруғини тезда бажарибди.

Карвоннинг Чин мамлакатига кетаётганлиги, қирқта туядан иборатлиги, карвонбошиси ким ва қаерлик экани, бу ерларда неча кун туриши, йўлда бир туянинг оёғи синиб қолганлиги ва ўрнига бошқа туя харид қилганлиги, Шом(Сурия)дан Ахсикентга олиб келган моллари, Эрондан Самарқанд сари юриш пайтида қанақа машаққатларга дуч келгани ҳақидаги хабарни тинглаган бойнинг ўз ёрдамчиси маълумотидан бирозгина бўлса-да, кўнгли тўлибди.

Учинчи, яъни ойига 100 тангалик маош олувчи ёрдамчи ҳам хоҷаси берган топшириқни адо этиб келгач, унга шундай дебди:

– Хоҷам, қирқта туялик, ўз таркибида 22 тужжор ва олтита соқчиси бўлган карвоннинг бошида асли бухоролик бўлган, аммо ҳозирда тақдир тақозоси билан Дамашқда яшаётган Исмоил хожа Абдурахмон ўғли бўлиб, у Ахсикентга аввал ҳам уч марта ва ҳар гал савдо юмуши билан келган, бу унинг шаҳримизга тўртинчи бора келиши экан. Карвонида 40 минг олтин тангалик гиламлар, Ироқ ва Шомнинг анвойи моллари боракан. Эрондан Хуросонга ўтаётганларида учинчи туяси мункиб кетиб, ўнг оёғи тошга тегиб синибди. Шуни сўйиб гўштини бева-бечоралар ва етим-есирларга тарқатибди. Унинг ўрнига бўлса Марв шаҳри яқинида Мелиқули Сапармурод ўғли исмли, Ахалтекин зотли оти бор чорвадордан

минг тангага бир туяни харид қилибди. Карвонидаги молларнинг 10 фоизини Бухоро, Самарқанд, Шош, Хўжанд бозорларида яхши пуллабдилар. Қолганини эса Кува ва Ўш бозорларида, Қашқарга етиб боргач эса хитойликларга анчагина мўмай пуллар эмишлар...

Агар бой учинчи ёрдамчисининг сўзини бўлиб қўймаганида, унинг бафуржа ҳикояси тагин узоқ давом этавериши мумкин эди.

– Раҳмат сенга, энди ишинг билан машғул бўлавер, – дебди бой суҳбатдошига маъноли қараб. Кўрибдики, унинг нигоҳидаям худди шундайин чуқур қониқиш ва ғурур-ифтихор зоҳир экан...

Ўзингиз ўқиган қиссадан ҳиссаниям бемалол чиқара оласиз.

## МУСИҚАНИНГ ҚУДРАТИ

Афсоналарга ниҳоятда бой бўлган Буюк Ипак йўли бўйлаб истеъдодли мусиқачи, актёрлар, мусаввирлар, қўли гул усталар ва турли-туман динлар тарғиботчилари – миссионер (мубашшир)лар саёҳат қилгандилар. Хитой манбаларидан маълум бўлишича, VII – VIII асрларда Туронда мусиқа, ракс, қўшиқчилик, қизикчилик ва дорбозлик санъати камол топганди. Бу даврда санъат соҳасида Самарқанд – найчилари, Чоч(Тошкент)нинг – ўйинчи йигитлари ҳамда раққоса қизлари, Хўтан – сурнайчилари, Куча (Қашқардаги шаҳар) – бастакорлари билан роса шуҳрат қозонганди. Самарқанд ва чочликлар доимий тарзда Ахсикент орқали Хитой императори саройига бориб, ўз касбий лаёқатларини маҳорат билан намойиш қилиб, уларни беқиёс даражадаги хайратга солардилар. 605 – 616 йилларда ҳозирги Ўзбекистон, Афғонистон шаҳарларини зиёрат қилган Вэй Же исмли хитой сайёҳи қаламига мансуб «Шифан жи» («Ғарбий қўшнилари баёнида») номли бир асарда ёзилишига кўра, 648 йилда «Канг-гуо» («Самарқанд давлати»)нинг ҳукмдори Танг сулоласи императорининг хонадонига ранги аслида тиллога ўхшаб кетадиган сариқ шафтолилардан иборат тухфа юборганди. Хитойликлар эса бу мевани «олтин шафтоли» деб атаган эдилар.

«Жю Тангшу» («Танг сулоласи кўхна тарихи») асарининг «Мусиқа» деган бобида эса Хитой пойтахти Чанъанда Самарқанд давлатидан келган мусиқачилар ўз маҳоратларини кўрсатганлиги, уларнинг ўта дилтортар санъати бўлса Танг хонадониди «Канглэ» («Самарқанд мусиқаси») деб аталгани ҳақида батафсил ёзилган...

Олам-жахонга роса машҳур адиб Чингиз Айтматов мусикага бундай таъриф берган: «Ҳаёт, ўлим, муҳаббат, шафқат ва илҳом – ҳаммасини мусика айтади, зотан, биз мусика воситасида энг олий хурликка эришамиз, бу хурликка онгимиз ёришган замонлардан токи ҳозирга қадар – бутун тарихимиз давомида қаттиқ курашиб келганмиз, лекин унга фақат мусика воситасидагина эришганмиз. Фақат мусикагина замонларга хос ақидаларни енгиб ўтиб, мудом келажак сари интилади...» Бу таъриф «Буюкликнинг кўз илғамас чўққиси» – Жалолиддин Румий асос солган мавлавия тариқати ғояларини ҳам тўлдиргандек бўлади: «Дунёда ҳеч нарса мусиқий ва рақс янглиғ инсон руҳининг энг яширин қувватларини ошқор этолмас, мусиқийчалик уни майда-чуйда турмуш ташвишларидан халос қилиб, ўз руҳий олами сари бошлай олмас... Мусика хотин кишига ўхшайди. Уни чўри деб истифода этар экансиз, ўзингизда мавжуд асл инсонни ухлатиб, ҳайвонни эса уйғотасиз. Бироқ, уни севишингиз, унга бирикиб, бир тўлкинда оқишингиз, шу йўсинда руҳиятингиздаги инсоний маъно ва моҳиятни уйқусидан уйғотиш учун эса дастлабки, илк қадамларни қўйишингиз ҳам мумкин...»

Мусика – чинакамига илохий неъматдир, унинг яралиши – инсон руҳидаги ҳаракатнинг намоён бўлиши ходисасидир. Ҳали ҳеч нарсага ақли етмайдиган гўдакда алла тинглашга мойиллик бўлиши ёки бирор мусика эшитиши билан оёқ-қўлларини шошиб силкий бошлаши ҳам айнан ўша ходисадан яққол далолат беради.

Қадим-қадимдан момоларимиз ҳамда оналаримиз томонидан айтилган алла, айтим – олқишлар, эркаламалар ва овутмачоклар болаларни яхшиликка ва меҳр-оқибатли бўлишга ундаб келган. Ўзбек оналарига хос алла кўшиғи бошқа халқларда ҳам ўзига хос кўринишга эга. Мунис ОНАларнинг бу хил оромбахш кўшиқлари русларда «колибельная песня» ёхуд «байки», қозоқларда «бесик жири», қирғизларда «албей-албей», туркманларда бўлса «хувди», озарбайжонларда «лайла», бошқирдларда эса «сангилдак йири», туркларда «нинни» дейилади... Аллада кичкинтойнинг дастлабки табассуми, илк бора оёқ-қўлларини кимиралиши, имо-ишорани тушуниши куйланади. Она ўз алласида атрофини қуршаб турган оламини кўшиққа солиб айтади. Онанинг кўшиғидаги нолалари ва орзу-умидлари болақайда сокин кайфиятни пайдо қилади, унинг

руҳиятига ғоятда ижобий таъсир қилади. Бу ҳақда улуғ бобомиз Абу Али ибн Сино шундай мулоҳазани билдирган эди: «Боланинг миждозини кучайтирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири – болани секин-аста тебратиш, иккинчиси – ухлатиш учун айтиш одат бўлиб қолган мусиқа ва аллалардир. Шу иккаласини қабул қила олиш миқдорига қараб, болаларнинг бадантарбияга ва руҳи билан мусиқага бўлган истеъдоди ҳам ҳосил қилинади».

Аллани тинглаб ором олаётган бола гарчи кўшиқ сўзларини тушунмаса-да, онасининг қалб туйғуларини, меҳр туғёнларини ва эркаламаларини, онанинг кўшиқда акс этаётган кайфиятини ҳис қилади. Аллада ижро этилаётган сўзлар матнига жиддий аҳамият берилса, уларда бу кўшиқ яратилган замондаги ижтимоий ҳаёт, тарихий шарт-шароит, инсонларнинг интилиш ва қизиқишлари, севинч ва қайғулари акс этади. Алла тинглаш жараёнида гўдақлар турли сўз ва ибораларни эслаб қолишга интиладилар ҳамда бунга осонлик билан эришадилар. Бу ҳолат улардаги сўз бойлигининг кўпайишига хизмат қилади. Бола сўз ва иборалар маъноларини ҳамма вақт ҳам тўла ёхуд тўғри илғай олмас, бироқ, унинг луғат бойлиги ҳам, маънавий олами ҳам бетиним бойиб бораверади.

Шу ўринда таникли олим Исҳоқ Ражабийга шоир Зокиржон Ҳабибий домла айтиб берган ибратли ривоят ҳам эста тушади.

Қадим-қадим даврларда, эҳтимол Хитой билан илк алоқалар ўрнатилган замонлардадир, Туронлик бир подшонинг меросхўри бўлмаган экан. Лекин, доно вазири бор экан. У янги подшонинг тахтга ўтириши саройда катта жанжалга сабаб бўлишини яхши билар экан. Шунинг учун шаҳарга жарчи кўйдириб, подшо ўлган куни туғилган барча ўғил болаларни саройга йиғдирибди. Сўнгра ҳузурига созандаларни ҳам чорлашни буюрибди. Болалар йиғлай бошлаган замондаёқ ажойиб мусиқа чалдириб, ўз мулозимларига йиғидан энг биринчи тўхтаган болани танлаб беришни сўрабди. Ўзингизга ҳам жуда яхши маълумки, одатда бирор чақалоқ йиғи бошласа, бошқалари ҳам дарҳол унга кўшилади-да. Хуллас, вазир айтганидек қилиб биринчи бўлиб тўхтаган болани танлабдилар. Вазир аёнларга мурожаат қилиб: «Мана шу бола подшо бўлади. Чунки, унда туғма, илоҳий ҳис-туйғу мавжуд. Мана шу болакай улғайгач, ақлли, халқ аҳволини, унинг арзу додини ўта зийраклик

билан ҳис қиладиган оқил ва одил подшо бўлади», деган экан...

Кўрилаётган масалага дахлдор яна бир ривоятни биргалашиб ўқиб кўяверсак ва уқиб олсак сира ҳам зарар кўрмасак керак:

Одил қозилардан бири ҳамроҳлари билан кетаётган паллада бир жойдан руд товуши эшитилибди. Шунда қози ҳамроҳларидан сўрабди: «Бу руд овози ҳақида не дерсиз?» Ҳамма «Яхши, жуда хуш овоздир», дебди. Фақат бир киши: «Яхши эмасдир», дейди. Орадан бирмунча вақт ўтиб худди шу киши гувоҳлик бериш учун қозининг олдига келибди. Лекин, қози унинг гувоҳлигини бекор қилади. Шунда ўша одам «мен нима гуноҳ қилдим», дея сўрайди. Қози эса унга қарата шундай дейди: «Агар ўша пайт янграган руд овозидан аслида лаззат топиб, лаззатланмадим деган бўлсанг, сен қозиб(ёлғончи)дирсан, ложарам қозиблар гувоҳ бўла олмайдилар. Ва агар ҳақиқатан ҳам лаззат топа олмаган бўлсанг, унда сенинг ҳиссиётинг ноқиссодир, яъни, ростни ёлғондан ажратолмайсан. Шу боисдан ҳам сен ҳақиқатга гувоҳ бўла олмайсан», дейди...

Ҳар қимки хуш овоздан лаззатни топа олмаса, дили мурда ва ботиний эшитиш ҳисси ботилдир, дейди машойихлар. Қадимги юнонлар ҳам таълим тизимига мусикани мажбурий фан сифатида киритиши бекорга эмас-да! Агар ана шу масалага бироз чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, аслида тозариш ва ибодат дегани бу...

Турон қуйлари мақом ва вазнлари дилраболиги ва рақслари босиклиги, ўйноқилиги ўша замонлардаёқ ҳар қандай издиҳом аҳлини ўзига мафтун этиб, сеҳрлаб кўяр эди. Айниқса, уд ва най садоси остида Чоч ўйинчи йигитлари ижро этган машҳур «Чоч ракси» ё чилдирманинг чертмасига икки чочлик раққосаларнинг томошабинларга салгина қиё боқиб, имо билан елкасини учириб тушадиган ўйноқи «Доира ракси» эса хитойлик аъёнларни ўзига мафтун этиб, уларни роса ҳайратга солган. Император саройида ўтказиладиган бундай тантанали маросимларда Турондан борган кўзбойлоғичлар, акробатлар, дорбозлар, оловютар афсунгарлар ва кизикчилар ҳам ўз маҳоратларини ўта завқ-шавқ билан намойиш этгандилар. Ҳатто, Хитойнинг Чангъан шаҳри аҳолиси кўғирчоқ ўйинини илк маротаба VIII асрда Турон замини санъаткорлари юксак маҳоратли ижросида томоша қилишга муяссар бўлганлар. Тарихий манбаларда қайд этилишича, биргина Бухоро шахрининг



Ўзида мохир уста, хунармандлар томонидан 14 турдаги ниҳоятда ажойиб чолғу асбоблари ясалган экан. V – IX асрларда Зарафшон воҳасига хос бўлган мусиқа ва рақслар савдогарлар орқали Хитой салтанатида ҳам кенг тарқалган эди. Шу даврда ушбу мамлакатда «хутэнгъу» (хуларнинг ўта шўх ўйини), «хушюанъу» (хуларнинг айланиб ўйнайдиган рақси) каби иборалар ҳам пайдо бўлган эди.

## **АФСОНАДА ҲАҚИҚАТ ЗАРРАСИ**

XII аср интиҳоси – XIII аср ибтидосида яшаган, ижод қилган муаррих Муҳаммад бинни Нажиб ал-Бакрон «Жаҳоннома» номли асарида «Ниҳоятда хушхаво жой» сифатида мақтаган Ахсикентга 14 – 15 километр масофадан ер ости водопроводи воситасида сув олиб келинганди. Бу водопроднинг қолдиқлари 1960 йилда қазиб топилган. Бу иншоот ҳам шахристондаги сингари пишиқ гиштдан туннель усулида барпо этилган. Сув эса қурилма ичидаги пишиқ гиштдан қурилган махсус ариқдан шаҳарга обихаёт олиб келган.

Шаҳарни сув, амалда ҳаёт билан таъминловчи ушбу иншоот хусусида қадимда ҳозирги Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида жойлашган буюк Кушонлар салтанатининг дастлабки пойтахти – Далварзинтепадаги сингари бир ривоят эл-юрт орасида ханузгача кезиб юради. Ушбу сатрлар муаллифи 1976 йилнинг кузида ЎЗР ФАнинг академиги Г. А. Пугаченкова, ўша пайтларда профессор, кейинчалик бўлса ЎЗР ФА академиги Э. В. Ртвеладзе ҳамда бизга археология илмидан сабоқ берган, доцент, ҳозирда тарих фанлари доктори, профессор, ЎЗР ФАнинг академиги А. Сағдуллаевнинг раҳбарлигида бир катор курсдошлари билан худди ўша машҳур Далварзинтепа археологик қазилмаларида фаол иштирок этган пайтида бу ривоятни эшитган эди. Энди бўлса ўша ривоятни Сиз – азизларнинг диққат-эътиборингизга ҳам хавола этмоқчимиз.

Жудаям қадим замонда Далварзин шаҳри ғоятда мустаҳкам қурилган мудофаа деворига эга бўлган, қай томондан мўр-малах янглиг бостириб келмасин, ғанимнинг қалъа ичкарасига амаллаб кириб олиши деярли мумкин эмас экан. Ўша шаҳарнинг қудратли ҳукмдори, афсунгар Варзиншоҳнинг гўзалликда танҳо, тенги йўқ Даллийим исмли қизи ҳам бўлган экан. Унинг беҳад гўзаллиги таъриф-тавсифи эса бутун олам-жаҳон аҳлига ёйилиб кетган экан.

Салтанат бошкентига бўлса бир неча километр узокликдаги шаркираб оқаётган Сурхондарёдан ерости қувурлари воситасида ичимлик суви келтирилган экан. Сув йўли эса ниҳоятда, ҳаддан ташқари махфий равишда сақланган. Шаҳарга бостириб келган ғаним уни бир неча ой мобайнида қаттиқ муҳосара (камал) қилса-да, сира ҳам ололмаган. Шунда ҳам салтанатга эгалик қилиш, ҳам гўзал Даллийимнинг васлига етиш мақсадида бостириб келган душман шахзодаси эса бир макр-хийлани ишлатганакан. У шаҳар деворининг яқинида баланд дор тиктириб, олтиндек товланувчи энг ҳашаматли либосини кийволиб, ўзининг дорбозлик санъатини намойиш этган экан. Унга бекиёс даражада махлиё бўлиб қолган, ҳали ҳаётнинг паст-баланди, савоб-гуноҳи ва садоқат-хиёнатидан яхши хабардор бўлмаган, ёшгина Даллийим эс-ҳушини йўқотиб қўйиб, ўз канизаги орқали ушбу шаҳарга келадиган сув йўлининг сир-асрорини ғаним шахзодасига етказган экан. Сурхондарёнинг росаям гирдоб бўлиб оқаётган жойига ташланган хас-хашак, шох-шаббалар, коплардаги тош-тупроқ, турган гап-ки, ўзининг ишини қилган, энди шаҳарга сув келмай қўйган. Одамлар ташналикдан роса қийнала бошлаган, айримлари бўлса мудофаа деворини ҳам ташлаб кетган. Шундан сўнг эрсираб қолган Даллийим бошкент дарвозасини ғаним шахзодасига очиб берган экан. Ўзингизга ҳам жуда яхши маълумки, мўр-малахдек ёв бостириб келган пайтида бечора, каттиқ кўрқув ва ваҳимага тушган халкнинг ох-воҳ, дод-фарёд ва кий-чувлари бутун оламни ўз бошига кўтариб олади-да.

Ҳозирги замонимиздаги бир қўшиқда куйлангани сингари, «Мана сенга олам-олам гул, этагингга сикканича ол!» дея шаҳар дарвозаси сари ғолибона гердайиб қадам босган ғаним шахзодани бўлса қабристондагидек сукунат, жимжитликнинг оғушида ёлғиз маликанинг ўзи илжайганча, жилпанглаб кутиб олган экан. Энди зафар нашидасини суриш арафасидаги шахзода хайратга тушиб, бунинг сабабини Даллийимдан сўрайди. Соткин малика бўлса унга, «Менинг отам жуда зўр афсунгар, у барча одамларни кушга айлантриб, кўкка учириб юборди. Ўзи эса мана бундай киёфага кириб олди», дея чеккароқда мунғайиб турган кичкина кучукка ишора қилибди. Бу ҳолатдан беҳад хайратланган, ва бир вақтнинг ўзида эса ниҳоят даражада ғазабланган шахзода, «Сен ўзингни бу

ёруғ дунёга келтирган, нон-тузини бериб тарбиялаган ўз Отанга, ўзингнинг Ота юртинга сотқинлик қилдинг. Турган гапки, сенга бирорта наф келтиргудек бўлса, менга ҳам вафо қилмайсан, тагин хиёнатнинг катта-кичик йўлларига бемалол кириб кетаверасан!» дея ўйлаб-негиб ўтирмасдан, кўлидаги беҳад кескир ахсикандий қиличи билан бир сирмашидаёқ ўша хиёнаткор Даллиоимнинг бошини, аслида бўлса, калласини сапчадек узиб ташлаган экан.

Саркарданинг кескин равишдаги буйруғига биноан, салтанат бошкенти Далварзинга бирорта ҳам аскар «Худо қаргаган жой» сифатида қадамини босмаган. Ўша ривоятга кўра, Варзиншоҳ ва унинг қизи Далли номидан Далварзин атамаси пайдо бўлган экан.

Ушбу шаҳар аҳолиси ҳақиқатан ҳам қандайдир сабабларга биноан пойтахтни зудлик билан тарк этиб, кейинчалик ҳеч қачон ўз юртига қайтиб келмагандек туюлади. Бизнинг ўзимиз ҳам ўша пайтлардаги археологик қазилар жараёнида ёв, ғаним, душман томонидан бузғунчилик, бу шаҳарни атайлаб вайрон қилганлик, талон-тарожга учраганлик ёки ёнгин изларига дуч келмаганмиз...

«Ахси уммул – шаҳри Фарғона» хусусидаги халқ орасида ҳанузгача кезиб юрган ривоят ҳам юқорида ўзингиз ҳозиргина ўқиганингизга роса ҳамоҳанг. Албатта, ҳар қандай эртақ, афсона ва ривоят замирида ҳақиқатнинг олтин янглиғ зарралари мавжуд бўлади. Қадимда Ахсикентнинг биладиган аҳолиси ҳам сув йўли сирини ғоятда қаттиқ сақлаган. Айтишларича, шимол тарафдан келган ёғий шаҳарни истило қилиш ва ўзига бўйсундириб олиш мақсадида уни жуда қаттиқ муҳосара (қамал) қилган. Табиийки, ғанимнинг қамали қанчалик даражада давом этмасин, Ахсикент аҳолиси сира ҳам таслим бўлмаган. Ёв бундай сабот-матонатнинг сирларини сира била олмасдан, тарвузи қўлтиғидан тушиб кетай, деб турганида ўша шаҳарлик бир очкўз ва хиёнаткор хотин (уни барчамиз учун муқаддас бўлган «АЁЛ» деган сўз билан аташга кўнгил йўл қўймади. Аслида эса «хотин» атамаси қадимги сўғдий тилида «малика» маъносини англатади. Аввал эфталийларнинг ва кейинчалик арабларнинг «халаж» қабиласи аёллари жудаям гўзал бўлгани боис ўрта асрларга келиб ушбу истилоҳ гўзаллик рамзига ҳам айланиб кетган. Бизнинг «хотин-халаж» деганимиз сўғдий-арабчадан замонавий ўзбек тилига ўтирилганида «гўзал малика»

деган маънони билдиради) ковун тушириб қўйганакан, яъни, ёғий томонидан ваъда қилинган жуда катта пулнинг эвазига ўзига туз берган эл-юрт, давлатнинг сирини душманга ошкор этиб қўйган.

Ўша соткин хотиннинг кўрғазмаси асосида ёғий аскарлари Косонсойнинг юкори окимидан сувга сомон ташлаганлар ҳамда уни аста кузатиб бораверганлар. Сомон ва похол сувнинг устида қалқиб оқиб, маълум бир жойга борганида бўлса кучли гирдобга дуч келиб, чирпирак бўлиб айлана бошлабди. Натижада, шаҳри азим Ахсикентга борадиган ер ости водопроводи айнан шу ердан бошланиши ошкор бўлибди. Душман аскарлари бўлса худди ўша сув шаҳарга борадиган ерни хас-хашаклар, тош ва қопга солинган балчиқ билан бирорта ҳам томчи ўтмайдиган қилиб, жуда ҳам маҳкам бекитиб ташлаганлар. Ва шундан кейингина шаҳарга сув келишиям тақа-тақ тўхтаб қолган. Орадан бир неча кун ўтгачгина ҳовузларга тўлдириб қўйилган сувни ҳам ичиб бўлган аҳолининг ўзидан ҳам кўра бола-чақасининг ҳаёти, келажагини ўйлаб, тирик қолиш ниятида ғанимга таслим бўлишдан ўзга иложи қолмаган...

Энди мана шу масала бўйича эшитган-билганларини бизга сўзлаб бериш учун навбатни жуда ҳалол журналист, шоир, ёзувчи ва таржимон Рустамжон Умматовга берсак. Янада ҳам аниқроғи, 2009 йилда Тошкентда «Мумтоз сўз» нашриётида 2200 нусхада чоп этилган «Ахсикент» номли китобдан муносиб равишда ўрин олган Рустам аканинг қаламига мансуб битиккка кулоқ тутсак:

«Ахсикентни ёв босди. Шаҳанд кўрғони шундай даражада мустаҳкам эдики, манжанақлар ҳеч ҳам иш беролмади, девордан раҳна очилмади. Кўрғон теварагидаги сув тўла жарлар қирғоғида олти ой чамаси муҳосара (қамал) қилиб турган ғанимнинг ғаддор сардори олдига бир кампир ишшайиб келди. Дедики:

– Мен Ахсикентни ишғол қилиш йўлини биламан.

– Эвазига биздан неларни тилайсан? – деди сардор.

– Якка-ёлғиз ўғлимни шаҳар доруғаси қилиб тайинлайсан, менинг ўзимга бўлса олтиндан ковуш берасан.

Шарти қабул бўлган хиёнаткор кампир душманни Косонсой томонга бошлади. Бир қисм лашкарлар Ахсикент муҳосарасида қолди, бир бўлаги бўлса унга эргашиб Архиён томон йўл олди.

Косонсойнинг ўнг соҳили бўйлаб Архиён (Архиён деганлари

асли ҳозирги Чортоқ туманидаги Ойқирон қишлоғи ҳисобланади. – Б. И.) қишлоғидан шимол томонга бир ёғоч йўл босдилар. Алиш деган жойга етиб келганларида кампир аравадан тушди.

– Ахсикент тарафга борадиган сув мана шу жойдан кетган, қувурнинг оғзи маҳкам беркитиб қўйилса кифоя, шаҳарнинг аҳли ташналикдан дарҳол таслим бўлади, – деди у.

Сойда бир дарё суви айқириб оқарди, санғийвериб сувсаган сарбозлар эса ерга ётиб олиб, ташна отлардай симира кетдилар.

– Бунча сув остидан ўзинг айтган қувурни топиб бўладими? Сен жодугар Широқнинг ҳийласини қилиб, бизни адаштирмоқчи, аскарларимни сувга ғарқ қилиб, маҳв этмоқчи бўлдингми?

– Сабр қил, – деди имонсиз кампир. – Йигитларингга айт, бир чақирим юқоридан сомонни оқизиб, уни кузатиб келсин. Сой қаердаки гирдоб ҳосил қилиб, сомонни айлантириб-айлантириб қаърига тортиб кетса, қувурнинг боши худди ўша жойда бўлади.

– Кейин-чи, ундан кейин нима бўлади? – ўшқирди ёв.

– Ундан сўнг бўлса ғаввосларнинг белига арқон боғлаб сувга туширасан, улар албатта, бир амаллаб топишади.

Хиёнат сабабли Ахсикент сувсиз қолди. Лекин, орадан қирқ кунлар ўтса ҳамки шаҳар аҳли таслим бўлишни сира ҳам хаёлига келтирмайди. Аксинча, ҳаёт сурони роса авжида, устахоналарда гумбур-гумбур меҳнат, хўрозларам ҳар тонгда қичқириб турибди, хофизларнинг хониши баландки, тўйлар ҳам асло тўхтамаган.

– Эй, ёсуман, эй сочи юлуқ бадбахт, – қаҳрини сочди ёвнинг раҳнамоси кампирни ҳузурига чорлаб. – Сен бизни алдабсан.

– Йўқ-йўқ, унақамас, шаҳарнинг бу ҳолида бир ҳийла бор...

Аммо, ҳафсаласи пир бўлган сардорнинг ортиқ токати ҳам қолмаганди. Шунинг устига эса хуфиялар хабар келтирдик:

Бу тунда Ахсикентга сон-саноксиз аскарлар мададга келган. Шаҳарнинг кунчиқардаги дарвозасидан кўрғонга кириб кетган от туёқлари ҳад-ҳисоби йўқ. Тарвузи қўлтиғидан тушган душман кампирни ҳам, доруғаликка даъвогарлик қилган ўғлини ҳам қатл этди, Ахсикентни олиш ниятидан воз кечиб, келган изига қайтди.

Ваҳоланки, ўша тунда бу шаҳарда ҳеч ким қолмаган эди. Душманни адойи тамом қилган ҳалиги овозлар эса муҳандислар ясаган биргина қутидан чиқар эди. Ўша қути гоҳида хўроз бўлиб



кичкирса, гоҳо итга айланиб акилларди, кўшиқлар ҳам шунинг ичида эди. Ахсикентга мадад ҳам келмаган, аксинча, химоячилар сувсиз шаҳарни ноилуж ташлаб чиқишган эди. Фақатгина ажойиб харбий ҳийла ишлатишган, яъни барча отларнинг тўрт туёгидаги такалар тескари қилиб қоқилган эди...» (124 – 125- бетлар).

## ИНСОН ҚАЛБИ

Олатда, қандай нарсанинг мустаҳкам кўрғони, тўсиғи бўлса, уни маълум даражада хавфсизлиги таъминланган деб ҳисоблаш мумкин. Атрофида тўрт девори бўлган, эшик-деразаси мустаҳкам уйга бирон-бир хўкиз ёхуд эшак кира олмайди. Лекин, таҳдидлар халқ, энг аввало, ёшларимизнинг қалби ва онгини нишонга олган-ку. Ундай бўлса, қалбнинг ва онгининг ҳам кўрғони борми? Агар бўлса, бу кўрғонни қандай қилиб янада мустаҳкамлаш мумкин?

Ушбу саволларга жавоб беришдан олдин «инсон қалбининг ўзи нима?» деган саволга соддароқ бир жавобни аниқлаб олсак.

Бир гуруҳ талабалар донишманд устозларидан сўрадилар.

– Мухтарам Устоз! Сиздан инсон қалбини оддий сўз билан тушунтириб беришингизни истаймиз. Биз баҳс боғлашиб, ўзимиз ўзимизча излаб топган жавоб эса ўзимизни асло қониктирмаяпти.

Донишманд эса жавоб бериш ўрнига талабаларни бир хонага етаклади. Хона нақшлар билан дидли безатилган, беҳад чиройли пардалар тутилганди. Ўртада чиройли хонтахта бўлиб, дастурхон солинган. Унда анвойи мевалар, хушбўй гуллар, мазали таомлар ҳиди уфурар эди. Хонанинг бағоят бежиримлиги, антика гуллари, шарқона безаклари, таровати, лаззатли таомлари хушбўйлигидан талабалар кўнгли ёришиб, мана шу ерда қолишни орзу қилдилар.

Донишманд устоз талабчан талабаларидан астагина сўради:

– Бу хона қалай экан, сизларга ёқдими ё йўқми?

Талабаларнинг бари бир овоздан жавоб қайтардилар:

– Жудаям антика хона экан, уни тағин кўргимиз келяпти.

Донишманд талабаларни ўзга хонага олиб борди. Хонанинг деворлари нураб ётган, хунук рангга бўялган, бўёқлари ҳам ўчиб кетган, ўртада хонтахтада эса бир коса овқатдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Таомнинг сассиқ ҳиди бутун чор-атрофни тутган. Бу хонага бир кирган киши қайта оёқ босишни ихтиёр қилмаслиги аниқ эди.

Талабалар хонанинг беҳад бадбўйлигидан кўнгиллари озиб кетиб, жирканиб, ҳовлиқиб, тезлик билан уни тарк этишга шошилишди.

Донишманд талабалардан мулойимлик билан сўради:

– Қалай, бу хона сизга унчалик ҳам ёқмадим, дейман?

Талабалар бўлса ижирғаниб, бошларини куйи солишди:

– Бу хонага киргандан кўра, кирмаганимиз ҳам маъқул эди.

Ўша ифлос хонанинг бадбўй ҳиди димоғимизга ўрнашиб қолди.

Устоз талаба шогирдларига тасалли бериб, уларнинг томоша қилган эмас, ўз кўзи билан кўрган ўша икки ҳолатни изоҳлади:

– Биринчи хона гўзал қалбли инсоннинг вужуди. Нақшинкор безаклар унинг қалби нақадар нафосатли эканлигини кўрсатади. Хушбўй гуллар бўлса дилининг маънавий гўзаллигини англатади. Бежирим пардалар кўнглининг ҳар қандай ёмонликлардан холи эканлигидан бир далолатдир. Косадаги лаззатли таом эса унинг қалби. Ҳар қандай одам дарҳол ундан тотиб кўргиси ҳам келади. Бундай эзгу қалбли инсон билан самимий суҳбат орқали сизнинг қалбингизга эзгуликнинг уруғлари қадалиб, ундан бекиёс хушбўй гуллар униб чиқади ва вужудингиз ҳам нақ чаманзорга айланади.

Донишманд талабаларнинг кайфиятлари кўтаринкилигидан мамнун бўлди ва иккинчи хона ҳолатига батафсил изоҳ берди:

– Иккинчи хона хунук қалбли кимса вужуди. Нураб тушган, бўёқлари ўчиб кетган деворлар унинг қалби ҳам нақадар қашшоқ эканидан далолат беради. Унинг кўнгли нақадар мискинки, унга худбинлик, кўролмаслик, ҳасад, гина, адоват уруғлари сепилган. Ундан ҳеч ким баҳра ола билмайди, аксинча ушбу дилга адашиб кириб қолган киши косадаги бадбўйлик анкиб турган овқат, яъни у нусха қалби жаҳолатидан озор чекиши аниқ. Ҳар қандай Инсон ғазаб, имонсизлик, билимсизлик, эътиқодсизлик, шафқатсизлик, худбинлик, жаҳолатдан тош қотган одамнинг суҳбатидан қочади.

Ҳақиқатан ҳам, одам қалби, онги бузилса, инсон бузилади ва инсоният бузилади, бутун дунёнинг тинчлиги ва осойишталигиям бузилиб кетади, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳам, турган гапки, ярамас кимсалар, палид кимсалар томонидан поймол этилади.

Қалбу онгнинг ҳам чинакам кўрғони мавжуд. У кўрғоннинг номи эса маънавият, маърифат, илм деб аталади. Худди ана шу уч қаватли, уч «девор»ли кўрғон билан муҳофазаланган инсон онги

ва қалбигина ҳар қандай хавф-хатар, таҳдидлар ва тажовузлардан бемалол омон қола билади. Бунга жаҳон ва камида уч ярим минг йиллик ўзбек давлатчилиги тарихининг ўта шонли ва айрим бир «кир-чир» саҳифаларидан керагича фактларни ҳамда далилларни ўзингиз ҳам бемалол шараф ва ўқинч билан келтира олишингизга эса, бизнинг ўзимиз ҳам чин қалбимиздан ишонамиз, инонамиз...

## АГАР...

Қадимги дунёнинг ўта машҳур файласуфи Эпиктет фикрича, «Бирон-бир ишни тўғри ҳамда яхши бажариш учун, аввало, уни бажариш йўлларини ҳам билмоқ зарур. Буни ҳар бир киши яхши тушунади. Тўғри, яхши яшаш учун эса бор-йўғи, эркин яшашни билиш ва уни иташ (хохлаш) ҳам керак, холос». Демак, ҳеч ким ҳеч қачон жамиятда ўзини якка-ёлғиз ҳолдаман, мен бечораман, дарбадарман, ёруғ оламда танҳо, ёлғиз, таянч ва суянчсиз қолиб кетганман, менинг ҳеч қандай ҳимоячим, ғамхўрим ҳам қолмаган, деб асло ўйламаслиги, ҳаттоки буни ўзига тасаввур қилмаслиги даркор. Акс ҳолда худди шундай кутилмаган ҳолат содир бўлади.

Ҳар қандай шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ўзгалар ҳуқуқлари поймол қилиниши, бошқалар эркинликлари бузилиши ҳисобига амалга ошириб олиши бўлса, амалда адолатсизликнинг яққол нишонасидир. Чунки, ҳар бир инсон ҳуқуқ ва эркинлигини ўзгалар, давлат ҳамда жамиятнинг қонуний манфаатларига ҳилоф равишда амалга оширадиган бўлса, ҳар қандай жамиятда ҳақиқий бошбошдоклик, бебошлик, тўс-тўполонлар ва анархия бошланиб кетади. Конституция эса ярамас, аблаҳ ва палид одамларнинг ҳам яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан бирга (яъни, наркотиклар ноқонуний савдоси билан шуғулланиб, кимларнингдир Алпомиш келбатли ёлғиз ўғлини ғирт гиёҳвандга айлантирган, кимнингдир якка-ю ягона, гулдек кизининг номусига тегиб, шармисор қилган, ҳаттоки болаларининг онасини, яъни ўз хотинини уриб ўлдирган нусхалар, агарда суднинг адолатли ҳукмига биноан жуда тезлик билан жамиятдан ажратиб қўйилмаса, жабрланган инсонларнинг қариндош-уруғлари, энг яқин кишилари томонидан жиноятчидан қасд-қасос олиш мақсадида унинг бирон-бир аъзосини синдириб ёки унинг ўлдириб ташланишига йўл қўймаслик мақсадида), ким

бўлиши, миллати, ижтимоий келиб чиқиши ҳамда динидан қатъи назар, барча кишиларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини амалга оширилишини ўз ҳолига асло ташлаб қўймай, бу ғоят даражада нозик жараённи ҳам қонуний равишда тартибга солиб беради.

«Номус ҳамиша ғамгиндир». Улуғ Гётенинг мана шу гапини эслаганда ҳар қандай номусли инсоннинг юраги зиркираб кетади. Номус дейилган чоғда, аввало, одамнинг кўз ўнгига онаси, қизи, синглиси, ёри келади. Мана шу тасаввурнинг ўзиёқ ушбу туйғуга илк ички шарҳни беради. Демак, ҳаётдан ҳам қимматли, жондан ҳам азизроқ юксак туйғу бу! Номус билан очликни ҳам, энг оғир машаққатларни ҳам, ҳаттоки ўлимни ҳам енгиб, унинг устидан бемалол ғалаба қозониш мумкин. Аммо, номуссизлик билан одам ҳеч бир нарсага сира ҳам чидай олмайди, ҳаттоки тўқликка ҳам.

Ҳаётни жуда қўп кузатган доно инсонлар «Ҳайвон ҳеч қачон ўз жуфтини хўрламайди, бу фақат одамларга хос иш», дейдилар. Лекин, зиддиятни қарангки, ўз умр йўлдошини ҳақорат қилган, уриб-сўкиб, яшаётган уйдан катта кўчага ҳайдаб юборган, унга турли хил йўллар билан тазйиқ ўтказган кимсанинг қилмишидан қаҳрлансак, «Ҳайвондан ҳам баттар экан-ку», деймиз. Бу гапимиз жониворларга нисбатан ғирт тўхмат, бўхтон эканлиги ҳақида эса унчалик бош қотириб ҳам ўтирмаймиз. Агарда ноқонуний тарзда наркотик моддалар савдоси билан шуғулланиб ўнлаб ўн гулидан бир гули очилмаган йигит-қизлар бевақт ўлимига сабабчи бўлган кимсаларни «Итга ўхшаган», десак, ўша вафодор итимиз бизга қарата «Ўзим туни билан ухламай, хотиржамлигингни кўриклаб чиқсам, эвазига боланг ғажиб ташлаган бир суякни раво кўрсанг. Мени ўша палидга ўхшатыпсанми?» дея иддао қилган бўлар эди. Мабодо, кимнингдир, жамиятнинг чинакам юраги бўлмиш, гўзал гулдек оиласини пароканда қилиб, мурғак болаларни етимликка маҳкум этган бирор сууюкоёқни «Мочахар, мегажин, манжалақи» дея баҳолагудек бўлсак, моллардан ортиб қолган нишхўрд билан қорнини бир амаллаб тўйғизувчи эшак ҳамда қуни ювинди, озик-овқат чиқиндиларига қолиб кетган тўнғиз, чўчқалар ва уларнинг «қизлари» биздан роса хафа бўлсалар керак. Парадоксни қарангки, Конституциямиз ва қонунларимиз мана шундай кимсаларнинг ҳимоясини ҳам таъминлаб ва қафолатлаб бермоқда. Айрим бир

кимсалар ўзларича орзу қилаётган халифалик замони бўлганида, юқорида номлари ва хунарлари тилга, аниқроғи, қоғозга олинган палидлар аллақачонлар, аввал баланд дорга осилиб ё оломоннинг тошбўронига учраб, сўнгра эса қаро ернинг қаърига кириб кетган бўлар эдилар. Яъни, ҳозирги замонда Сиз ва Бизнинг орамизда гердайиб юрмаган, энг азиз, муқаддас истиклолнинг буюк, тотли неъматларидан биздек росаям баҳраманд бўлмаган бўлар эдилар.

## ЭРКИНЛИК НИМА ДЕГАНИ?

Бу ёруғ оламда ҳар биримиз доим эркин бўлиши хоҳлаймиз, ўзимиз хоҳлаганча яшашни, юришни истаймиз. Эркинлик дегани бўлса бошқа кишиларга, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига сира ҳалақит бермайдиган ва зарар келтирмайдиган ҳар қандай хатти-ҳаракатни қила олиш демақдир. Бошқачасига ифодалаганимизда, эркинлик – англаб олинган заруратдир. Англаш деганимиз бўлса бевосита «онг» (яъни, онглаш) деган тушунча билан ҳам боғлиқ. Инсоннинг ўзини ҳайвонот дунёсидан ажратиб тургувчи асосий хусусият ҳам онг, яъни англаб етиш ҳисобланади. Мавриди келиб қолганлиги сабабли аввал одам онгининг ривожидан атроф-муҳит роли билан боғлиқ айрим бир фикр-мулоҳазаларимизни баён этиб олсак-да, ундан кейин яна эркинлик масаласи таҳлилига қайтсак, унчалик қаршилик қилмасангиз, кўнсангиз керак, деб ўйлаймиз.

Одам онгининг ривожланишига у кун кечираётган, яшаётган атроф-муҳитнинг анчагина таъсири мавжуд. Швейцариялик буюк психотерапевт олим Карл Густав онгининг ушбу ҳолатини «жамоа онгсизлиги» деб атаган эди. Бу фикрни қуйидагича изоҳлаш ҳам мумкин: бир тасаввур қилинг: икки аквариумда балиқчалар сузиб юрибди. Биринчи аквариум роса тоза, суви тиниқ, ичида чиройли балиқлар сузиб юрибди. Ушбу аквариумда сув ости ўсимликлари гуркираб ўсяпти. Иккинчи аквариумда эса бунинг мутлақо акси. Аквариумнинг суви ўта лойқа, ўсимликлар ҳам умуман ўсмайди. Балиқлар эса кичкина, кўримсиздир. Энди биринчи аквариумдан чиройли битта балиқни олиб, иккинчи лойқа сувли аквариумга солиб қўйинг. Бу балиққа нима бўлади, деб ўйлайсиз? Унга мана шу аквариумдаги муҳит салбий таъсир қила бошлайди. Чунки, у лойқа сувга ўрганмаган. Шу сабабдан ҳам ўша гўзал балиқчининг



чиройи аста-секин кета бошлайди. У кун ўтган сайин хунуклаша боради. Орадан кўп вақт ўтмай соғлиғи ҳам заифлаша бошлайди. У бунақа муҳитда нобуд бўлиши ҳам ҳеч гап эмас-да. Балиқ бу аквариумдаги муҳитни ўзгартира олмайди. Аксинча, аквариум ўз муҳити билан ўзга муҳитдан келган шу балиққа таъсир қилади.

Агар иккинчи аквариумдаги хунук балиқчани биринчисига солиб қўйсак-чи? Бу балиқ учун яхши, қулайроқ муҳит яратилган бўлади. Бу ердаги муҳит балиққа ижобий таъсир қилади. Худди шунга ўхшаб одамларга ҳам атроф-муҳит ўз таъсирини ўтказди. Вайроналар ичида ўсган боланинг онгига ўша вайрона муҳит ўз таъсирини ўтказди. У ўта ҳашаматли саройга келган чоғида ҳам анча вақтга қадар вайронанинг таъсиридан асло қутила олмайди. Чунки, унинг онги ўша вайрона ҳаётга ўрганиб қолган. Ҳаттоки у саройни ҳам вайронага айлантириши мумкин. Ёки бўлмаса, бутун умр бўйи етишмовчилик, камбағаллик, қашшоқликда кун кўрган одамнинг онгига фақат пулсизлик, етишмовчилик муҳити таъсир қилиб келган. Психологларнинг фикрича, агар у лотереяга катта пул ютиб олса, у шу пулни совуришга ҳаракат қилар экан. Чунки, унинг онгига катта пуллар сиғмас экан. Натижада, унинг онги шу пулларни сиқиб чиқараркан. Агар у бойимоқчи бўлса, секин-аста ўз меҳнати орқасидан поғонама-поғона қадам босиб, пул топишга ўрганиши керак экан. Аввалига озгина пул, кейин эса уни сал-пал кўпайтириб, охири катта пулларга қўли ва кўзлари ўрганганидан кейингина бойиб кетиши ҳам мумкин экан. Чунки, унинг онгига камбағаллик муҳити таъсир қилиб бўлган экан. Шунинг учун ҳам фарзандларимиз тарбиясида жудаям эҳтиёткор бўлишимиз талаб этилади. Болаларимиз ким билан ўйнапти, бировларга бўйсуниб юрибдими ёхуд бошқаларни бошқаряптими, ўртоқлари ўзи ким, қандай оиладан чиққан – ҳаммасини назорат қилиб туриш зарур. Карл Юнгнинг фикрича, одам ўзи ёлғиз яшаб, бошқаларга асло қўшилмасаям, унга яшаб турган ҳудудидаги кишиларнинг фикри, ҳаракати, туриш-турмуши – ҳаммаси таъсир қилар экан. Бу худди организмда ҳужайралар яшашига ўхшайдиган бирор нарса. Одам организмдаги ҳужайра ўз қобиғи билан бошқаларидан ажралиб туради. Ҳужайранинг ана шу қобиғи унинг бошқа элементларга қўшилиб кетмаслигини таъминлаб беради. Лекин, ҳужайра мана

шу организм билан яшайди. Бу организмнинг бирон-бир аъзосида касаллик ёхуд ўзгариш бўлса, шу хужайрага ҳам таъсир қилади. Қарангки, ўша хужайра ҳаётида ҳам мутлақ эркинлик йўқ экан.

Эркинлик одамнинг ўзидаги беҳисоб истаклар, хоҳишларни жиловлаб туриш натижасида эришиладиган бағоят олий неъмат ҳисобланади. Эркинлик – ақл-заковатли, доно инсонлар етишиши мумкин бўлган бир рухий ҳолат. Қолганлар учун эса у номаълум ва сираям етиб бўлмас манзил ҳисобланади. Яшаш ва эркинликка ҳар бир дақиқа, ҳар бир куни яшашга ва эркинлик учун бетиним курашувчи одамларгина лойиқдир. Эркин инсонлар эса ҳеч қачон ҳеч кимга ҳасадгўйлик қилмайди. Эркин одамларгина буюкликни ва юксакликни сидкидилдан тан олади, уларнинг мавжудлигидан ўта қувонади ва юкори даражага эришган кишилар – инсонларга ҳасад билан эмас, аксинча ҳавас билан караб, улар фаолиятдан доимо ибратни олади. Эркинлик ва зарурият, ҳуқуқ ва бурч ҳар доим биргаликда мавжуд бўлади. Масалан, ариқдаги сув эркин оқади. Лекин, у ўзи оқаётган ўзандан чиқиб кетмаслик зарурияти, мажбуриятига бўйсунди. Агар ўша ариқнинг кирғоқлари (қайси бири, ўнгдагими ё чап тарафими, бунинг аҳамияти йўқ) яхшилаб мустаҳкамланмаган бўлса, сув ҳам ошиб-тошиб кетади, ўзгаларга каттакон моддий зарар етказиб қўйиши мумкин. Мисол сифатида айтадиган бўлсак, ўнг кирғоқ – ҳуқуқ, чап бўлса – бурчдир.

Шунга кўра, айтишам мумкинки, барча ихтиёрий, эркин деб ҳисобланган хатти-ҳаракатлар аслида зарурий ҳамда мажбурий хатти-ҳаракатлардан иборат бўлади. Эркинлик деган тушунча ҳар бир шахс мустақиллиги, унинг ички дунёсига ташқаридан турли-туман таъсир кўрсатилишидан муҳофаза этилиши (виждон, динга эътиқод қилиш, фикр юритиш эркинлиги, бадий, илмий, техник, бошқа ижод турларининг эркинлиги кабилар) билан маълум бир даражада боғлиқдир. Демак, ўша эркинлик – инсоннинг объектив заруриятни англаши, ўз асосий мақсад ва вазибаларига мувофиқ ҳаракат қилиш қобилиятидан иборат. Эркинлик бу – қонунлар йўл қўядиган ҳамма нарсаларни қилиш ҳуқуқидир. Агар фуқаро мазкур қонунлар томонидан тақиқланган нарсаларни ва хатти-ҳаракатларни қила олганида эди, у ҳолатда унинг эркинликлари ҳам бўлмасди, чунки, мана шу нарсаларни бошқа фуқаролар ҳам

қилган бўлардилар. Фуқаро жамоада ўзига монанд нуқтаи назар, фаолиятлар огушидагина эркинликни ҳис эта олади. Эркинликлар таъминланган макон ва замонда ижодкорликка ва бунёдкорликка йўллар очилади. Камида уч минг йиллик ўзбек давлатчилигининг ибтидосида энг асосий ҳуқуқий манба, тартиб-қоидалар мажмуи вазифасини шараф билан адо этган «Авесто»да қайд этилганидек, ижодкорлик (ҳозирги замон тилида – креативлик) эркинликнинг чинакам гаровидир, тап-тайёр шаклларга мойиллик эса ғофиллик, мутелик, қуллик ва малайликнинг бош белгиси ҳисобланади.

## ҲУҚУҚ ВА БУРЧ

Ҳуқуқ бу – давлат томонидан ўрнатилган, Конституция ва қонунларда белгиланган ва давлат томонида ҳимоя қилинадиган кишиларнинг юриш-туриш қоидалари йиғиндисиدير. Ўзгачасига ифодаланса, «ҳуқуқ» тушунчаси кўп даражада давлат томонидан рўёбга чиқариладиган хатти-ҳаракат, кўрсатиладиган хизмат ёхуд шахснинг маълум ижтимоий-сиёсий, хўжалик тизимида иштирок этишга тўла ҳақли эканлигини билдиради. Шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ўзгалар ҳисобига амалга ошириши бўлса амалда адолатсизликнинг яққол бир нишонасидир. Агар инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ўзгалар, давлат ва жамият манфаатларига зид равишда амалга оширадиган бўлса, ушбу жамиятда ҳам ўз-ўзидан бошбошдоқлик, анархия ҳамда талотўплар бошланиб кетади-да.

Ҳар қандай дарёнинг иккита қирғоғи, қушнинг икки қаноти бўлганидек, ҳар биримиз муайян бурч ва ҳуқуқларга эгамиз. Дарё бемаврид тошиб кетиб, бирор фалокатга олиб келиши учун қайси қирғоқ ўпирилишининг аҳамияти йўқ. Худди шу каби бурчнинг адо этилмаслиги ёхуд ҳуқуқнинг бузилиши оқибатида жамиятда ғабий равишда, янгидан-янги муаммолар дунёга келади. Бурч бу – масъулиятга кўпайтирилган ўзига хос бир мажбуриятдир. Бурч туйғуси ривожланмаса у кишини интизомсиз, саботли, системали ҳаракатларга яроқсиз қилиб қўяди. Одатда бурчни ҳис қилувчи кишилар фаол, серғайрат бўладилар. Ўзининг бурчини яйраб адо этувчиларгина ҳаётда ҳеч ким, ҳеч нарсадан ҳадиксирамай эмин-эркин яшайдилар. Бурч туйғуси унчалик ривожланмаган кишилар эса ҳиссиётларнинг ҳузур-ҳаловатида яшайди, ё бўлмаса мавжуд

вазиятга осонгина мослашволиб, окимга қараб сузиб кетаверадӣ.

Инсоннинг бурчлари бўлса, одатда, тўртга бўлинади. 1) Ўз олдидаги бурчи. 2) Оиласи олдидаги бурчи. 3) Давлат олдидаги бурчи. 4) Ўзга одамларнинг олдидаги бурчи. Шу сабабдан ҳам бугунги кунда маънавий тарбиянинг муҳим йўналиши сифатида ёшларда Ота Макони олдидаги бурч, ўз тақдири учун масъулият, оила, маҳалла, жамоат ҳаёти учун чинакам жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш гоёта муҳим аҳамият касб этмоқда. Бурч, моҳиятан жамият, давлат ҳамда шахсларга нисбатан муайян индивиддаги муносабат, улар олдидаги мажбуриятни англатади. Бурч виждон, эътиқод, масъулият сингари тушунчалар билан чамбарчас боғлиқ. Умуман олганимизда, ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги ҳар бир хатти-ҳаракати замирида бурч тушунчаси – бурчга садоқат ёки хиёнат ётади. Унинг инсонлик бурчи ва мусулмонлик бурчи, ота-оналик бурчи, фарзандлик бурчи, фуқаролик бурчи каби кенг қамровли, барча замонлар учун энг умумий тушунчалари ҳам, шифокорлик бурчи, ҳуқуқшунослик бурчи, журналистликнинг бурчи, олимлик бурчи, ўқитувчилик бурчи, давлат хизматчисининг бурчи сингари касбий одоблари доирасидаги қатор тушунчалари ҳам мавжуд.

Шу сабабдан ҳам ҳозирги даврда ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларининг нимадан иборат эканлигини ўта яхши билиши, ўзининг бурчини сидқидилдан адо этиши туфайлигина кўзлаган мақсадига етиши мумкин. Демак, ҳар биримиз сарҳад кўриқчиси автомат, ўқитувчи китоб, дехконлар кетмон билан қуроллангани каби ҳуқуқий билимлар билан қуролланмоғимиз даркор. Бу қурол – сўз қуролидир. Сўз қуроли эса аслида ҳар қандай қурол сўздан кучлироқ эканлигини демократиянинг мураккаб йўлидан дадил олға бораётган 80дан ортиқ мамлакатнинг аксарият фуқаролари аллақачон англаб ҳам олганлар. Ҳуқуқ фалсафаси тамойиллари асосида тарбияланган Ғарб кишиси ўзининг ғурур-ифтихори, орномуси, кадр-қиммати ва шаън-шавкати, аввало, ўз ҳақ-ҳуқуқи, эркинлигига бўлган муносабатларда кўради. Сиз унинг номини кўкларга кўтариб мақтамаслигингиз, қуюқ салом бермаслигингиз ёки шоҳона дастурхонни безаб, ўзингизнинг иззат-ҳурматингизни билдирмаслигингиз мумкин. Лекин, унинг инсон сифатидаги ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини шак-шубҳасиз ҳурмат қилишингиз

шарт. Чунки, бу инсон ҳуқуқий фалсафа, ҳуқуқий кадриятлар ва ҳуқуқий маданият асосида тарбияланиб улғайган, вояга етган. У илк болалигидан «ўз ҳуқуқ ва бурчларингни тўла англасангина чинакамига одам бўласан» деган тамойилга амал қилган ва яшаб келган. Уларнинг кўзга ҳам кўринмас ҳуқуқий куроли борлигини яхши англаган полициячи ёки бирор зўравон резина таёғини ёхуд муштини юз марта ва минг бора ўйлаб олиб ишга солади ёки бу ҳунарининг бўлажак оқибатни ўйлаб, ишга солмай қўя қолади.

Қадимги юнон файласуфи Эпикурнинг ҳақли таъбири билан айтганимизда, «Хатто энг бўлмагур қонунлар ҳам инсонлар учун ниҳоят даражада зарурдир. Акс ҳолатда, одамлар бир-бирларини ғажиб ташлайди». Демак, бу ёруғ оламда тўла озод, хур, эркин ва мустақил бўлишнинг энг биринчи шарти мавжуд қонун-қоидалар талабларининг содиқ қули бўлишдан иборат. Бундай «қуллик»ни теранрок равишда англаб олиш учун ишончли далил-исботларни қидириб, жудаям узоқларга бориб ўтириш унчалигам шарт эмас. Масалан, мен ўзимни жуда ҳам эркин ва мустақил инсонман деб ҳисоблайман. Хоҳлаган ишимни қилишим, ўзим истаган ерларда ҳеч ким ва ҳеч нарсадан ҳайиқмасдан бемалол юришим мумкин, деб ўзимча ўйлайман-да. Энди мен, ўзимга ўзим танлаб берганим ўша бетизгин, бебош ва нотўғри тамойилга асосланиб, серкатнов асфальт йўл ўртасида ҳам гердайиб юра бошласам ва транспорт ҳаракатига ҳалакит бергудек бўлсам, ҳаракатни тартибга солувчи ички ишлар ходимининг ҳуштаги чуриллайди ёхуд ҳайдовчининг росаям болаҳонадор сўқиниши янграйди. Асаби чатокрок, жаҳли тезрок ҳайдовчи бўлса тарсаки ёки «яхшигина» мушт тушириб қолиши ҳам ҳеч гап эмас-да. Бу ҳолатда мен эркинликнинг ғоятда муҳим белгиларидан бири – масъулиятни бутунлай инкор этиб, ўзгалар эркинлигига катта хавф-хатар ва таҳдид солган бўламан...

Ўша қонунлар фақатгина Менга, Сизга ёки Унгагина эмас, аксарият кишиларнинг, умуман жамиятнинг ҳаётига ва тараққиёт тамойилларига унча мос келмасдан қолган тақдирдагина, ўзимиз томонимиздан ишонч билдириб сайлаб қўйилган халқ вакиллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси мажлисида муҳокама ҳамда мунозаралар орқали унга ўзгартириш ва муҳим қўшимчалар киритадилар ё аввалгисини буткул бекор

киладилар. Бу энди ҳаммаси жойига тушди, муаммо бутунлай ҳал бўлди деганим эмас. Ўша кунун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида маъқулланиши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланиши ҳамда матбуотда ҳам эълон қилиниши керак бўлади. Унга қадар эса Биз мавжуд ва амалдаги қонунларга тўла бўйсунмоғимиз даркор. Бу ёруғ оламда эркин ва хур бўлиб яшашнинг энг асосий шарти ҳам айнан мана шунда...

Эркинлик ва зарурият доимо биргаликда мавжуд. Масалан, дарёнинг суви эркин оқади. Лекин, сув ўзанидан чиқиб кетмаслик заруриятига бўйсунди. Шунга биноан бемалол айтиш мумкинки, барча ихтиёрий хатти-ҳаракатларимиз аслида мажбурийдир...

## **ДЕМОКРАТИЯ НИМА ДЕГАНИ?**

XXI аср ибтидосида бутун дунё халқлари ва сиёсатчилари наздида «демократия» энг машҳур сўзга айланди. Бугунги даврда демократияни амалга оширишга даъвогарлик қилмайдиган, ушбу атамадан ўзининг, кўпинча, ҳақиқий, асл демократиядан анчагина узок бўлган ният ва мақсадларида фойдаланмайдиган бирортаям таъсирли ҳаракат йўқ. Демократиянинг ўзи нимани англатади ва унинг ниҳоятда машҳурлигининг асосий сабаблари ўзи нимада?

Ҳозирги тилда «демократия» тушунчаси бир нечта маънода қўлланади. Унинг биринчи, асос бўлувчи маъноси этимология – атаманинг келиб чиқиши билан чамбарчас боғлиқ. «Демократия» қадимги юнон тилидан «Халқнинг ҳокимияти» сифатида таржима қилинади ёки бошқачасига ифодалаганида, «Халқ томонидан ва халқнинг ўзи учун сайланган ўша халқнинг бошқаруви»дир.

Демократиянинг этимологик тушунишдан ясалган кенгрок иккинчи талқинда бошқарув ва қарорлар қабул қилинишида аъзоларининг тенг равишдаги иштирокига асосланувчи ҳар қандайин ташкилот тузилиши шакллари эътиборга олинади. Ушбу маънода сиёсий партия, касаба уюшмаси, ишлаб чиқариш ва ҳаттоки оилавий демократия ҳақида сўз боради. Кенг маънода бўлса демократия деганлари ташкилот, ҳокимият ҳамда бошқарув мавжуд бўлган ҳамма жойларда, у ёки бу шаклда, албатта бўлади.

Учинчи маънода, демократия – қадриятларнинг ўзига хос маълум бир тизимига асосланувчи ижтимоий тузум идеали

(масалан, эркинлик, тенглик, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, халқ суверенитети ва ўзга ўхшаш ҳолатлар) сифатида англанади.

Тўртинчи маъносида демократия – халқ ҳокимиятчилиги, демократик мақсадларни ҳамда идеалларни амалга ошириш орзу-нияти, мақсадида самарали тарзда фаолият юритаётган ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар сифатида тушунилади.

Ислом Каримов фикрига биноан: «...Демократия авваламбор маънавий мезонлар асосидагина бошқариладиган, кучли ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти демакдир. Айтиш мумкинки, ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамияти демократиянинг ўзаро узвий боғлиқ бўлган икки жиҳати, икки қанотидир». Айнан шу сабабга кўра Ўзбекистонда «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» концепцияси ишлаб чиқилган ва бу ғояни амалга ошириш масаласига биринчи даражали аҳамиятни қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг барча нутқ, маърузалари, Олий Мажлисга Мурожаатномаларида жуда кўп бора қайта-қайта таъкидланганидек, «Биз мамлакатимиз ҳаётига доир ҳар бир қарорни ўз халқимиз билан маслахатлашиб, бевосита мулоқотлар асосида қабул қилмоқдамиз. «Халқ давлат идораларигамас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиш керак» деган ғоя бу борада фаолиятимизнинг мезонига айланмоқда. Давлат ходимлари, энг аввало, биринчи раҳбарлар фақат кабинетида ўтирмасдан, жойларга бориб, аҳолини безовта қилаётган беҳад долзарб муаммоларнинг амалий ечимлари билан шуғулланмоқда. Шу маънода 2017 йил халқ билан жуда яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммоларини самарали ҳал қилиш бўйича янги, ўзига хос бир тизим яратилган йил бўлди, деб айтишга тўла-тўқис ҳақлимиз.

Бу тизимнинг асоси ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқламоқда».

Бош қомусимизнинг 13- моддасига биноан, «...Демократик ҳуқуқ(лар) ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимояланади». Буюк бобомиз, унинг қутлуғ номи билан бутун бошли аср аталган Абу Райҳон Берунийнинг асосли фикрича ҳам

худди шундай бўлмоғи зарур: «Идора килиш ва бошқаришнинг моҳияти, азият чеккан инсонлар барча ҳақ-хуқуқларини чиндан ҳимоя килишдан ҳамда бировларнинг тинчлик-омонлиги йўлида ўзининг тинчлиги ва хотиржамлигини йўқотишдан иборатдир».

«Давлат бошқаруви – беҳад оғир юк, ниҳоятда машаққатли меҳнатдир. Кишиларнинг барчаси ўзи билан ўзи овора, подшоҳ бўлса уларнинг барчаси билан овора. Инсон биргина душмандан ҳадиксираса, подшоҳ минглаб душманлардан хавфсираб яшайди. Инсон ўзининг оддийгина хўжалигини тартибга солиш, оиласини бўлса оддий озик-овкат билан таъминлашни ҳам баъзида эплай олмайди, подшоҳ эса давлатидаги бутун аҳолининг ташвишини килишга мажбур. У ўз салтанатининг бирорта жойига эндигина ямоқ кўйганида, унинг бошка жойи йиртилиб қолади. Эндигина бирорта душманини бостирган чоғида, бошқалари билан курашга тайёрланишга мажбур бўлади. Шуниси эътиборлики, унинг жони биттагина, овкати ҳам битта фуқарочалик ейди. Лекин, биргина кулча еса-да, минг-минглаб кулчалар ҳақида ҳисобот беради, бир товоқдан ейди, минглаб товоқлар учун барчага жавоб беради, бир турмушдан лаззатланади ва минглаб ҳаётлар хусусида қайғуради. Шундай килиб, ҳукмдор фуқароларнинг барча юқларини ўзининг елкасида кўтаради. ўзининг жуда оғир меҳнати ҳисобига уларга дам беради, уларнинг душманларига қарши ўзи бениҳоя катъият билан курашади, фуқароларнинг камчиликларини эса яширади».

Ўтмиш замонлардаги жуда улуғ аллома ва донолардан бири Ат-Тартуший мамлакат ҳукмдорларининг кўпчилиikka ғамхўрлик килиши ҳақида ана шундай ҳаққоний фикр-мулоҳазалар юритган, асосли ва ибратли фикрларини бизга мерос килиб қолдирган эди.

Биз X асрда айтилган ушбу фикрларни орадан яна ўн бир аср ўтиб, эскириб қолган-ов, деб айта оламизми? Юқоридаги фикрлар бугунги воқеликка унчаям мос келмайди, дейишимиз мумкинми? Тўғри, бугунги замонда давлатларни подшоҳлар, амирлар, хонлар ва султонлар эмас, асосан Президент, Бош вазирлар бошқаради. Тўғри, бугунги кунда дунё харитасининг жуда салмоқли қисмини салтанатлар ва монархиялар эмас, республикалар ташкил этади. Тўғри, бугунги кунда бир киши иродасига бўйсунадиган мутлак монархиялардан ҳам кўра бутун халқнинг иродасига таянадиган



демократик давлатларнинг улуши каттарок. Аммо, мана шу ҳолат давлат бошлиғининг елкасидаги масъулиятни камайтирадими?

Одамлар ҳали-хануз, фақатгина ўзи билан ўзи овора эмасми? Кишиларнинг аксарияти ҳали ҳам фақат уй-рўзғор ташвишлари билан буткул банд эмасми? Ҳозирги даврда ҳам ҳамон барчамиз ўз турмушимиз, ўз бола-чақамиз, ўзимизнинг рўзгоримиз ғамини емаймизми? Баъзида эса фарзандларимиз таълим-тарбиясини ҳам тузукрок эплай олмай ёки рўзгоримизни бутлай олмаганимизда бу ёруғ дунё кўзимизга жуда қоронғи кўриниб кетиб, ўзимизнинг ҳаётимиздан зорланиб ва нолиб кўймаймизми? Лекин, негадир ўз оиласидан ташқари бутун эл-юртнинг ғамини еб яшаётган ва ўз фарзандларидан ташқари ўзбегим фарзандларининг барчаси ҳам комил инсон бўлиб етишишлари хусусида қайғураётган, аксарият кишилар сингари фақат ўз шахсий манфаати ташвишида эмас, эл-юрт, миллатнинг дардида куйиб-ёнаётган, хуллас, барчамизнинг ташвишимизни қилаётган, беҳад улкан бир давлатни оқилона ва одилона бошқараётган инсоннинг бундай ғоят беҳаловат ҳаётини ўзимизча одатий деб биламиз. Баъзида яқин қариндошларимиз ғам-ташвишлари ҳам ўзимизга сал ортикчалик килган пайтида, давлатимиз бошлиғи миллионлаб ўзбекистонликлар ҳаёти ҳақида қайғуриб, чин кўнгилдан жон куйдириб, ўзининг ширин жонини чиндан жабборга бериб ишлаётганига ва куйиб-ёниб яшаётганига миннатдорлик билдириш, таҳсин айтишни ҳам унутиб қўямиз...

## **ОДАМ НИМА? ИНСОН КИМ?**

Фалсафий нуқтаи назардан баҳоласак, «одам» биосоциал бир мавжудот. Ҳар қандай жонзот ҳам ўз тирикчилигининг ғамини ейди ҳамда, турган гап-ки, ўзидан кўпаяди. Ўз болаларини турли-туман хавф-хатарлар, таҳдидлар ҳамда хуружлардан ўз «жонини жабборга бериб» ҳимоя қилади. Айнан шундай фалсафий нуқтаи назардан қараганимизда, фақатгина кундалик тирикчилигининг ташвишида тинимсиз тарзда, эрта тонгдан қаро тунга қадар овора бўлиб юрадиган, бошқа инсонлар, оила, жамоа, жамият ва давлат манфаатларини сариқ чақага, бир пулга ҳам олмайдиган ўғрилар, тайёрхўр, террорчи, фоҳиша, порахўр, ҳаромхўр, қонунбузарлар, жиноятчиларни... ҳам одам қаторига киритиш мумкин. Фақатгина

улардаги биологик, яъни хайвоний унсурлар ва иллатлар унинг онги, тафаккури ва қалбидаги ижтимоийлик, яъни инсонийликка нисбатан анчагина даражада кучлироқ. У ҳам ниҳоятда ақлли ва уддабурон, лекин унинг ақли, ўзига хос палид дунёқараши у ёки бу жамиятда қабул қилинган анъанавий ахлоқ-одоб нормаларига, инсоният дунёсининг энг эзгу ниятлари ва тараккиётига қарама-қарши тарафга қўйиб, тескарисига йўналтирилиб олинган, холос.

Унинг учун бутун дунёга, ҳатто, ён қўшнисиникига ўт кетса ҳам майли. Фақатгина худди шу роса гуриллаб ёнаётган гулханда унинг қозони қайнаса ва қорни тўйса бўлди. Шу сабабга биноан, биз ҳаётда «одам савдоси» деган иборани ишлатамиз, ҳеч қачон бу хунар «инсон савдоси» ҳисобланади деган фикр ҳаёлимизнинг бир чеккасига ҳам келмайди. Чунки, ҳақиқий инсонлар ҳеч қачон ўзга инсонни сотмайди, ўзи ҳам асло порага сотилмайди. Лекин, айрим бир палид кимсалар чин инсонларни орқаворатдан бошқа нусхаларга сотиб юборишлари ҳам мумкинлигини яхши биласиз.

«Инсон» – соцбиологик мавжудот. Унда ижтимоий хусусият хайвонийликка нисбатан жуда ҳам кучли. У ҳам ўзгалар сингари оила куриш, яхши фарзандлар кўриб, уларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш ва фаровон ҳаёт кечиришни хоҳлайди. Лекин, ўзининг пок ҳаётига сира ҳам ҳаром-харишларни аралаштиришни мутлақо истамайди. Шу боисдан ҳам у мудом ўз нафсига қарши курашади, ўзининг барча хатти-ҳаракатларини жамият, инсоният, ўзгалар манфаатлари билан уйғунлаштиришга интилади. Ножоиз қилмишлари ўз оиласи, маҳалласи, меҳнат қилаётган жамоасига ошкор бўлиб қолишидан ўта ҳадиксирайди. Халқ ибораси билан ифодалаганимизда, қаланғи-қасанғи одамлардан фаркли равишда чин инсоннинг доимо «тормози ишлайди». Шу сабабдан ҳам биз ўтмишдаги, бугунги даврдаги буюк инсонларнинг ҳаёти, ижодий, яратувчилик фаолиятдан ибратни оламиз, бугунимиз ва келажақ хусусида ўйлаган ҳолда, «комил инсон» атамасини қўллаймиз.

Бир куни жуда ҳам машҳур ҳақимдан: «Қандай одам жазога лойиқ?» деб сўраб қолибдилар. Унинг жавоби бўлса қуйидагича бўлган: «Ҳеч қандай инсон жазога сира ҳам лойиқ эмас. Жазога чиндан ҳам лойиқ нарсалар жудаям ваҳший ҳайвонлар, одамларга доимо зиён-заҳмат етказиб юрадиган заҳарли илонлар ва чаёнлар

сингари турли-туман газандалардир. Аммо, орамизда аҳён-аҳёнда шундай бир палид кимсалар ҳам учраб турадики, улар вужудида зараркунанда даррандалар ва газандаларнинг кўпгина хислатлари мужассам бўлади. Бундай кишилар эса бошқа инсонларга қилган зарарларига қараб асосли тарзда жазоланади ҳам. Мана шу тариқа ярамас кишиларни ҳатто одам, дейиш ҳам мутлақо ноўриндир!..»

Инсон биологик ва ижтимоий мавжудот сифатида манфаати ҳамда дунёқараши асосида ҳаракат қилади. Ўзича нималарнидир яхши, ниманидир ёмон, адолатли ёки адолатсиз, деб ҳисоблайди. У баъзан ўзича адолатни тиклаш мақсадида, гоҳида эҳтиётсизлик оқибатида ё жаҳл устида жиноят содир этиб қўйишиям мумкин. Ундан кейин эса қилмишидан уялиб, қаттиқ пушаймон бўлиши ҳам мумкинлигини яхши биласиз, бошингиздан ўтган бўлса ҳам керак. Бунисига ўзингиз ҳаётдан керагича мисол келтира оласиз.

Масалан, халқимизда минглаб йиллик ҳаётий тажрибалардан келиб чиқиб «Эр-хотин уруши – доқа рўмолнинг қуриши» нақли бежиз туғилмаган-да. Баъзан арзимаган, майда-чуйда нарсадан ва гапдан эр-хотиннинг ўртасидан қора мушук югуриб ўтиб қолади. Бунақа пайтда икки – учта ўғил-қизнинг отаси асабини жиловлай олмай ёхуд ошна-оғайниларининг «урдук» деган даъвати асосида чойхонадан орттириб келинган ширакайфлик натижасида турмуш ўртоғига енгил тан жароҳатини етказиб қўяди. Кейин эса унинг ўзи беҳол хотинини шифохонага олиб бориб, дори-дармонга оила бюджетида аввалроқдан белгилаб қўйилмаган маблағни сарфлаб, яхшилаб даволатади. Даставвал жаҳл отига миниб олган аёл ҳам ўзича ёки кимнингдир қутқусига учиб, эрининг устидан тегишли идорага ариза ёзиб беради. Бироқ, орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, улар бир-бирларидан яхшигина узрни сўраб, ярашиб оладилар.

Ёки ўзингизам жуда кўп бора гувоҳи бўлган яна бир мисол. Одатда ёш болалар ўта ҳаракатчан, адолатсевар бўладилар. Улар ўртасидаги қизғин ўйиндан эса қизиққонлик, адолатга ташналик оқибатида баъзан «ўт чиқиб» туради. Бундай ҳолларда гоҳида айрим ота-оналар ёш болаларнинг ўртасига тушганларини ўзлари ҳам билмай қолиб, дастлабки айтишув, даҳанаки жанг ростмана тўс-тўполон, муштлашувга айланиб ҳам кетади. Жаҳл келса, ақл қочади, деганларидек, сал салмоқлироқ муштни еб қўйган қўшни

профилактика инспекторига мурожаат қилади. Бирок, воқеанинг эртасигаёқ, болалари яна ораларидан «қил ўтмас», «апоқ-чапоқ» бўлиб ўйнаётганларини кўрган ҳар икки қўшни ҳам кизикқонлик қилганлари ва кечаги ҳолатидан мулзам бўлиб, бир-бирларидан узр сўрайдилар. Агар юкоридаги ҳолатларда эр ёки қўшнилardan бири жиноий жавобгарликка тортилганида ўртадаги меҳр-оқибат анча юкорига кўтарилиб кетган, зиддият эса янада чуқурлашган бўларди. Айни шу маънода, Ярашув институтининг кўлланилиши оилалар мустаҳкамлигини асраб қолиш ва қариндош-уруғчилик анъаналарини қайтадан тиклаб, миллий кадриятлар барқарорлиги, аҳоли орасида тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Кўриниб турибдики, қонунчилигимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ҳаётда қоқилиб қолган шахсни фақат жазолаш эмас, шу билан бирга уни тарбиялаш, тўғри йўлни топиб олишига кўмаклашиш энг муҳим ўринни эгалламоқда.

Ҳар бир инсон, этноснинг ўзи бир беқиёс олам, ҳатто Ҳасан ва Ҳусан, Фотима ҳамда Зухранинг тафаккури, дунёқараши бир-биридан фарқ қилади. Агар кимлар учундир фақат ўзини ўйлаб, индивидуалистик ва ғирт эгоистик дунёқарашга асосланиб яшаш яхшироқ, қулайроқ туюлса, бу – уларнинг ҳуқуқи. Биз уларнинг бу ҳуқуқига дахл қилишни ҳаёлимиз четига ҳам келтирмаймиз. Ўзингиз ҳам биладиган «Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига» ўзбекона нақлиям бежиз туғилмаган. Минглаб йиллар мобайнида ўзбек халқи жамоавий турмуш тарзига амал қилиб келмоқда ва бундан кейинги ҳаётини ҳам айни шу тамойил талаблари билан боғлайди. Қадим Хитой файласуфи Сюн-Цзи (мил. авв. 313 – 235) ҳақли равишда таъкидлаганидек: «Инсон бақувватлик борасида ҳўкиздан ожизлик қилиб, чопқирликда эса отдан ортда қолса-да, бу жониворларнинг ҳар иккисини ўз измига бўйсундириб, ишлата билади. Бунинг сабаби нимада? Чунки, одамлар ҳўкиз, отлардан фарқли ўлароқ ҳамжиҳатликда яшаш иқтидорига эгадирлар. Ҳўш, инсонлар ниманинг эвазига ҳамжиҳатликда яшайдилар? Бунинг сири инсонлар ўртасидаги вазифалар ўзаро тақсимланишидадир. Ҳўш, бу тақсимланиш нимани эвазига амалга оширилади? У айни масъулият, мажбурият, бурч туйғуси эвазига амалга оширилади».

.. Ўзбекнинг битта боласига етти маҳалла ота-оналик қилиши

ҳеч кимга малол келмайди, қизи ва келини ахлоқи, юриш-туриши учун қўни-қўшнилар ҳам ўзини жавобгар, бурчли деб ҳис қилиши фақат яхшилик аломати ҳисобланади. Бирор кишининг фарзанди ножўя, кингир қадам қўйгудек бўлса, маҳалладошлар ота-онани вақтида огоҳлантирса, унга фақат раҳмат айтилади. Ўзбекларда чинакам инсонга хос ва мос деб мана шундай ҳаёт англонади ва у ҳамма томонидан доим ҳар томонлама рағбатлантириб борилади.

Ривоят қилишларича, Ҳанафия мазҳаби асосчиси Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг бир қўшниси сархуш бўлволиб, жанжал-тўполон кўтарар, шу боисдан ҳам туну кун на ўз оиласи, на қўни-қўшниларда бирор ҳаловат бор экан. Имоми Аъзам бир куни шом намозини ўқиётган чоғларида шовкин-сурон эшитилмаётганидан ажабланиб, қўшнисиникига чиқибди. Маълум бўлишича, бозорда ҳам шу қилиғини қилган экан, миршаблар уни тутиб зиндонбанд қилишибди. Эртаси тонгда Имоми Аъзам ҳачирини миниб олиб, ҳоким саройига астагина йўл олибди. Улуғ зотнинг келаётгани дарагини эшитган ҳоким пойига гиламлар тўшаб кутиб олишни буюрибди. Ўзи ҳам Имомга пешвоз чиқибди. Ушбу ташрифнинг боисини сўраганида, Имоми Аъзам қўшниси зиндонда эканлиги сабабли ҳам кўнгли тинчимасдан бу ерга келганини айтган экан, ҳоким у кишининг юртдаги юксак ҳурмати юзасидан қўшнисига қўшиб бошқа тутқунларни ҳам ўша куни зиндондан дарҳол озод этишни буюрибди. Айтишларига қараганда, шу-шу ўша қўшни ўз қилмишларидан уялиб, тавба қилган ҳамда бундан буёғига ҳалол меҳнат қилиб, тоат-ибодатни ҳам асло унутиб қўймаган экан...

## **ҲУРМАТИНИ ЖОЙИГА ҚЎЙИШ**

Ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини унчалигам татимаган митти куёнча ўтлоқда момақаймоқ ўтларни чимдиганча мириқиб, ўзича шўх-шодон ўланларни айтиб, маза қилиб сакраб-сакраб юрар эди:

– Уйланишни хоҳлайман, роса қувонишни истайман...

– Менга қара, ҳой ғилай! – дебди бўривой буталар орасидан калласини чиқариб. – Сен галварс қўриқхонада тинчликни бузиш

қонуна тақиб қўйилганини эсиндан чиқариб қўйдингми?!

– Вой! – деди қўнча, бу нуханинг ҳеч қутилмаган туркидан ҳуши бошидан учиб. – Мен... амакижон, секингина айтяпман-ку!

– Яна ўзини оқлайди-я, зумраша! – деди қари бўри яқинрок келиб. – Жуда бебош бўлиб кетгансанлар... Эй, қалтирама! Ўлим олдидан ўзингни сал-палгина мардларча тутсанг-чи! – хириллади у ва ўша қўннинг калласига оғир панжаси билан бир туширди.

Қўнча умбалок ошиб тушди ва бўривойга ялиниб-ёлворди:

– Ўзингиз ўйлаб кўринг, мендай бир ақлсиз қўндан қанча ямғулик чиқарди? Ўзим кўзим билан кўрдим. Анув тоғнинг ортида бутун бошли қўйлар подаси ўтлаб юрибди. Бу ердан унчалик узок эмас. Ўша қўйлар ён-атрофида бирорта ҳам чўпон-чўлик йўқ...

– Овозингни ўчир! – деди бўри ва уни янада қаттиқрок урди. Берилган зарба оқибатида, қўн ўша заҳотиёқ жон таслим қилди.

Бўрининг ёнига эса шериклари чопиб келишди. Биргалашиб қўнни ғажиб ташладилар, бироқ, унинг гўшти йиртқичларнинг беҳад оч қорнига урвоқ ҳам бўлмади, ўртага маслаҳат солдилар:

– Балки, ўша қўн айтган тоғнинг ортига ўтиб кўрармиз?..

– Яхши биламиз, қўнлар ростданам ҳақиқатгўй бўлишади...

Чиндан ҳам қўнча тўппа-тўғри гапирган эди. Беҳад шоҳона базми жамшид бўлди-да. Чўпонсиз қолиб кетган бечора қўйларни тиркиратиб қувиб, ғажиб қорни тўйиб, дўмбирадек шишиб кетган бўрилар ўрмонга судралиб қайтиб келиб, буталар тагига чўзилди.

Қартайган бўри шерикларига қарата оғир хўрсиниб қўйди:

– Нима десанглар денглар-у, мен шўрлик қўнга ачиняпман.

Ҳали ёшгина эди-я, раҳматли. Бунинг устига эса, тўғрисўз экан.

– Мен ҳам, – деди тагин бир бўри панжасини астагина ялаб.

– Инсоф билан айтадиган бўлсак, у аслида тўғри гапирган экан...

– Ҳеч кимга ёмонлик қилмаган, ўрмонда беозоргина бўлиб, ўзининг Худо берган ризқини териб юрган эди-да у бечора, – дея қари бўри панжаси билан намланган кўзини астагина артиб олди.

– Буёғига ачинишни бас қилинглар – катталарнинг гапларига аралашди навқирон ва эски замон талотўпларини қўмсамайдиган янги давр талаб, мезонларига бемалол жавоб бера оладиган, ўсиб-улғайиб келаётган баркамол авлоднинг ташаббускор бўриларидан бири. – Энди кўз ёшларини тўкишдан нима фойда?; Ундан кўра,

бечора ҳақиқатгўйнинг муқаддас номини мангу абадийлаштириб, руҳини шод қилиб, ҳурматини ҳам ўз жойига қўйишимиз керак...

Еганидан қорни ўта таранглашиб кетган кекса бўри тўдаси кўз ёшларини оқизганича куёнча жон таслим қилган ерга борди. Улар авайлаб ўрмон қахрамонининг суякларини йиғиб кўмдилар ва дарё тошларидан сағана тикладилар. Энг катта тошга эса мана шундай дея жудаям ўткир тирноқлари билан ўйиб ёзиб қўйишди: «Ҳақиқатгўй куёнвойга ёдгорлик. Содик дўстларидан!..»

Айнан мана шу сабабдан ҳам беҳад оғир ва мураккаб кечган тоталитар, экстремизм ва терроризмга асосланган Шўро замонида заковатли совет кишиларининг бешта муқаддас қондаси қуйидаги моддалардан иборат бўлган ва унга қатъий амал қилинган эди:

1. Ўйлама.
2. Агар ўйласанг, гапирма.
3. Агар ўйласанг ва гапирсанг, ёзма.
4. Агар ўйласанг, гапирсанг ва ёзсанг, имзоингни қўйма.
5. Ўйласанг, гапирсанг, ёзсанг ва имзо чексанг, ажабланма...

## **БАХТ НИМА?**

Бизнинг бува-бувиларимиз қадим-қадим замонлардан доимо умид ила яшаб келганлар, ўзларининг фарзандлари, невара, эвара, чевара, дувара, оввора, бегона, ва ҳатто, «томдан итарворадиган» деб аталмиш авлодларини ҳам ҳамиша умид билан яшашга ундаб келганлар, бетиним бахт-саодат, фароғат сари интилаверганлар.

Бизнинг буюк аждодларимиз бутун дунё илм ахли томондан «**БАХТ** нима?» деган ўта мураккаб саволга ХХI аср ибтидосида, миллионлаб ҳар хил сўровномалар орқали турлича технологиялар воситасида, зўрғадан-зўрға топилган жавобни ўша замонда комил ишонч билан баралла айтиб қўйган эдилар. Бундан 3 минг йиллар муқаддам умргузаронлик қилган буюк бобо-момоларимиз кашф этган **БАХТ** формуласигаям бир назарингизни ташлаб кўринг-а, улар нақадар ўта донишманд бўлганларига имон келтиришингиз ҳам шак-шубҳасиз: **ОЙЛА, ФАРЗАНД, СОҒЛИК!** Бунга заррача шак-шубҳа қиладиган кишилар бўлса, бемалол ўнг ё чап қўлини осмону фалакка кўтариши, ўзининг эътирозини ё раддиясини ҳеч кимдан асло чўчимай, кўрқиб ўтирмай билдириши ҳам мумкин...

Тўғри, ёруғ оламда умргузаронлик қилаётган 7,7 миллиард кишининг БАХТ ҳақида ўз тушунчаси мавжуд. Чақалок онасини тўйиб эмиб олса – Бахт, юра олмаётган беморлар югуриб кетса – Бахт, кўзи ожизлар чор-атрофдаги гўзалликни кўра олса – Бахт, абитуриентлар олий юртларида ўқий бошласа – Бахт... Буларнинг бари – БАХТ дарахтининг попук илдизлари, холос. Бахтнинг ўқ илдизлари бўлса – ҳақиқатан ҳам **ОИЛА, ФАРЗАНД, СОҒЛИК!**

**Ривоят:** Одам Аллоҳга ўзига берилган умр қарға ва тошбақа каби жонзотларниқидан анча озлигидан шикоят қилибди. Аллоҳ унга бор умр барча мавжудотларга тарқатиб бўлинганини айтиб, «Агар ўзингга берилган умрингни узайтирмоқчи бўлсанг, мендан оқил фарзандлар сўрагин, суюкли бандам. Мен сенинг умрингни фарзандларинг билан узайтираман. Сен кўра олмаган, бошингдан кечирмаган умрни, ҳаётни ўз фарзандларинг кўради ва умрингни янада узайтиради. Фарзандингга ҳам фарзанд бераман, натижада умринг ҳам узаяверади. Ва шу тариқа, сенинг авлодинг кўпайиб бораверади, ўз умринг бўлса қиёматга қадар етади», деган экан...

## ОҲАНГЛАРНИНГ ОНАСИ

Замонамиз социологлари оила уч кишидан – ота, она ҳамда фарзанддан ташкил топади, деб айтадилар. Халқимиз бўлса тўқис оилани учта авлод бирга бўлган муҳитда деб билади. Бу – катта авлод (бува, момо, амма-хола, амаки-тоға...), ўрта авлод (ота, она) га кичик авлод (фарзандлар). Одатда учта авлод вакиллари бирга яшаган оилада анъаналар барқарор кўриниш олади. Чунки, бобобувиларнинг набираларга меҳри, тарбияси, ўғитлари, оила тарихи ҳамда қадриятларини сингдириши бўлакча. «Қариси бор уйнинг париси бор», дейди халқимиз. Ҳаётий тажрибалар берган сабоқни ҳеч бир китоб уқтира олмайди... Асл миллий қадриятлардан ўрни билан фойдалана билиш ақли расолик белгиси. Халқона қилиб ифодаласак, алла айтилади, эртак сўзланади, топишмоқлар бўлса куйилади, бола ўйин ўйнайди. Мохият эътибори билан алла бола онгига халқнинг энг туғма оҳангларини сингдиради. Эртак бўлса дунёни танитади, бола ақлига оламини англаш кодларини асталик билан жойлаштиради. Топишмоқлар ақлни чархлаб, фикрлашга ўргатади. Ўйинлар эса уни кўпчиликка, жамиятга аралаштиради.



Боланинг келажакда чинакам шахс сифатида камол топишида бу ўзбекона миллий кадриятларимиз ўзига хос мустаҳкам маънавий замин ва тош-метин янглиғ пойдевор сифатида хизмат қилади.

Алла нафақат овутиб, болани оҳанглар оламига ошно этади, алла – олқиш, ота-онанинг болага тилаклари, орзулари мажмуини ҳам ифодалайди. Айтилган сўз – отилган ўқ. «Тоғдай тилагин, томдай беради», дейилади. Тилакларнинг инсон тақдирида ўрни ўта муҳим. Фольклоршунос Санобар Тўлаганова ўзи гувоҳ бўлган бир суҳбатни мана шундай хикоя қилган эди: «Икки момо гурунг қияпти. Келинлик пайтида шийпондаги толга беланчакни осиб, болаларини белаб кўйиб, пахта терган пайтларни роса эшлашди. Шунда момолардан бири айтди: «Шеригим беланчакни астагина терватиб, бор овози билан «Болажоним бой бўлсин, тевараги юлдуз, ой бўлсин. Кўраси тўла кўй бўлсин, бахти кундай балқисин, эл овзига қарасин», деб алла айтса, мен тортиниб ва индамай, ухлади, деб, боламнинг бетини ёпиб келаверибман-да. Худо аслида тилаганингни берар экан. Бунинг боласи айтганидай элда улуғ, мартабали, роса доврўгли бўлди. Менинг болам қолдикетди. Менам ўшанга ўхшаб алла айтиб, тилаклар қилсам, тилим киркилармиди?! Билмаган бўлсам, шунинг айтганларини изидан қайтарсам, ўлиб қолармидим?! Бу менга бир армон бўлиб қолди. Болаларим, яхши ниятли ва тиловли бўлинглар, тилингизни яхши тилак айтишдан тортманг ва ёмон тилак бўлманг. Ҳар гапингизга фаришталар омин дейди, деганлари ҳам шунчаки айтилмаган-да».

Сўз қудрати улуғ, айниқса, оҳангда оққан сўзлар чеку чегара билмайди. Алла оҳанги – бари оҳангларнинг онаси ҳисобланади...

Болажонлар тили чиққан пайтидан бошлаб, ўзининг ақлини танигунига қадар бизларни саволларга кўмиб ташлайди. Аслида, биз, катталар ҳам абадиятга қадар ўз-ўзимизга савол беришдан тўхтамаймиз. Қандай яшасам бўлади, не қилсам ҳаёт йўлларида сирғанмайман, дўст ва душманнинг олдида бошим эгилмайди, мухаббат нима, бахт деганлари ўзи қанақа бўлади сингари турли саволларга жавоб қидириш учун бетиним маслаҳатдош излайди. Ана шундай дақиқаларда бўлса инсоннинг зимистон йўлларини чароғон айлаб, ёритувчи шуъла бўлиб ота-она кўмакка келади.

## ЭРКАК КЎЧАНИНГ ОДАМИ(МИ)?

«Эркак кўчанинг одами» деган гапни ҳаммамиз эшитганмиз. Минг афсуски, орамизда рўзғор, бола-чақасини ўз холига ташлаб, фарзандлари эртасини ўйламай, бекорчиликни касб қилиб олган ёки гузарга чиқиб кун бўйи картабозлик қилиб ўтирадиган оталар ҳам йўқ эмас-да. Ишёқмас, ялқов эркакнинг ўз томорқасини чўл-биёбонга айлантириб кўйиши ҳам ҳеч биримизга янгилик эмас. Бирон-бир жонлиқ тугул, биттагина жўжа боқишга ҳам хафсала қилмайдиган, рўзғор олаҳуржунини аёлининг елкасига ортмоқлаб кўйиб, ўзини эркак санаб юргувчи ўша кимсаларга нима дейсиз? Очиғини айтилганда, на оила, на жамиятга наф (фойда, манфаат) келтиришни ўйлайдиган бунақа дардисар кимсалар, нусхалар ҳам ҳозирги беҳад шиддатли кунларда орамизда керагича топилади.

Айрим бир ота-оналар ўз фарзандларининг бемехр, беоқибат эканлигидан нолиб юрганларини ўзингизам эшитгансиз. Шунақа пайтларда «Эй, банда! Нимани эксанг, шунинг ҳосилини ўрасан-да», деган гап хаёлдан ўтади. Демак, боламизнинг қандай инсон бўлиб етишишининг асосий сабабларини, аввало, ўзимиз берган таълим-тарбиядан деб билмоғимиз даркор. Нима сабабдан онадан бегуноҳ ва беғубор бўлиб туғилган мурғак чақалок (гўдак, бола) вояга етгач, хато йўллардан юриб кетади, нима сабабдан жиноят сўқмоқлари, жинкўчаларига кириб кетади? Отани фарзандининг қачон, қаерларда ва кимлар билан юриши ҳам асло қизиқтирмаса, вақти-вақти билан боласини тузук-куруқ назорат қилиб турмаса, бунинг салбий оқибатлари эса ўзингизга жуда ҳам яхши маълум.

Фарзандига эзгу одоб-тарбия, таълим бериш ўрнига отанинг ўзи ёлғончилик, каззоблик қилиб юрса, боласи бўлса буни билиб турса, нима бўлади? Бировларни чув тушириш, қанақа йўл билан бўлмасин пул топишдан сабоқ берувчи ёхуд маст-аласт ҳолатида хотинини ноўрин уриб-сўкадиган, болалариниям аямайдиган оғзи шалоқ, маънавий қашшоқ отанинг тарбиясини олган фарзанддан нимани кутишимиз мумкин? Тижорат деб, иш, пулни деб юртма-юрт, шаҳарма-шаҳар кезиб юрган ота-оналар, ўзгалар қарамоғида қолган, ҳатто айрим бир жонзотлар сингари қаровсиз болаларни кўриб, дилингиз ниҳоятда хуфтон бўлади. Ўйга толасиз, бундай оилада ўсаётган ўғил-қизлар эртага қанақа киши бўлиб етишади?

Ўзининг Ота-онаси тарбиясини олмаган, ва ҳатто ўзи бир пайтлар катталар ёки тенгдошларидан зўравонлик ва шафқатсизликка дуч келган, турли жонзотларга озор берган ва бераётган айрим ёшлар кўча боласига, ва ҳаттоки ашаддий жиноятчи нусхаларга айланиб қолмайдими, деб беҳад қаттиқ хавотирга, ваҳимага ҳам тушасиз.

Криминология, психология, суд психиатрияси соҳаларидаги олимларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, ит, мушук, куш... – умуман жонзотларга шафқатсиз муносабатда бўладиган болалар кўпинча потенциал жиноятчига айланадилар ва ҳуқуқ-тартибот органларининг жиддий эътиборига муҳтожлар. Тадқиқотларнинг кўпчилиги шуни ҳам кўрсатадики, маньяк – қотил деган кимсалар 8 – 12 ёшдан оқ шакллана бошлайди. Агар авваллари болаларнинг турли ҳайвонларни таҳқирлаши, уларни қийнаб, ўзича кимдандир кўрган озорлари учун ўч-қасд олиши асосан оиладаги номақбул вазият туфайли тарбиядаги бир нуқсон сифатида талқин этилган бўлса, ҳозирги даврда олимларнинг сўнгги маълумотларига кўра, шафқатсизлик ва тажовузкорлик алоҳида бир генга боғлиқ экан.

Болалик ёшида бу ген маълум бир вазиятларда психопатияга ҳам олиб келиши мумкин. Сингапурда, жамият болалар тарбияси юзасидан муаммоларга дуч келганида, мамлакат бош вазири Ли Куан Ю томонидан ўтказилган ислохотлар натижасида мактаблар ва бошқа ўқув юртларида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига меҳрни кучайтириш борасида экология дарсларининг сони оширилганди. Шунда ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлган ота-оналарни уларнинг ўз фарзандлари «Жонзотларни қийнаш мумкин эмас!» дея уялтирган ва бу вазиятни яхши тарафга ўзгартирган эдилар...

Тимоти Уинтер (Абдулҳаким Мурод) қаламига мансуб «XXI асрда ислом (Постмодерн дунёда қиблани топиш)». – Т.: «Шарқ», 2005. – 368 бет) номли китобда катта ташвиш билан ёзилишича «АҚШда қамалганларнинг ярмидан кўпи бузилган оилаларнинг фарзандлари эканлиги, ота-онаси ажрашгани туфайли етказилган кучли руҳий зарба эркак ва аёлларга ўрта ёшида, ҳатто кексалик чоғида ҳам салбий таъсир кўрсатиб туриши аниқланган. Епископ ҳам, раввин ҳам бугунги жуда тез ўзгариб бораётган дунёда оила бошпанасига болалари қатори катталар ҳам ҳеч қачон бу қадар муҳтож бўлмаганидан бирдай ташвиш чекади, уни гуноҳларнинг

энг оғири – худбинликкина барбод қилиши мумкин, дейди. Ҳеч ким ўзини қурбон қилишни сираям истамайди: барчамиз шахсий эркинлик деб аталмиш маъбудга топинар эканмиз, ҳуқуқларимиз хақида бутун дунёга бетиним тарзда жар соламиз, масъулиятимиз борлигидан бўлса жуда ҳам қаттиқ асабийлашамиз» (95- бет)...

## МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Масъулият ҳисси нафақат болаларимизда, шу билан бирга, ҳар бир инсонда узлуксиз шакллантириб борилиши ҳам зарур. Ўз оиласи, касби-кори, вазифасига нисбатан ҳам масъулиятни доимо ҳис қилиши даркор. Ота-она борки, ўзининг ўғил-қизлари тартиб-интизомли ва катталарга итоатгўй бўлишини истайди. Бу борада ота-оналарнинг ўзи ўрнак кўрсата оляптими? Болада масъулият ҳиссини шакллантириш воситаларидан бири сифатида эҳтимол қуйидаги ибратли ривоятдан тегишли хулоса чиқариш керакдир.

Қадим замонда барча моддий имкониятларга эга бўлишига қарамай, доимо ҳаётдан нолиб юрадиган, тажанг шахзода бўлган экан. Оға-инилари ва ўртоқлари мадрасага қатнар, овга боришар, уни ҳам чақиришса, бош чайқаб рад этар экан. Хонасига қамалиб олиб, ўйга ботиб ўтирган ўғлининг аҳволидан хавотирга тушган подшоҳ энг донишманд кишини ўз ҳузурига чорлаб, шахзоданинг ҳолатини қандай қилиб бўлса ҳам, енгиллаштиришни буюрибди. Бир ҳафталик муддат белгилангач, кекса донишманд икки кунча ўйланибди, аммо чорасини сира ҳам тополмабди. Охири, яхшиси ўзим ҳукмдорнинг ғазабига дучор бўлмаслик учун бу юртни тарк этганим маъқулроқ бўлса керак, деган бир қарорга ҳам келибди.

Унга йўлда – тоғ этагида қўй-эчки боқиб юрган чўпон учраб қолибди. Уларнинг ўзаро гап-сўзлари дарҳол қовушиб қолибди. Даставвал сўрашга бирозгина истиҳола қилган ва ийманган ўша йигит донишманддан илтимос қилишга ботиниб, унга мурожаат этибди: «Отахон, бирпас подага кўз-қулоқ бўлиб турсангиз, мен зудлик билан кишлоққа бориб, егулик олиб келаман. Биргалашиб овқатланамиз». Малолланмасдан рози бўлган донишманд подани айлантириб юрар экан, бир улоқча чуқурликка тушиб кетганини кўриб қолибди. Олиб чиқилмаса, жониворнинг ҳоли не кечади? Донишманд омонатга хиёнат бўлмасин, дея чуқурликка тушибди.

Улоқчани елкасига ортиб, тирмаша-тирмаша юқорига кўтарилла бошлабди. Бирок, барча ҳаракатлари зое кетибди, оёғи сирпаниб пастликка эниб кетаверибди. Донишманд сира ҳам умидсизликка тушмабди, бутун иродасини ишга солиб, охири ниятига етибди. Ахир, у чўпон йигитга сўз берган, устидан чиқиши керак эди-да! Одам бир ишга жуда жиддий билан киришса, ниятига етишади. Лекин, бу ҳақиқатни бутун дунё менинг оёғим остида, кўлимдан ҳар нарса келади, деган подшоҳи олам англамикан? Донишманд чўпон йигитга унинг молини бус-бутун ҳолида топшириб бўлгач, ортига қайтиб, подшоҳнинг ҳузурига бориб, унга шундай дебди:

– Хукмдорим, агар ўғлингизнинг ботқоқликдан чиқишини истасангиз, унга масъулиятли вазифани топширинг. Унинг дарди бекорчиликдан. Ўзингизга жуда яхши маълумки, бекорчи одам безоридан хавфлироқ кимса бўлади. Иши йўқ эшакни ҳуркитади. Ўзингиз ўғлингизга топширадиган вазифангиз жиддий ва беҳад даражада масъулиятли бўлсин! Шахзодамиз олдиндан кўзланган орзу-ният, мақсад ҳамда натижага осонгина эришиб қолмасин!..

## ҲУНАРЛИ ХОР БЎЛМАЙДИ

Бир подшоҳнинг якка-ёлғизгина арзанда ўғли бўлган экан. Ўша подшоҳ доно вазирига ўғли яхши инсон бўлиши учун нима қилиши кераклигини маслаҳат солибди. Шунда ҳаёти мобайнида кўпни кўрган, турмушнинг аччиқ-чучугини тотган доно вазир:

– Олампадох, унга бирор ҳунарни ўргатиш керак, – дебди.

Подшоҳ мамлакатдаги энг кучли ҳунармандларни саройига таклиф этибди. Улар ёш шахзодага, унинг барча инжиқликларига чидаб, тишни тишга босиб, кунт билан гилам тўқиш, кулолчилик, нонвойлик, ошпазлик ва ҳаётда керакли бошқа касб-ҳунарларни ўргатишибди. Шахзода, аввалига ўзи унчалик хушламаган бўлса-да, барибир бир қатор касб-ҳунарли инсон бўлиб вояга етибди.

Бир куни шахзода ҳамроҳлари билан ов қилиш учун ўрмонга борибди. Улар ўта қуюқ ўрмонда адашиб кетиб, қароқчиларнинг қўлига тушиб қолишибди. Подшоҳ ўғли овдан қайтмаганлигидан роса ҳам ташвишланиб, вазирдан маслаҳат сўрабди. Вазир бўлса:

– Олампадох, бирозгина вақт ўтсин, бозорга биронта одам юборинг, ўғлингиз аҳволидан хушхабар бўлиб қолар, – дебди.

Подшоҳ мулозимлари бозорда катта, беҳад чиройли гиламни кўриб қолишибди ва уни харид қилиб, саройга олиб келишибди. Ўша гиламга диққат билан қаралса, унда деярли сезилмайдиган усулда шахзодани қандай қилиб топиш кераклиги битилган экан. Навқарлар зудлик билан ўша қароқчиларни маҳв этиб, шахзодани олиб қайтибдилар. Подшоҳ ўзининг доно вазирига миннатдорлик билдирибди, тақдирлабди. Чунки, унинг ўғли муқаррар ўлимдан айнан касб-хунари борлиги учунгина қутилиб қолган эди-да...

## **ТАРБИЯ ТАҚДИРНИ БЕЛГИЛАЙДИ**

Тарбия тақдиримизни белгилашини ўзингиз яхши биласиз. Электр чироғини кашф этган буюк Томас Эдисон болалик чоғида мактабдан келиб, онасига ўз ўқитувчиси бериб юборган мактубни тугқазади ва «Бунини ўқитувчимиз сизга бериб юбордилар», дейди. Она мактубни ўқир экан, кўзларидан шашқатор ёш оқа бошлайди. Бундан ёшгина Томас қаттиқ хавотирланиб, йиғисининг сабабини сўрайди. Онаси бўлса унга шундай жавоб беради: «Сенинг кучли қобилиятинг бор экан-ку! Мана эшит: «Ўғлингиз ўта иқтидорли, мактаб унга ва унинг қобилиятига торлик қияпти. Шунинг учун ўғлингиз ўз уйида таълим ола қолсин!» Шундай қилиб, Эдисон ўз уйида таълим ва тарбия ола бошлаган. Орадан кўп йиллар ўтади. Вақти-соати етиб онасиам оламдан ўтади. Онасининг вафотидан кейин бутун оламга машхур олим унинг жавонидан мактуб топиб олади. Орадан анча йиллар ўтиб кетган бўлса-да, хатни дарров танийди. Бу – ўша, мактабдаги муаллими ёзиб берган мактуб эди. Эдисон хатни аста ўқий бошлайди. Унда бундай деб ёзилган эди: «Ўғлингиз ниҳоятда беақл ва қобилиятсиз бола. Эртадан бошлаб мактабга асло келмасин!» Эдисон анча вақтгача йиғисини тўхтата олмайди. Сўнгра хотиралар дафтарига қуйидаги сўзларни битиб қўяди: «Эдисон ҳақиқатан ақлсиз бола эди, бироқ онасининг гўзал тарбияси туфайлигина истеъдод соҳибига айланди».

Бундан ҳам кўриниб турибдики, бир оғизгина оғир гап билан инсон тақдирини буткул ўзгартириб юбориш мумкин. Яъни, бола таълим-тарбиясига масъул бўлган шахс – ўқитувчисининг кўпол хатоси сабаб Эдисон мактубда таърифлангани каби қобилиятсиз бўлиб қолиши мумкин эди. Онасининг беҳад зукколиги ва фаҳму

фаросати сабабли бугун уни бутун дунё жуда ҳам яхши танийди. Демак, фарзанд тарбиясига дахлдор ҳар қандай шахс ўта зийрак, ақлли ва беқиёс даражада сабр-тоқатли, бардошли бўлмоғи шарт.

## **МЕҲРИНГ ҚУДРАТИ**

Анча эски замонларда бир ёш жувон эрини ва кичик ёшдаги боласини ташлаб кетди. Орадан бироз вақт ўтгач эри бошқа аёлга уйланиб олди. Натижада эса, бола ўғай онанинг қарамоғига ўтди. Вақти-соати етиб келгач, бола мактабга қатнай бошлади. Лекин, ўқишда омади сира юришмади. Тенгдошлари орасида энг қолиғи эди. Шу сабабдана отаси билан ўғай онаси уни роса ҳақоратлар, баъзида бўлса калтакларди. Бундан бўлса унинг ўқиши баттарок ёмонлашар, ёмонлашгани сари ота-она зуғумиям баттар кучайиб бораверарди. Бола бунақа оғир вазиятдан чиқа олмаслиғиям аниқ эди. Энди болақайни «тентак» ва «ақли паст» деб атай бошлашди.

Охир-окибатда кутилган иш бўлди. Ота ўғлини мактабдан олди ва бир устага шогирдликка шартта бериб юборди. Бирок, бу бола шогирдлик масаласини ҳам тузук эплай олмади. Қўли ишга сира ҳам қовушмас, ландовурлиги эса ҳаммининг ғашига тегарди. Оиласидагиларнинг қутқулашлари етмагандек, атрофидагиларам уни бетиним равишда туркиларди. У ана шу аччиқ ҳаётини кўрар экан, бир замонлар боласи ва оиласини ташлаб кетган онасидан хат келиб қолди. Онаси хатида ўғлини ниҳоятда соғинганлигини, бир лаҳза бўлсин хаёлидан чиқара олмаганини ва қилмишларидан афсусда эканлигини ёзган, қайта-қайта узр сўраган эди. Мактуби билан бирга бир халта ҳам жўнатган эди. Унинг ичидан чиройли ғижжак чиқди. Бола келган хатдан бир суюнган бўлса, совғадан ўн қарра, юз бора қувониб кетди. Онасининг фарзандини буткул унутиб юбормаганлиги эса уни чексиз даражада бахтиёр этганди.

Лапашанглиги билан росаям шуҳрат қозонган бола тез орада ғижжакни бир созанданинг кўмагида аста-секин чала бошлади. Орадан кўп ўтмай бу ишнинг ҳадисини олволди, кўрганлар бўлса хайратдан ёқасини ушлади. Бошида отаси, ўғай онаси, кейин эса бошқалар ҳам ғижжак сеҳрли экан, деган хулосага келди. Бундан ўзгача бўлиши уларнинг ақллариға сиғмасди. Бола чолғучиликда тобора уста бўлиб борарди, ғижжакни гўёки сўзлатиб ва сайратиб

юборар эди. Ҳамма бу ишнинг асл сири нимадалигини билишга қизиқар эди. Бир куни болага қойил қолганлар катта бир шаҳарда яшайдиган донишманднинг хузурига бориб, у хусусида ниҳоятда хайрат билан унга гапириб беришди. Бирон-бир нарсани уддалай олмаган бир бола қандай қилиб бундай даражага етишганлигини, ўша ғижжакда эса бирон-бир сир-асрор бор-йўқлигини сўрашди.

Кекса донишманд бўлса уларга астагина шундай деди:

– Ғижжакда сизлар гумон қилганингиздек, ҳеч қандай сеҳр йўқ. Бола ҳам сиз ўйлаганчалик қобилиятсиз эмас. Бирок, бошида онаси уни унутиб юборганига бутунлай ишонган бу бола ўқишда ҳам, устага шогирдликка тушгандаям омадсизликка юз тутганди. **Унутилиш ўта оғир нарса. Одамдаги бутун қобилиятни йўққа чиқариб юборади.** Аммо, болакай орадан анча вақт ўтиб онаси уни эсидан сира чиқариб юбормагани, ўзини эса яхши кўришини англаб етди ва унинг қобилияти қайтадан жонланиб кетди. Бунда ҳеч қандай сир-синоат ҳам, бирон-бир мўъжиза ҳам мавжудмас...

## ҚЎРҚИТИШНИНГ ОҚИБАТИ

Кўпинча айрим бир ота-оналар боламни тарбияляяпман, деб ўйлаб, жигарбандини урган, дўппослаган чоғида «Мени ҳам онам (отам) урганлар, лекин асло кам бўлганим йўқ», дея ўзларини ҳам оқлайдилар. Лекин, уларнинг ўзлари бўлса бир пайтлар «таъмини тотиб кўрган» шапалоқ – тарсаки жисмларига оғир ботганлигини эсдан чиқариб қўядилар. Тўғри, жисмоний оғриқлар ўтиб кетар, лекин шу калтакнинг дастидан кўнгилда қолиб кетган рухий азоб ҳаёти давомида боланинг хотирасидан кўтарилмаслиги ҳам аниқ-тиник-да. Ҳаттоки катталарнинг қуноққондан чиқиб кетган баъзи жазо усуллари оқибатида бир умр ногирон бўлиб қолган болалар хусусида баъзи бир маълумотларни қулоғингиз билан эшитгансиз ва унақалардан айримларини эса кўзингиз билан кўргансиз ҳам.

Биз, одатда, «ногирон» деган сўзни эшитгудек бўлсак, кўз олдимизда бирдан кўзи кўрмайдиган, қулоғи қар ёхуд шол одам ёки болакай намоён бўлади. Ҳа, улар жисмоний нуқсонли туфайли ногиронлиги бор шахс ҳисобланади. Бирок, рухий ногиронлик деган хасталигам бўлади-да. Бундай кимсаларнинг аланг-жалаңг кўзи худди бургутдек узок-узокларни кўради, қулоғи тулкиники



сингари динг ва бемалол эшитади, оёқ-кўллари бўлса асло тиним билмайди, бироқ, қалби кўр-сўқир, кулоғи эса маънан қар бўлади.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор, психоневролог олим Зарифбой Ибодуллаев уларга мана шундай таърифни берганлар:

«Рухий ногирон ота – ўзининг кўз очиб кўргани энг биринчи онласи қолиб, бошқа хотин излаган, зино ботқоғига ботиб кетган, кўзлари мўлтираб турган фарзандларини пул, меҳрга зор ташлаб кетган, оила бағридан кўра «кўнгилхушлик»ни афзал кўрадиган кимса. Боласини театр ёки ҳайвонот боғига етаклашга маблағи ва вақтини аяйди, лекин, хуштори билан ўзга юртларда сайр қилиш учун ҳеч нарсадан тоймайди. Кексайиб қолган ота-онасидан сира хабар олмайди, яқинларига «қимматбаҳо» вақтини ажратмайди, кези келганда, уларга ақл ўргатади ва жеркиб, силтаб ташлайди.

Рухий ногирон она – эрини бир пулга олмайди, фарзандлари олдида отани тап тортмай ҳақорат қилади, зебу зийнатларга ружу кўяди, ўйин-кулгига берилиб, ўзидан бошқаларни ўйламай кўяди. Бундай аёлларда ўз фарзандларига нисбатан на оналик туйғуси, на меҳр-оқибат, на шарм-ҳаё, на андиша-ю фаросат бор. Улар она деган беҳад улуғ номга қора доғни тушириб кўйган кимсалардир.

Рухий ногирон бола – 10 ёшли бола. Келишган, хушбичим, кўриб кўз қувонади! Аммо... Бироқ, унинг руҳи ногирон. Ёш ота-она уни шу кўйга солган. Нега? Чунки, уларнинг бир-бири билан уришмаган бирор қуни йўқ, ҳар иккиси куннинг бирида «отанга ўхшамай ўл, онанга ўхшамай ўлиб кет», «наслинга ўт тушсин», «боланг билан қўшмозор бўл!» каби қарғиш ва жеркишлар билан руҳиятига кетма-кет зарба беришаверади. Бу болақайнинг оппоқ қоғоздай мияси кундан-кунга негатив информацияга – ҳақоратли сўзларга, нафрат, адоватга тўлиб боради. Чехраси синиқ, тушқун ҳолатда мактабга кириб келади. Устознинг айтганлари кулоғига асло қирмайди, чунки уйдаги кечаги жанжал кун бўйи миясида кўланкадай айланаверади. Беш баҳо олиб, хурсанд бўлиб қайтса ҳам на отаси, на онасидан мақтов эшитади. Эрқалатиш деганлари у ёқда турсин, ҳатто «барақалла, болам» деб бошини силашга ҳам бирорта меҳрибон мавжуд эмас. Бахтли болалиги ўғирланган бу бола энди атрофдагилар, ҳатто яқинларига, ота-онасига ҳам асло меҳр бера олмайди» («Маънавий ҳаёт», 2019 йил, 2-сон, 17-бет).

Мана шундай рухий ногирон болалардан келажакда жамият учун беҳад хатарли жиноятчи, рецидивистлар, гиёҳванд кимсалар етишиб чикмаслигига ҳеч ким ҳеч қандай қафолат бера олмайди.

Ёшлигидан кўп калтак сган болалар ўқишда ва ишда баланд чўққиларни забт этишлариям мумкин, лекин, бу зафарлар ортида боладаги психологик стресс ҳеч ёққа қочиб кетиб қолмаслигини ҳамма ота-оналар ҳам яхши билавермайди. Яъни, кўркув, ваҳима туйғуси болага ҳеч қачон чинакам бахтни ҳис этиш имкониятини беролмайди. Чунки, шу болада кўзланган мақсадга эришганидан эмас, берилажак «жазо»дан бир амаллаб қутулиб қолганлигидан хурсандлик, мамнунлик ҳисси нисбатан устун даражада бўлади.

Болаларни жазолаш усуллари ҳақида кўп эшитамиз. Ҳатто, айрим бир хотинлар эса бу борада ўзаро «тажриба» ҳам алмашиб турадилар. Болаларини билиб-билмай қилиб қўйган катта-кичик хатолари туфайли қоп-қоронғи хоналарга қамаб қўйиш ва уларни оч қолдириш, бурчакка турғизиб қўйиш, ўз жигарбандини яхши кўрган нарсаларидан маҳрум қилиш каби турли-туман усулларда «мириқиб» жазолашади ушбу «педагогика фанлари докторлари».

Болаларни жазолаш мақсадида уларни уриш жуда қадимий ва мунозарали усуллардан бири ҳисобланади. XX аср ўрталарига қадар шапалоқ туширган ёхуд кўлида қайиш ва таёқ тутиб турган ота-она ҳеч кимда ҳеч қандай эътироз уйғотмай келган. Машҳур болалар ёзувчиси Астред Линдгрен фикрига биноан, шу дунёдаги турли ваҳшийликлар айнан ўзимизнинг болаларимиз хонасидан бошланади. 1979 йили Астред Линдгреннинг бир нутқидан кейин Швеция давлати бу ёруғ дунёда биринчи бўлиб болаларни оилада асло уриш мумкин эмаслиги ҳақида маҳсус қонун чиқарган эди.

Ёзувчи ўшанда нутқида қуйидаги ҳикояни сўзлаб берганди.

Бир она ҳеч қачон ўз фарзандини урмаслик масаласида ўзига ўзи ваъда беради. Лекин, кунлардан бирида ўз ваъдасини унутиб, ўғлини ножўя бир хатти-ҳаракати сабабли жазоламоқчи бўлади. Ўша пайтларда болани чивик (хипчин) билан уриш ниҳоятда кенг тарқалган жазо тури ҳисобланган. Шунда она фарзандига кўчадан бир нечта чивик топиб келишни буюради ҳамда уни шу йўсинда жазоламоқчилигини айтади. Бола орадан анча вақт ўтиб, кўзлари ёшдан шишган ҳолда чивик эмас, каттагина бир тошни кўтариб

келади. Онасининг ўғли олиб келган тошга ғоятда ҳайрон бўлиб қараганлигини кўрган бола алам билан хўрсиниб йиғлаб: «Чивик топа олмадим, лекин мени бемалол жазолашингиз учун мана шу тошни олиб келдим, уни менга қарата отсангиз ҳам бўлаверади», дейди Она боласининг ўрнига ўзини кўйиб кўради ва хиқиллаб йиғлаганча, «Ким ўзининг боласига тош ота оларкан?» деганида, боласи «Агар озор етказмоқчи бўлсангиз, чивик билан уришнинг тош отишдан ўзи қанақа фарқи бор?» деган жавобни қайтаради.

Ўтган асрнинг 60- йилларидан бошлаб эса болаларни бундай жазолаш усулининг самарадорлиги ва натижалари ҳам ўрганила бошлаган. Ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, болаларни уриш усули беҳад тарздаги ёмон тарбия воситасидир.

Аксарият рухшуносларнинг фикрига кўра, жисмоний тарзда жазолаш 2 ёшгача мутлақо қўлланмаслиги шарт. Тўққиз ёшдан кейин эса улар тарбия тизимидан буткул истисно этилиши шарт. Бироқ, ҳар нима бўлганида ҳам болаларни жисмоний жиҳатдан жазолаш, калтаклаш бошқа тарбия усуллариغا нисбатан самарали ҳисобланмайди. Аксинча, тарбиянинг мана шундай ёввойи усули болалар ҳамда ота-оналари ўртасидаги шундоқ ҳам таранглашиб кетган муносабатларнинг янада ёмонлашуви ва руҳий ҳолатнинг тузалмайдиган бўлиб бузилиб кетишига олиб келишиям мумкин.

Профессор Мюрей Штраус қирк йиллик ҳаёти, фаолиятини болаларнинг тарбиясида йўл қўйиладиган турли-туман хатоларни аниқлашга сарф қилган. Унинг таъкидлашига биноан, жисмоний кучнинг воситасида яхшигина «тарбияланган» болаларнинг зеҳни умуман калтакланмасдан ўсган болаларникига нисбатан анчагина сустроқ даражада ривожлана бошлар экан. Штраус фикрига кўра, фақатгина маънавий савияси беҳад даражада паст ота-оналаргина фарзандларини бемалол, мириқиб дўппослай, савалай оладилар.

Америкалик илмий тадқиқотчиларнинг ўта қатъий тарздаги огоҳлантиришига кўра, ёш болани ҳаттоки оддийгина силкитиш унинг ақлий ҳамда жисмоний ривожига анча-мунча зарар етказиб қўйиши ҳам мумкин экан. Унинг бирор аъзосидан маҳкам ушлаб олиб, жуда ҳам кескин тебратиш мия фаолиятининг бузилишига олиб келади, бу эса баъзи ҳолатларда асаб тортишиши, ўқишдаги турли-туман қийинчиликлар ҳамда эътиборсизлик сингари қатор

салбий омилларнинг келиб чиқишига ҳам бевосита сабаб бўлади.

Болани кўркитиш ғоятда осон. Лекин болага вақт ажратиб, у нега қаршилиқ кўрсатаётганини аниқлаб, меҳр ҳамда сабр билан тушунтириш ҳамма кишиларнинг қўлиданам келавермайди. Бола ота-онасини иззат-хурмат қилса, уларни ранжитадиган ишларни ҳечам қилмайди. Ўша хурматга эса калтаклаш билан эмас, болани тушуниш билан эришилади. Бола панд-насихатларга тузук-қуруқ кулоқ солмаяптими, демак, ота-онаси унинг қалбига йўлни топа олмаяпти. Яхшиси, ҳамма ишни бир четга суриг-да, болангизни бағрингизга босиб, у билан гаплашиб кўринг. Бошида албатта у ўзини четга олиб қочади, чунки бунақа илтифотга ўрганмаган-да. Аста-секин уни нималар қаттиқ қийнаётганини ўзи айтиб беради. Кўпинча, болаларнинг ота-онасига кулоқ солмаслигига ҳам унга меҳр-муҳаббат, диққат-эътибор етмаётгани сабабчи бўлади. Агар мана шунақа мушкул паллада болалар калтакланса, саваланса ва дўппосланса, у ўз яқинларидан янада узоклашиб бораверади-да...

Жан Жак Руссо, «Илк тарбия ҳамма нарсадан муҳимроқ ва у бевосита аёлларнинг зиммасидадир» деган чоғида минг бора ҳақ бўлганини бу ҳаётнинг ўзиям «манаман», деб кўрсатиб турибди...

## **ОТАСИНИНГ ЎҒЛИ**

Ривоятда келтирилишича, бир йигитнинг уйида асло ҳаловат қолмабди. Унинг хотини бетиним тарзда кекса отасининг устидан асоссиз равишда арз қилавериб, хунобини росаям оширворибди. Шунда йигит бошини қашлаб ва ўйлаб-ўйлаб, отасини баланд тоғ тепасидаги бир кулбага олиб бориб ташлашни, вақти-вақти билан имкон топиб, ундан хабар олиб туришни кўнглининг бир четига маҳкам тугиб кўйиб, падарини бошлаб олиб узоқ йўлга чиқибди.

Ота бутун йўл бўйи миқ этмай, ўғли ортидан кетибди. Ўғил уни кулбада қолдириб, ортига қайтаётганида ҳам оғзига гўё бир ховуч толқон солиб олгандек, бирор оғиз ҳам гапирмабди. Йигит ярим йўлга келгунига қадар фақатгина ўз отаси ҳақида ўйлабди. Ёшлигида ўз елкасига кўтариб олиб, опичлаб сершовкин бозорга олиб боргани, ҳамма нарсаларнинг энг яхшисини ўзининг оғзига тутганини ҳам эслабди. Шунда бирданига унинг кўзлари ярқ этиб очилиб, беҳад тезлик билан ортига қайтибди. Этиб борган заҳоти:

отасини маҳкам кучоқлаб олганича узоқ вақт ҳиқиллаб йиғлапти. Мушфиқ отаси эса фақатгина бир гапни бетиним такрорлар экан:

– Билгандим, болам! Ташлаб кетмаслигингни билгандим!

Йигит бирозгина ўзини босиб олгач, отасидан сўрабди:

– Отажон қаердан билгандингиз? Ташлаб кетаётгандим-ку!

– Сен барибир ташлаб кетмасдинг, ахир мен ҳам ўз пайтида ўзимнинг отамни бунақа жойларга ташлаб кетмагандим-да!..

## **ВАФОДОРЛИК ТИМСОЛИ**

Дийдаси бекиёс даражада қаттиқ ва шафқатсиз бир савдогар бор эди. У ҳар йили бозордан бор-йўғи бир кулни сотиб олар, бир йил мобайнида унга беҳад оғир ишларни қилдириб, сўнг ўйлаб-нетиб ўтирмасдан унинг бахридан шартга кечиб юбораверар эди.

Хизматларни беминнат ўтаб, иш муддати тугаган кулларни ўзининг йиртқич итларига ем қиларди. Бир неча кунлар аввалроқ итларини оч-наҳор қолдириб, сўнг уларни кулга ташланиб ғажиб ташлаши учун занжирини ечиб, олакишлаб қўйиб юборар эди.

Тожир кули йил давомида воқиф бўлган барча сир-асрорлар ўзга кишиларга ошкор бўлишини ҳеч истамагани учун ҳам айнан шунақа беҳад даражада аблаҳона, палидона йўлни тутиб келарди.

Аввалдан ўрганиб қолган роса ярамас одатига кўра у тагин янги кул сотиб олмоқчи бўлди. Қуллар тожири (сотувчиси) бўлса унга синовдан ўтган жуда ақл-заковатли бир кулни тақдим этди.

Уни сотиб олди. Кул бир йил чиройли хизмат қилди. Лекин, азобли ўлим, аввалгилар сингари, унга ҳам яқинлашиб келар эди.

Савдогар даҳшатли тус оладиган ғоятда қонли тўқнашувни кўриб лаззатланар эди. Қувончига шерик бўлиб, маза қилишлари учун ўз ҳамтовоқ улфатларини ҳам чақиришни унутиб қўймади.

Одати бўйича бир неча кун олдин итларини оч қолдирди.

Шундан сўнг кулнинг олдига итлар галасини қўйиб юборди. Лекин... кутилмаган ҳолат уни таажжубга солди. Итлар кулнинг атрофида думини ликиллаптиб, эркаланиб айлана бошлашди. Бир озгина сакраб – ўйнаб унинг олдида узала тушиб ухлаб қолишди.

Бой бу манзарадан ҳайратга тушди. Чунки, унинг итлари ўта очофат, ваҳший, йиртқич эди-да. Қандай қилиб бундай меҳрибон, вафодор бўлиб қолишганига ақли ҳам мутлақо етмасди. Хўжайин

Ўша кулдан ажабланиб бунинг асл сабабини сўради. Шунда кул:

– Мен сизга тўла бир йил давомида чиройли, холис хизмат килдим. Сиз бунинг эвазига мени шу оч итларга ем килдирмоқчи бўлдингиз. Атиги, охирги икки ой ичида итларингизга ҳам меҳр билан хизмат килдим. Оч-наҳор бўлсалар ҳам, уларнинг чинакам вафоси, садоқатини ўзингиз кўзингиз билан кўрдингиз-ку! – деди.

Алқисса, кимгаки заррача меҳр-муҳаббат тухфа этилса, чек-чегараси йўқ уммон сингари тўлиб-тошади ва ҳар бир кўнгилга кириб боради. Ҳаттоки, биз онгсиз деб атаган мавжудотларнинг ҳам шуурига сингиб кетиб, улар қаршимизда мисли кўрилмаган даражадаги чинакам вафо, асл садоқат тимсолига айланадилар.

## ТАҚДИРНИ ҚЎЛ ИЛА ЯРАТУР ОДАМ

Қадим даврда уч опа-сингил яшаган экан. Тўнғичи кўрслиги устига дангаса ҳам, ўртанчаси эса рўзғор ишларини номигагина бажараркан. Кенжаси бўлса одобли, ширинсухан, меҳнатсевар ва меҳр-шафқатли бўлиб, сўзлари ҳам куй сингари ёкимли экан.

Бир куни уч киз яшаётган ўша маконга бир аёл келибди.

– Менинг исмим **ТАҚДИР**. Ўзингиз ниҳоятда яхши биласиз, ёлғизлик фақатгина Аллоҳнинг ўзига ярашади. Худди шу илоҳий сабабга биноан ҳам мен бу жойга сизларни ўзингизнинг бўлажак турмуш ўртоқларингизга етказиб қўйиш учун келдим, – дебди у.

Опа-сингиллар **ТАҚДИР**нинг измига бўйсуниб, у етаклаган тарафга кетибдилар. Йўлда учраган биринчи кишлокда яшовчи абжир, ниҳоят даражада меҳнаткаш алп йигит катта опага насиб қилибди. Иккинчи бир макондаги очиккўнгил, лафзи бутун ҳамда ширинкалом инсонга бўлса ўртанча опа турмушга узатилибди.

Кенжа киз билан аёл эса йўлларида давом этиб, хароба кулба олдида тўхташибди. Уйнинг шундоққина ёнидаги қўлмақда ғирт маст, яғир, исқирт бир кимса балчикқа беланганича, ухлаб ётган экан. Буни кўриб сулув кизнинг ранги қордек оқариб кетибди.

– Эй, бешафқат **ТАҚДИР**! – дея надомат чекиб йиғлабди у. – Бунчалар даражада адолатсизсан-а? Менинг опаларимга ниҳоятда яхши ёр – инсонларни насиб этдинг. Менга қолганида эса...

– Сен заковатлисан, ҳар қандай маконни бемалол гуллатиб-яшната оласан, – унга беҳад ишонч билан қарабди **ТАҚДИР**:

Орадан йиллар бир зумда ўтиб кетибди. Кун келиб ТАҚДИР опа-сингилларнинг ҳолидан хабар олмоқ учун отланибди. Кенжа гўзал қолдириб кетилган хароба ўрнида қаср барпо этилганмиш. Боғ-роғ гўшада шоҳона кийинган бир киши ёнида суқсурдек аёли билан икки фарзандини етаклаб юрган экан. ТАҚДИР эса ана шу бахтли-ю бадавлат жуфтлик бир пайтлари ўз кўзи билан кўрган ўша маст-аласт йигит ва ўз қисматидан жудаям хафа бўлиб аччик кўзёшини тўккан кенжа сингил эканини дарҳол англаб етибди.

Уларнинг турмушидан қониқиш ҳосил қилиб, катта қизлар олдига йўл солибди. Ҳайҳот, сингилларнинг бадфеъллиги ҳамда ишёқмаслиги боис аввалги қасрмонанд чиройли уйлар вайронага айланиб қолибди. Алп йигитларнинг қадди бўлса икки букилиб, сочлари ҳам қордек оқариб кетган эмиш. Хонадон бекаларининг ғиди-бидилари ва шанғиллашидан эса эл-юрт беҳад безор экан...

Халқ орасида «қиз бола отасига бошқача меҳрибон бўлади», деган гап юради. Хоҳлайдими ё хоҳламайдими, фарзандларнинг, шу жумладан, қизларнинг кўп вақти оналар билан ўтиши табиий ҳол. Бу жараёнда улар бир-бирига жуда ҳам яқин, ҳатто сирдош бўлиб кетадилар. Аммо, яна бир муҳим жиҳат – ҳар бир улғайиб келаётган инсон ўзини топишга, мустақилликка ҳамда камолотга интиладики, балки қизлар ўз онасида ўзининг қиёфасини, отасида бўлса бошқа бир беҳад улуғвор, салобатли ва саховатли оламни кўрар? Бу олам ўзининг жисму руҳига туташ эканлигидан кўнгли, руҳи ва борлиғи ўсар? Ахир, қиз боланинг қалби нозик туйғулар, ширин орзулар ва меҳр-муҳаббат билан яралган ҳисларга тўлиб-тошган бўлади. Айнан шу боисданам Ўзининг бахтини яратишни, энг аввало, ўзининг отаси ва онасини бахтиёр этишдан бошлайди.

Ўзбекистон Қаҳрамони Суйима Ғаниева ўз отасини шундай эслаганди: «Шайхзода домла менга ҳар гал «Ғани акамнинг қизи» деб мурожаат қилганида раҳматли отам кўз ўнгимда гавдаланар эди. Отам қишлоқ хўжалиги соҳасида мутахассис бўлган эдилар. Бизнинг болалигимиз жуда оғир кечган. Бир бурда қора нон ҳам жондай азиз эди. Эсимда, бир гал отам оқ нон билан қанд олиб келганида биз йиғлаб юборганмиз. Шароит қанча оғир бўлмасин, отам менинг ўқишим, билим олишим зарур эканлигини жуда ҳам яхши тушунган ва шунга имкон яратганлар. Шунинг учун ҳам бу

хаётда нималарга эришган бўлсам, буларнинг барига илк сабабчи отам деб ўйлайман. Шайх ака ҳақиқатанам топиб айтганларидай, ҳамон «Ғани аканинг қизи» сифатида яшаб ва фаолият кўрсатиб келмоқдаман» («Маънавий ҳаёт» тарихий-фалсафий, маънавий-маърифий, илмий-оммабоп журнали, 2016 йил, 4- сон, 54- бет).

## ЎҚИШНИНГ ФОЙДАСИ

Тақдир тақозосига кўра, бир отахон анча ёш набираси билан катта дарё бўйида кунини кечирмас, яшар экан. Набира ҳар тонг бобоси китоб ўқиб ўтирганини кўрар ва секин унинг ёнига бориб, кулоқ солар эди. Бора-бора ўзи ҳам ўқишни ўрганиб олган набира кунлардан бирида онасининг отаси – бобосидан сўраб қолибди:

– Бобожон, мен ҳам сиздек ўқийман, аммо маъно-мазмунини сира ҳам тушунмайман. Ўқиганларим бўлса тезда ёдимдан чиқиб кетиб қолади-да. Ўзи бунақа ўқишнинг қанақа фойдаси бор?

Бобо саватдаги кўмирни гуриллаб ёниб ётган печкага солиб, набирасини ўз ёнига ўнг қўли билан астагина имлаб чақирибди:

– Ўғлим, мана бу саватни кўлингга олгин-да, оёғингни ҳам кўлингга олиб, тезда дарёга бориб, бир сават сув олиб келгин!

Набира бобосининг айтганини қилибди, аммо уйига қайтиб келгунича сув саватдан оқиб кетибди. Бобоси жилмайиб, дебди:

– Кейинги сафар салгина тезроқ юришингга тўғри келади.

Бола бу сафар сувни олган заҳотиёқ, оёғини кўлига олиб уйи томон ўпкасини кўлтиқлаб чопибди, лекин сув яна оқиб кетибди.

Бола ҳаллослаб, хансираб, тили бир қаричча осилиб келиб:

– Бобо, бунақа саватда сира ҳам сув келтириб бўлмайди-ку, – дебди, ўжарлик ва катъийлик билан, бирозгина жажлиям чиқиб.

– Бари хатти-ҳаракатларим беҳуда кетди, деб ўйладингми, болажоним? Сен кўлингдаги саватга бир зеҳн солиб қарагин-а!

Саватчага назар ташлаган бола кўмир солинадиган қоп-қора, қир ва эски буюмнинг ичи ва таши тозаланиб қолганини кўрибди. Шунда китобхон бобоси беҳад қизиқувчан неварасига қарата:

– Болажоним, сен китоб ўқиганингда ҳам шундай ҳол содир бўлади. Сен ҳеч нарсага тушунмаслигинг ё эслаб қололмаслигинг мумкин, лекин китоб ўқиганинг сари руҳиятингни тобора поклаб бораверасан, фикрларинг ҳам теранлашаверади – деган экан...



## ТЕЛЕВИЗОРИ ЙЎҚ ОИЛА

Яқинда уйда умуман телевизор йўқ бўлган бир оила ҳақида лавҳа эфирга узатилди. Бунинг сабабини европалик ўша оиланинг бекаси: «Фарзандларим тарбиясига салбий таъсир кўрсатишидан кўркамиз», – дея изоҳлади. Ғарб одамики шундай хавотирда экан, биз шарқликлар янада эҳтиёткорроқ бўлишимиз даркор эмасми? Албатта, бугунги тараққий этган даврда ҳеч биримиз ҳаётимизни телевизорсиз ва турли-туман кўрсатувлару фильмларсиз тасаввур қила олмаймиз. Қолаверса, миллий телеканалларимизда болалар онг-шуурини, қалбини беҳад эзгу хислатлар билан бойитадиган, маънавий қувват берадиган яхши кўрсатувлар ва фильмлар кўп. Бизнинг болаларимиз учун махсус ташкил қилинган «Болажон» телеканалда фарзандлар фикрини ва дунёқарашини ўстирадиган кўрсатувлар намойиш этилмоқда. Ва шунингдек, ёшларимизнинг тафаккурини ҳар хил олди-қочди хорижий сериаллар таъсиридан ҳимояловчи баландроқ савияли сериаллар ишлаб чиқилмоқда.

Ҳаддан ташқари мураккаб, мўрт давр ҳар қадамда хушёрлик ва огоҳликни қатъий талаб қилмоқда. Айниқса, болалар тарбияси масаласида эҳтиёткорлик ҳаёт-мамот масаласига айланиб кетди. Биз томошабинларга зинҳор сериал кўрманглар, демоқчимасмиз. Кўринг, лекин ўз онгингиздаги танлаш ва англаш тугмачасини босаётганда хушёрроқ бўлинг, бирор нарсага ортиқча муккасидан кетиш оқибати фикрсизлик ва қарамлик эканлигини ёдингиздан сираям чиқармасангиз бўлди. Сериалларни томоша қилиш дегани фарзандларимизнинг тарбияси-ю эртанги куни ҳамда келажакини «зангори кути – телевизор амаки»нинг экрани ихтиёрига тўлиқ топшириб қўйиб, болани бизнинг зурриётимизмас, «телебола»га айлантириб қўйиш дегани ҳам эмас-да. Шундай йўлни тутадиган кимсаларнинг ўз ҳаёти ва қисмати ҳам ниҳоятда маҳзун, ўқинчли сериалга айланиб қолиши эса эҳтимолдан мутлақо холи эмас...

«Телевизор тафаккури заиф, мутолаа ва мулоҳазадан маҳрум одам учун ихтиро қилинган афюндир», деганди ўтган асрда яшаб ўтган турк адиби Жамил Мериç. Бу фикр ўлкаларда фақатгина битта телеканал фаолият кўрсатадиган, санокли кўрсатувлар ва фильмлар куннинг маълум бир пайтларида намойиш этиладиган, кишилар бугунгидек экраннинг қаршисига миҳланмаган кезларда

айтилган. Бу иборани алам билан таъкидлаган ижодкор бугунги шиддатли замонда 24 соат бетиним ишлайдиган телеканалларга карамлигимизни ўз кўзи билан кўрганида, нима деган бўлар эди.

Германиялик психолог шундай деганди: «Бир соат телевизор томоша қилган одамнинг танбаллигини йўқотиш учун, у билан бир ҳафта «хотира машқлари»ни олиб бориш керак бўлади»...

## **НИЯТ – АСЛ КУЧ**

Инсоннинг рухий саломатлигини уч туйғу асрайди: ишонч, умид ва меҳр-муҳаббат. Улар орасида энг асосийси – ишончдир. «Ихлос – халос», деганлари ҳам айнан шу бўлади-да. Инсоннинг имкониятлари аслида чексиздир. Ўз кучига қатъий ишонган киши бемалол ҳамма нарсанинг уддасидан чиқади. Фақатгина инсонда соф руҳ бўлиши, унинг мияси хайрли ниятлар ва тоза тилакларга тўлиқ бўлмоғи, янадаям қисқарок ифодалаганимизда, инсонларда бор-йўғи маънавийят энг бирламчи бўлиши талаб этилади, холос.

Дипак Чопра «Муваффақиятнинг етти маънавий қонуни» китобида ният ва истак тушунчаларини анча теран ёритиб берган ва унга ҳақиқий узоқ муддатли муваффақиятнинг калитларидан бири сифатида баҳо берган: «Ҳар қандай нарсани ният қилишда ва хоҳишда, албатта, уруғ ҳамда унга яхши ишлов бериш учун механизм бўлади... Ният ўз-ўзидан бўладиган, унчалик ҳам кўп кучни талаб қилмайдиган, бир хил қувват оқимидан холи, йўқдан бор қилишга интилувчи пойдеворни ётқизади. Ният – асл куч, у истакларнинг ортига яширинволган бўлади. Ният ўз-ўзидан улкан қувватга эга, ният, аслида, бу – боғланиб қолмаган хоҳиш. Хоҳиш ўз-ўзидан ажойиб, кўпчилик одамлардаги хоҳиш бу – натижага боғлиқ ниятдир. Ният деганимиз ўсиш билан уйғунлашиб кетиб, инсонларнинг эътиборини ҳозирга, яъни айни оқимга қаратишга ундайди, у ишга киришган пайтларда бир мўлжал керак бўлади, аммо сизнинг эътиборингиз ҳозирги вазиятга миҳланган бўлади. Эътиборингиз айнан ҳозирга қаратилган бўлса-да, ниятингиз эса келажакка ҳам мослаша бошлайди, ваҳоланки, келажакни кўриш ҳозирданоқ бошланади. Ҳозирни қабул қилинг ҳамда келажакни мўлжал олинг. Келажак эса ниятнинг ўсиб боришидан курилади».

Лекин, мана шунисини ҳам алоҳида таъкидлашимиз жоизки,

муваффақият деганимиз худди нарвонга ўхшаб кетади. Нарвонга қўлни чўнтакка солволиб, хуштак чалиб чиқа олмаслигингизни, акс ҳолда оқибати нима бўлишини эса ўзингиз ҳам яхши биласиз.

Ниятингиз яхши бўлса, дуч келган кишига ўзингизнинг ғам-ташвишларингиз ҳақида сўзламаслигингиз даркор. Тўғри, ана шу суҳбат давомида, одам сал-палгина енгиллашгандек бўлади, аммо орадан бироз вақт ўтгач, ўз муаммоларига янада ҳам ўралашиб қолиб, бирон-бир янги, яхши суҳбатдошга эҳтиёж сеза бошлайди. Шундай эканки, асабларимизнинг бирозгина дам олишига рухсат беришимиз зарур бўлади. Бунинг учун эса, энг биринчи навбатда:

– асабларни эстрада куйларидан, уларнинг оғир, тез темпада ёзилган турли-туман ўта жазавали оҳангларида асраб-авайлаш;

– кўркинчли, жангари кино ва кўрсатувларни томоша қилиш эҳтиёжини, қўлдан келгани қадар бир амаллаб тийиб туриш;

– турли-туман оилавий, жамоавий низоларга аралашмаслик, ва ҳаттоки уларни бафуржа таҳлил қилишга ҳам киришмаслик;

– мумтоз куйларни янада кўпроқ тинглаш, чунки, қанча кўп тингланса, бош мианинг ўнг шарлари қисми шунчалик даражада ўз иш фаолиятини кучайтиради. Мианинг ўнг қисми эса онгости иш фаолияти учун жавобгар эканлигидан ўзингизам бохабарсиз;

– кушлар сайрашига, дарахт барглари, ариқларда шилдираб оқаётган сувнинг аста шивирлашига диққат-эътиборни қаратиш, уларнинг баридан бўлса роса мириқиб завқланиш ва шавқланиш;

– бугун келажакда қаторлашиб келадиган кунлардан тағин биридир, лекин бу кунлар айни дамдаги қиладиган ҳаракатларга ва хулқ-атворга бевосита боғлиқ эканлигини асло унутмаслик;

– дам олишга эмас, фаол ҳаракатга интилиш, бемаъни орзу қилиб ўтирмай, ҳақиқатни танламоғимиз даркор. Хўмрайиб ёки тезариб туришни эмас, ўзгаларга ҳамда ўзимизга кулиб қарашни, душманликни эмас, энг аввал меҳр-муҳаббатни танлаб олишимиз зарур. Ҳаётда ҳар доим фақатгина яхшиликка интилавериш. Энг асосийси бўлса, доимий равишда ишлаш имкониятини танлаш;

– меҳнат қилиш, қийинчиликларга бардош бериш, одамдаги ғайратни сўндирадиган кимсаларнинг гапларига сира ҳам кулоқ солмаслик. Барча норозилик, шубҳа-гумон, умидсизлик, нолишни бир четга суриб ташлаб, бор кучларни қийинчиликларни енгиллашга

сарфлайвериш. Ахир, эрта баҳорда очиладиган гуллар шамол ёки совуқдан ҳеч кимга ҳеч қачон арз ва шикоят қилмайдилар-ку;

– лолакизғалдоқлар кишнинг тўсатдан қайтишидан кўркиб ер остига яшириниб олмайдилар ёхуд яқинлашиб келаётган ёзда роса кўпаядиган ёввойи ўт ва ҳашаротлардан кўркиб кетиб, ўсмай қолмайдилар-ку. Улар ноқулай шарт-шароитларга бемалол қарши тура олганлари учун ҳам кишилар тарафидан беҳад ардоқланади. Инсон ҳам агар гуллаб-яшнамоқчи бўлса, Она табиатдан ўрناق, ибрat олмоғи даркор. Энг асосийси эса, ниятни яхшилаши зарур.

Имом Бухорий бобомиз ўз китобларида келтирган муборак ҳадисда айтилгани каби, «Барча амаллар ниятга қараб бўлади».

Дарҳақиқат, ўзингиз ҳам бу беҳад мураккаб ҳаётда кўп бора гувоҳ бўлишингизга тўғри келган: пок орзу ва эзгу ниятлар билан бошланган хайрли ишларнинг барчаси, албатта, ижобат бўлади.

## **ХОТИРА АЗОБИ**

Балки эшитган чиқарсиз, япон тадқиқотчиси Масару Эмото махсус илмий тажриба ўтказиб, сувнинг ҳам хотираси борлигини исботлаган. Унинг далиллари аниқлашича, сув «кўради, эштади ва таъсирланади». Демакки, бизлар ичадиган сув тирик биологик мавжудот экан! Япон олими икки стаканга тоза сув қуяди, ундан кейин идишларнинг бирига қараб жахли чиққанида, орага шайтон тушиб қолганида тилга олинадиган қабих сўзларни айтади, яъни болаҳонадор қилиб сўқинади, тағин бирига бўлса меҳр-муҳаббат билан тикилиб, яхши гапларни пичирлайди, олқишлайди. Кейин электрон микроскоп ёрдамида сув кристалларини суратга олади. Яхши сўзни «эшитган» идишдаги сув худди нилуфар гули каби бағоят чиройли шаклда кристаллашган, ёмон ва ярамас сўзлардан «таъсирланган, асабийлашган, беадад хафа бўлган» идишдаги сув кристаллари бўлса аксинча, гўё булутдек кўнғир тусли, ва кўпроқ лой парчаларига ўхшаш. Сувнинг тириклигини исботлаш ниятида олимлар унинг ёнида сокин мусиқа кўйганида, сув шунга монанд ҳаракат билан оқа бошлаган. Қулоқ ва асабни қоматга келтирувчи мусиқа кўйилганида сув ҳам шундай жазавага тушиб кетган. Сув (айниқса оқар сув) ёнида ўтирган бирор инсоннинг барча салбий энергияси у билан бирга оқиб кетаркан. Қаранг-а, оддий сувимиз

унга айтилган яхши-ёмон сўзларни ўзининг хотирасига жойлаб оларкан! Энди қарғиш урган ва лаънатланган сувни ичиб қўйган кимсанинг ҳол-аҳволини кўз олдингизга бир келтириб кўринг-а. Ҳар қандай Инсон танасининг камида етмиш фоизи ўша сувдан иборат эканлигини ҳисобга олсак, унинг қалбидаги бу жараён қай ҳолда кечиши эса бизларга порлоқ кундай равшан бўлади-қолади.

Япониялик табиатшунос олимнинг лимон ўсимлиги устида ўтказган тажрибасиям диққатга сазовор. У икки хонада бир навга мансуб бўлган икки туп лимон кўчатини алоҳида парваришлаган. Лимонлардан биринчисига ҳар куни покиза сувни қуйиб, унинг баргларини ювиб, силаб-сийпаб эркалаган. Гўё арзанда фарзанди сингари ўстираверган. Иккинчи ўсимлик турган хонага кириб эса лимонни ҳар куни жуда ҳам аччиқ сўзларни айтиб, ҳақоратлаган. Лимоннинг барглари, танасига ўзича ёмон сифат-белгилар бериб, ўсимликка «барибир сен тез кунларда қуриб қоласан, қовжираб, ўлиб кетасан-ку», деяверган. Бирок, уни ҳам озуқа билан биринчи турдошига қандай бўлса, худди ўшандай равишда таъминлаган. Сувни ҳам, минерал ўғитларни ҳам иккала ўсимликка бир хилда тақсимлаб бераверган. Аммо, орадан бир ойча вақт ўтиб кетгач ҳақоратланган лимон, чиндан ҳам нобуд бўлган. Бирданга эмас, аста-секин, сўлиб ва қовжираб... биринчи тувакдаги лимон бўлса яшнагандан яшнаб росаям гуллаган ҳамда шиғил ҳосилга кирган.

Табиатшунос ушбу тажрибани шоли, нок каби ўсимликларда ҳам синаб, жудаям ғаройиб хулосаларга келган. Унингча, ҳар бир ўсимликнинг хотираси ҳамда қалби мавжуд. Аксинча, лола ёмғир олдидан ўз тоғбаргларини ёпиб олмас эди-да, ўрмондан кўчириб келтирилган олма, ҳовлида тана ва барги рангини ўзгартирмасди.

Яна бир машҳур воқеа-тажриба бор. Бу воқеани рус ботаник олими Астафьевга словениялик ёлғиз яшовчи нуроний бир киши сўзлаб берган. Отахон бир йили чорбоғида, телевизор турадиган айвоннинг рўпарасида ўсган олма дарахтининг гуллаган пайтида ойнаи жаҳон орқали доим уруш сахнаси кўп фильмларни кўрган. Қарийб ҳар куни худди шундай киноларни томоша қилаверган. Натижада эса, оппоқ бўлиб очилган олма бир ҳафтада гулларини тўкиб юборган. Худди совуқ ургани сингари. Чоккина ҳовлининг этагидаги бошқа олмаларни бўлса «жин ҳам урмаган». Ўша йили

роса мириқиб телевизор «томоша қилган» олма, табиийки, мева тугмаган. Бунинг сабабини билолмаган чол, ёз бўйи ўйлаб-ўйлаб, дарахтнинг ёмон ахборотдан салбий таъсирланганини тушунган. Ва келгуси баҳорда астойдил тажриба қилиб кўрган. Ўша пайтлар энди пайдо бўлган видеомагнитофонидан фойдаланиб, бу сафар ҳовлининг четидаги икки туп олмага айнан «энг гуллаган ёшлик чоғида» ваҳшийлик, қон тўкиш ҳамда азоб-уқубатлар акс этган фильмларни ҳар куни бетўхтов кўйиб бераверган. Ва худди ўтган йили уйи ёнида ўсган дарахтда содир бўлган ҳодисанинг тағин такрорланганини ўз кўзи билан кўрган. Бу бечора дарахтлар ҳам ўзининг гулларини бутунлай тўкиб юборган ва шу йили мутлақо мева бермаган. («Маънавий ҳаёт» тарихий-фалсафий, маънавий-маърифий, илмий-оммабоп журнал, 2019 йил, 5- сон, 8- бет).

Аслида мўъжиза эмасми ўзи, бу? Ўзимиздаям улуғ кишилар болаларга дарахт тагига ёзилма, дея танбех беришади. Буларнинг бари бежизмас экан-да. Демак, болаларимизни энг аввал, салбий ахборотлардан бетиним тарзда муҳофаза қилмоғимиз, уларга эзгу ва ибратли, керакли маълумотларнигина улашмоғимиз даркор...

## **ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ НИМА?**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31- моддасига биноан, «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди».

Виждон (арабча – эҳтирос, туйғу, инсоф, диёнат) эркинлиги ҳуқуқи инсонларнинг маънавий эҳтиёжи билан бевосита боғлиқ, инсон айнан инсон бўлганлиги сабабиданам таъминланиши жуда зарур ҳуқуқдир. Виждон эркинлиги дейилган чоғда, муайян бир динга чиндан эътиқод қилиш, бошқа динга ўтиш, унинг ҳар хил кўрсатмаларига риоя этишдаги ихтиёрийлик ёки умуман ҳеч бир динга эътиқод қилмаслик ҳам назарда тутилишини тушунадиган бўлсак, сўз эркинлиги ва виждон эркинлиги ўртасида ҳеч қандай зиддият мавжуд эмаслигиниям кўрамыз. Аксинча, сўз эркинлиги виждон эркинлигини таъминлашда жудаям муҳим воситадирки, у барча кишиларга диний туйғуси ҳамда фикрларини ўртоқлашиш

имкониятини яратиб беради. Диний йўналишлардаги турли хил матбуот нашрлари, китоблар, адабиётларнинг чоп этилиши бўлса фақат виждон эркинлигинигина эмас, ва шу билан бирга, айнан худди ўша сўз эркинлигининг ҳам чинакам маҳсули ҳисобланади.

Виждон эркинлиги ҳукуки шахснинг ўз диний эътиқодига эга бўлиши ва унга эркин амал қилишини таъминлайди, фикрни ўзгаларга етказиш бўлса сўз эркинлигига дахлдор. Шундай экан, диний гуруҳлар нафақат виждон эркинлиги, балки сўз эркинлиги учун ҳам курашмоғи даркор. Бироқ амалиётда, афсуски, мутлақо бундай эмас-да. Ҳозирда бутун дунёдаги сўз эркинлигини чеклаш учун курашда турли хил диний ташкилот, гуруҳлар ва уларнинг раҳнамолари етакчилик қилмоқда. Баъзи экстремистик гуруҳлар, бир томондан, Ғарб оламидаги сўз эркинлигидан фойдаланиб, ўз таълимотини ёйишга, ўз тарафдорларини кўпайтиришга уринса, бошқа тарафдан эса, айна шу гуруҳлар, ўзларини қаттиқ танқид қилган, масхаралаганларни кўрकिлади ва таъкиб этади, ўлдирди ё ўзи фойдаланиб келган сўз эркинлигини чеклаш учун курашади. Бу бўлса, қудуқдаги сувни ичиб, чанқоғи қонгач, душманларим ичмасин дея уни кўмиб ташлаш ёхуд қудуқ қазиганларга раҳмат айтиш ўрнига лаънат ўқишдак бир гап ҳисобланади. Ёки бирорта дин вакили бошқа динни беаёв танқид қилгани ва масхаралагани ҳолда, дўпписи анча тор келиб қолган чоғида эса бунга имконият яратиб берган қонунларни адолатсиз дея жаҳонга жар солади...

Мутафаккир Лев Толстойнинг ҳақли фикрига кўра, «ҳар бир одамда виждон мавжуд ва уни худди компасга қиёслаш мумкин. Сайёҳ агар тўғри йўлдан кетаётган бўлса, компаснинг миллариям қилт этмайди. Бироқ, у тўғри йўлидан оғса, миллар тебранишга тушади. Худди шу сингари, одам ҳам гуноҳ ишга қўлини урган пайтида, айнан ўша виждон тилга киради. Бундай вақтда киши оғир руҳий азоб-укубатга учраб, кўнгил ҳаловатини ҳам йўқотиб кўядики, шунинг ўзиям гуноҳкорга кифоя қилади. Демак, бундай (бечора) кишига жазо бериш эмас, аслида ҳамдардлик жоиздир. Илло, гуриллаб ёнаётган ўтни сув билангина ўчирилгани сингари, мавжуд ёвузликни ҳам эзгулик билангина даф этиш мумкин».

Кишини ўзининг виждони билан ёлғиз қолдириш жазоданам кучлироқ, қудратлироқ ўзига хос «жазо» ҳисобланади. Бироқ, ҳар

ким ҳам уни ўзича сўроқлайвермайди. Қачонки, ўзининг виждони билан бошни бошга қўйволиб, ёстикқа ёнбошлаб гаплашса, янада ҳам аниқроғи, чин дилидан ҳасратлаша бошлаган кишини у энди одатдагидек кунини кечирмай, яшай бошлабди, десагам бемалол арзийди. Бу худди бош, янада ҳам аниқроқ ифодалагудек бўлсак, калла тош-метиндек бир деворга қарсиллаб теккан пайтида, ялт этиб, кўкқисдан, тўсатдан мошдек очилиб кетган кўзга ўхшайди.

Виждоннинг шаклланиши жараёнида ижтимоий муҳит, оила ва жамиятдаги таълим-тарбия ва атрофдаги кишилар маданияти, ахлоқ-одоби ва дунёқараши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бу беҳад юксак маънавий-ахлоқий фазилат шахсни эзгу мақсад ва амалларга ундаб, ўз фаолиятига холисона ва тўғри баҳо беришига хизмат қилади. Тажрибада ўзи аслида виждонсиз нусхаларнинг вояга етиб, ўқимишли катта олим бўлиб етишганидан кейин ҳам виждонли бўлиб қолганлигини учратиш ниҳоятда қийин. Виждон инсоннинг билим даражаси, моддий аҳволи ва ижтимоий мавқеи билан белгиланмайди ҳамда у юксак маънавийлик, комиллик ва тарбиянинг асл маҳсулидир. Агарда уят ҳисси инсоннинг ташқи муҳитга ҳамда жамиятга боғлиқлигини ифодаласа, виждон унинг ботиний оламини, қалб туғёни ва ички руҳий изтиробини ифода этади. Ўзингизга ҳам жуда яхши маълум, баъзи ҳолларда жамият талаблари билан ўша виждоннинг орасида айрим бир ихтилофлар ҳам пайдо бўлиб қолиши мумкин. Бундай ҳолларда эса жамият талабларининг ўткинчилик хусусияти, маълум маънода, эскириб қолганлиги яққол намоён бўлади. Зеро, виждон кўзга кўринмас, бироқ, таъсири ва аҳамияти жиҳатидан улкан маънавий-ахлоқий ходисадир. Баъзи ҳолларда, виждон тушунчасининг ўрнида имон ибораси ҳам қўлланади. Имон аслида диний тушунча бўлса-да, бу реал ҳаётда виждон атамасининг синоними сифатида қўлланади. Мисол учун, «имонли инсон» дейилганида, унинг нафақат диний эътиқоди ва шу билан бирга, виждонли, ҳалол ва ростгўй инсон эканлигиниям назарда тутилади. Шу маънода, виждон ва имонни бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ бўлган эгизак тушунчалардир дейишимиз ҳам мумкин. Диний эътиқодга муносабат «виждон эркинлиги» деб юритилишиям ушбу иккала бебаҳо тушунчанинг аслида ўзаро муштарак эканлигидан яққол далолат беради.



Диний эркинликни авом тўғри тушунмаслиги мумкин. Икки калима илмни ўргандим, дея ақидапарастларга ва террористларга кўшилганларни, ўз Ватанига ва жигаргўшаларига курол ўкталиб, кон тўкишгача борган нусхаларниям кўрдик. Улар ўзи ким? Шу, оддий, бизнинг орамизда юрган одамлар эди. Бошқалар етакласа, йўқ, ундоқ эмас, бундоқ, деб фикр билдира олмайдиган иродасиз бир кимсалар. Демак, ёппасига эркинлик элнинг зарарига ишлай бошлаши мумкин экан. Бу – виждон эркинлигини тушунмаслик оқибати. Жудаям авом ўзбек ҳам икки кафтини очиб, Аллохдан икки дунё саодатини сўрайверади. Чунки, у ўзининг бор идроки, вужуди билан Яратганнинг каломида таъкидланган ваъдасига ҳам батамом ишонади. Бу дунёда ҳам, охиратда ҳам иқбол борлигига имон келтиради. Ёмонлар, ёвузлар, зўравонлар учун дўзах азоби борлигига ҳам қалбан ҳис этиб инонади. Ахир, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам адолатсизлик бўлса... уни шуурда англаб бўлмайди.

## **БАҒРИКЕНГЛИК НИМА ДЕГАНИ?**

«Оламни махлиё айлаган диёр!» ва «Серкүёш хур ўлка»миз, «Ҳаксевар она юрт» – Ўзбекистон Республикасида давлатнинг динга бўлган муносабатида толерантлик, динлараро бағрикенглик тамойили ниҳоятда муҳим ўрин тутди. Лотинча «tolerance», яъни «чидамоқ», «сабр килмоқ» маъносини англатган ушбу сўз, асосан бирор нарсани, ўзгача фикр ёхуд қарашларни, ўзининг шахсий қарашларидан қатъи назар, имкон қадар бағрикенглик ва чидам билан қабул қилишни англатади. Хусусан, ушбу тушунча деярли барча тилларда бир хилдаги ёхуд бир-бирини тўлдирувчи маъно касб этиб, «чидамлилиқ», «бардошлилиқ», «хамдardлик», «ўзгача қарашларга ва ҳаракатларга ниҳоятда ҳурмат билан муносабатда бўлиш», «тоқатлилиқ», «ўзга инсонга нисбатан кечиримлилиқ», «мурувватлилиқ», «меҳрибонлик» «ҳимматлилиқ» каби маъно ва мазмунга эга. Буларнинг бари эса ўзбекда мавжудлиги козоқнинг буюк шоири Собит Муконовнинг ўзбегимнинг улуғ адиби Гафур Ғулом билан ўлан айтишув чоғида мана шундай ифодаланган эди («Жаҳон адабиёти» журнали, 2018 йил, 5- сон, 98- бет):

*Айтайин тўқсон бовли тўр ўзбекни,  
Замонинда бойиган зўр ўзбекни!*

*Пайгамбарнинг дуоси теккан дейди,  
Шунинг учун мол битган мўл ўзбекни!  
Ўзбексиз эл бормикан тамом элда?  
Ўзбекнинг униб-ўсган ери – гул-да!  
Ўзбекдан ўтадиган эл бормикан  
Дўстлик, меҳр, садоқат, ширин тилда!..*

Башарият таракқиётининг асосий омилларидан бири бўлмиш бағрикенглик борасида эса 1995 йил 16 октябрида БМТ тизимида Фан, таълим ҳамда маданият соҳасида ихтисослашган ташкилот (ЮНЕСКО) Бош конференцияси 28- сессиясида «Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси» қабул қилинган. Бу Декларацияда бўлса ирқи, жинси, келиб чиқиши, тилидан, динидан қатъи назар, бағрикенгликни тарғиб этиш, инсон ҳуқуқларига, эркинликларига ҳурмат билан қараш сингари мажбуриятлар белгилаб қўйилган.

Диний бағрикенглик турли динлар вакиллари эътиқодидаги мавжуд турли ақидавий фарқлардан қатъи назар уларнинг ёнма-ён ва ўзаро тинч-тотув яшаши ҳамда ҳар бир диний таълимотга ҳурмат билан қарашни англатади. Ҳар ким ўзининг эътиқодига амал қилишда эркин бўлгани ҳолда, бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканилиғни эътироф этмоғи даркор. «Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси»да ҳам таъкидланганидек, «Бағрикенглик бўлмаса тинчлик бўлмайди, тинчликсиз таракқиёт ҳам, демократия ҳам бўлмайди». Шуниси эътиборга моликки, жаҳон динлари орасида, фақат Исломда эътиқод эркинлиги очиқ-ойдин эълон қилинган. Қуръони каримнинг «Бақара» сураси 256- оятида «Динда зўрлаш йўқ», дейилган. Шунинг учун бошқа дин вакиллари мажбуран ислом динига киритиш Қуръони каримнинг оятларига бутунлай зид. Ва қолаверса, муқаддас ислом динига мажбурлаб киритилган инсон имони Аллоҳнинг наздида заррача ҳам қадри бўлмайди...

Барчамиз шуни охиригача англаб етмоғимиз даркорки, дин инсоният қадриятлари ҳамда ҳар қандай миллий қадриятларнинг фақат ва фақат бир қисми, бир бўлагидир. Уни қадриятларнинг бари ёки жуда бўлмаганда унинг асосидир деб изоҳлаш ҳар доим эътиқодларда турли-туман чалкашликларни келтириб чиқаради. Чалкашликлар, сиёсат, маданият, маънавиятдаги бўшлиқлар эса уни ўз сиёсий мақсадига мослаб тўлдиришга уринувчи бузғунчи

ғояларга ҳар доим қўл келади. Вайронкор ғояларга асосланган гуруҳлар бўшлиқларни тўхтовсиз ва изчил тарзда кидирадилар ва улардан ўз билганларича ўта устамонлик билан фойдаланадилар. Натижада эса «бир-бирини тушунмаслик касали» тузалиш ўрнига газак олаверади-да. Бу ҳолат Она сайёранинг қайси бурчагида юз бермасин, уни бизнинг Ота Мамлакатимиз – Ўзбекистонга дахли бор, деб ҳисобламоғимиз зарур, чунки юртимиз жаҳон аталмиш улкан организмнинг бир бўлаги ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам бизда юз берадиган ҳар қандайин хасталик жаҳон ҳамжамиятини ташвишлантирмай қўймайди. Бугун ғоялар ўртасида инсон онги ҳамда қалбини эгаллаш мақсадида кескин кураш давом этмоқда. Борди-ю, бузғунчилик ҳамда ёвузлик ғояси устун келгудек бўлса, бизнинг инсонпарварликка ва ватанпарварликка асосланган барча ғояларимизам гўё қумдан қурилган қаср сингари тўкилиб кетади.

Шихобиддин Мухаммад ан-Насавий «Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти» китобида (Т.: «Ўзбекистон» – «Ёзувчи», 1999, 432 бет) ёзишича, «Оломон, тўданинг устидан тартиб-интизом ва қаттиққўлик ўрнатилмас экан, улар турфа хил томонларга оғиб кетишлари, ўз одатларига биноан ёмонлик йўлларини тутишлари шубҳасиздир. Айнан шунинг учун Аллоҳ Қуръони каримда, «Эй, мўминлар, аниқки сизлар мунофиқларнинг дилларида Аллоҳдан ҳам кўра кўркинчлироқдирсизлар. Бунга сабаб, улар Аллоҳнинг қудратини англамайдиган қавм эканликларидир», деганида ҳақ. Бу айтилган гапларга Умар ибн ал-Ҳаттобнинг (Аллоҳ ундан рози бўлсин) сўзларини қўшишимиз мумкин. «Аллоҳ таоло ўзининг куч-қудратини Қуръони Каримдан ҳам кўра ҳукмдор ва давлат орқали кўпроқ намоён қилади», дейди у» (393- бет).

## **ҲАҚИҚАТ ВА ЁЛҒОН**

**(Расул Ҳамзатовнинг «Менинг Доғистоним» китобидан)**

«Неча асрлар бўйи Ҳақиқат ва Ёлғон ёнма-ён яшайди. Улар ўзаро қайси бирлари кучли эканликлари ҳақида доимо баҳслашиб келадилар. Бу баҳснинг охири, поёни, интиҳоси мавжуд эмас...

Кунлардан бир кун улар бу ҳақида одамлардан сўрамоқчи бўлишибди. Ёлғон олдинда чопиб бориб ҳар бир эгри сўқмоққа;

жинкўчага кириб чикиб, йўлда учраган туйнукка бошини суқиб мўралабди. Ҳақиқат эса, кенг ва тўғри йўлдан бошини тик тутиб, мағрур холда қадам ташлабди. Ёлғон ён-верига қараб, бетиним тарзда хи-хилар, Ҳақиқат бўлса ўйчан ва ғамгин кетиб борар эди.

Улар узок йўл босишди, турли шаҳарлар, кишлоклар ҳамда овулларга кириб, одамлар орасида бўлишди. Қаерда Ёлғон пайдо бўлса, одамлар енгил нафас олиб, ўзларини ҳам эркин тутишарди. Улар ўзаро ёлғон мулозамат кўрсатишаётганини билиб туришса ҳам, бир-бирларининг кўзларига тик қарашар эди, бир-бирларига жилмайиб ҳам қўйишарди. Улар бир-бирларини алдаётганларини туппа-тузуккина билиб туришарди, лекин барибир бир-бирларига кучокларини очишар, сира ҳам уялмасдан ёлғон гапиришар эди.

Ҳақиқат пайдо бўлиши биланок одамлар маъюс тортишар ва бир-бирларининг кўзларига тик қарай олмай, ерни чизиб қолишар эди. У бор жойда одамлар ўз ҳақларини талаб қилишар, ранжиган ранжитган кимсага, харидор сотувчига қарши бош кўтарар, эрлар хотинларини жазмани билан гуноҳ иш устида ушлаб олар, кизгин жанжал-тўполонлар кўтарилар, ва ҳатто кон тўкилар эди. Айнан шу сабабдан ҳам кишилар ўша Ёлғонга ялиниб-ёлворишар эди:

– Бизнинг орамиздан кетма! Сен жудаям яхши дўстимизсан!  
Сен орамизда бор бўлсанг, биз тинчгина, хотиржам яшайверамиз.

Ундан кейин эса Ҳақиқатга юзланишар эди:

– Сен фақат бизнинг ҳаловатимизни бузасан. Сен бор жойда ўйлаб иш қилишга мажбур бўламиз. Виждонимиз ҳам қийналади, ўзгалар учун бетиним куюнамиз. Сени деб курашишимиз керак... Айнан Ҳақиқат учун қанчадан-қанча мард йигитлар, жангчилар ва шоирларнинг навқирон ёшида ҳалок бўлишгани каммиди ўзи?!

– Бунга энди нима дейсан? – деди Ёлғон Ҳақиқатга. – Ўзинг кўзинг билан кўрдинг, одамларга менинг катта фойдам тегяпти, уларга мен сендан кўра кераклироқман-ку. Қанча-қанча жойларга бориб кўрдик ва ҳамма ерда сени эмас, мени роса олқишлашди!

– Ҳа, биз одамлар оёғи етган ҳамма жойларда бўлдик, – деди Ҳақиқат. – Юр, энди чўқкиларга чиқамиз! Топ-тоза булоқлардан, гуллардан, ҳамиша оппоқ қорлардан ҳам сўраб кўрамиз. Тоғлар неча минг йиллардан буён сарбаланд турибди. Уларда ботирлар, қаҳрамонларнинг, асл шоирларнинг, донишмандларнинг, пирлар

ва авлиёларнинг барҳаёт ишлари, фикр-сўзлари ҳамда васиятлари мужассам. Осмонўпар, пурвиқор корли, музли чўққиларда эса ер ташвишларини мутлақо писанд қилмайдиган абадият яшайди.

– Мен у ёққа бормайман, – қатъий бошини чайқади Ёлғон.

– Сен баландликлардан кўрқяпсанми? Қарғаларгина пастда учишади, бургутлар эса чўққилар бўйлаб парвоз қилишади. Сен қарғалиқни афзал кўраркансан-да! Ҳа, билиб турибман, сен роса кўрқяпсан. Тўғри, сен жудаям кўрқоқсан! Сен базмлар авж олган, винолар куйиладиган жойларни ўта яхши кўрасан, қадахларнинг жаранги эшитилмай қолса, ҳатто кўчага чиқишга ҳам чўчийсан...

– Мен баландликлардан кўрқмайман, – гердайди ўша Ёлғон.

– Шунчаки... сен айтган чўққиларда менинг қиладиган ишим йўқ. Чунки, чўққида одамзод яшамайди-да. Билиб қўй, менинг ҳукмим пастда – одамлар яшайдиган жойлардагина ўтади. Уларнинг бари менга тобеъ. Фақат бир-иккита довюракман деганларигина менга қарши бошини кўтариб, ўшандагина сенинг йўлингни танлашади. Яхшиямки, улар бир-иккита холос, унчалик ҳам кўп эмас.

– Ҳа, улар сони жуда ҳам оз. Айнан шунинг учун ҳам уларни қахрамонлар дея кўкка кўтаришади, беҳад шарафлашади!..»

## **БЕФОЙДА ҲУНАР**

Шоҳнинг хузурига ниҳоятда ноёб қобилиятли бир кишини бошлаб келишибди. Бу одамнинг кўзлари фавқулудда ўткир, ўзи жуда ҳам чапдаст бўлиб қирқ қадам наридаги баланд ипда осилиб турган узук тешигидан игнани отиб ўтказа олар экан. У шоҳнинг хузурида шу ҳунарини бир неча бор намоён этибди ва йиғилган кишилар олқишига сазовор бўлибди. Аммо, тождор жим эмиш. Шоҳнинг вазмин феълида ўзгаришни кўрмаган аъёнлар ҳам аста-секин жим бўлишибди, ниҳоят саройга сукунат тушибди. Шунда шоҳ чуқур тин олибди-да, қўлларини аввал бир-бирига астагина уриб чапак, сўнгра шиддат билан уриб, қарсақ чалиб юборибди. Буни кўрган одамлар бўлса енгил тин олиб, ноёб иқтидор эгасини беҳад даражада олқишлай бошлабдилар. Шоҳ эса шундай дебди:

– Бу даражадаги соҳирқўл кишига шоҳона тўн берилсин!

Подшоҳлик хазинасидан эса унга фалон тилло ҳада қилинсин!

Ҳалиги одамнинг обрў-эътибори баттар ошиб, шоҳга қуллук

килибди. Табиийки, шоҳона инъомларни ҳам бажонидил қабул қилибди. Шоҳ саройига уни бошлаб келган хос кишилар ҳам энди қаддини баланд кўтариб, ўзларича ғоздек керилиб турибдилар.

Орадан бироз вақт ўтгач, шу чокқача жим ўтирган доно шоҳ қутилмаган шашт билан ўрнидан турибди. Унинг хар бир хатти-харакатини жиддий, синчиклаб кузатиб турган сарой ахли шоҳ юзидан энди аввалгидек қувнокликни эмас, сабаби номаълум бир қаҳр-ғазаб аломатларини кўрибди. Бу ҳолат изохини ҳукмдордан сўрашга эса, турган гапки, ҳеч бир кимсанинг журъати етмабди.

Шунда шоҳ ҳамма кишиларни хайрон ва хайратда қолдириб «Жаллод!» дея наъра тортибди. Чакирилган захотиёк хос хонага аста кириб келган жаллодга ҳукмдор қаҳр-ғазаб ила амр этибди:

– Мана бу нусхага ҳозирнинг ўзидаёқ қирк дарра туширгин!

Жаллод зудлик билан ишига киришиб кетибди ҳамда сарой ахлининг кўз ўнгида ҳозиргина қувониб, шон-шухратга кўмилиб ўтирган чапдаст киши қадди дол бўлиб, ночор ва нотавон ҳолатга кирибди. У «вой-вой»лаб камалак каби икки букилиб қолибди.

Шундан кейин шоҳ ҳаммага жавоб, деган маънода бошини эгиб, ниҳоятда ўйчан ҳолда ўзининг хобгоҳи сари йўл олибди.

...Эртасига бўлса шоҳнинг энг яқин дўсти бўлган доно вазир подшоҳдан кечаги аввал шодон, сўнгра кайфияти бузилган ҳолда қабул қилган қарорлари сабабини изохлаб беришини мулоғимлик билан сўрабди. Шоҳ бўлса ўз вазирига шундай жавоб берибди:

– У одамнинг кўрсатган хунарини ҳеч ким адо эта олмайди. Унинг бу қадар чаккон ва мерганлигига эса қойил қолмасдан асло илож йўқ. У бажарган ишни ҳеч ким бажара олмайди. Тўну тилло ҳадя қилишимнинг сабабиям шу! Бирок, унинг бу хунаридан эл-юртга ҳеч қанақа фойда йўқ. Фақатгина оми, бекорчи ва содда одамларнинг оғзи ланг очилиб, унинг бу хунарини томоша қилиш илинжида ўзларининг юмуши ва ибодатидан қалғиб қоладилар...

## **АГАР ГУНОҲ КЎПАЙСА...**

Уламоларнинг айтишига кўра, ҳазрати Мусо алайҳиссалом даврларида даҳшатли қурғоқчилик бўлган. Ёмғир ёғмай қолган, қуёш эса ниҳоят даражада қиздириб, иссиқ ҳаддан ортган. Шунда қавм «Эй Мусо! Роббингиздан ёмғир сўраб беринг!» деб илтимос

ва илтижо қилди. Ривоятларга биноан, Мусо алайҳиссаломнинг қавми 70 мингдан зиёд киши эди. Ҳазрати Мусо алайҳиссалом: «Ё Роббим! Ана шу ўтлаб юрган чорполар, жонзотларнинг ҳақки, эмзикли гўдақлар, мункиллаб қолган қарияларнинг ҳақки, бизга ёмғирингни ёғдир!» дея дуо қилдилар, ёмғирни ниҳоятда интиқиб кутдилар. Бирок, теварак-атрофни куйдириб-ёндираётган куёш ҳарорати ҳаддан ортса ортдики, ёмғирдан сираям дарак бўлмади. Шунда ҳазрати Мусо алайҳиссалом қайтадан муножот қилдилар: «Роббим! Нега ёмғир ёғмаяпти? Не сабабдан қилган дуоларимиз ижобат бўлмаяпти?» Аллоҳ таоло ҳазрати Мусога шундай деди: «Сизнинг орангизда қирк йилдан бери Аллоҳга исён қилиб юрган бир одам бор. Ана шу кишига айтинг, орангиздан чиқсин. Худди шу нусха туфайли ёмғир ёғдирмаяпман, уни тўхтатиб турибман». Ҳазрати Мусо иккиланиб қолдилар: «Мен ўзим бир заиф одам, улар каби бир оддийгина банда бўлсам, одамлар эса етмиш минг киши бўлса, овозимни қандай етказаман буларнинг барчасига?»

Аллоҳ таоло эса «Сиз нидо қилинг, етказиш Биздан», деди. Дарҳақиқат Мусо алайҳиссалом бор овози билан нидо қилдилар: «Эй қавм! Орангизда қирк йилдан буёғига Аллоҳ таолога осий бўлиб келаётган бир киши бор экан. Шу одам чикмагунича ёмғир ёғмайди. Орамиздан чиқсин!» Ҳамма бир-бирига қарайди, бирок, ҳеч ким ўрнидан кимири этмайди. Бунақа пайтда ким ҳам чиқар эди? Ким ҳам бунақа шармандаликни ўз бўйнига олишга тайёр турар эди? Қирк йилдан бери гуноҳ қилиб келаётган одам у ёқ-бу ёққа қараса, ҳеч ким чикмаяпти. Демакки, унинг ўзи экани унга маълум бўлди. Бу одам «Чиқсам, шарманда бўламан. Чиқмасам ёмғир ёғмайди» деган икки ўт орасида қовжираб ёнар эди. Шунда Аллоҳга «Ё Роббим! Қирк йилдан бери Сенга осийлик қиламан, не-не гуноҳлар қилдим, аммо мени шарманда қилмадинг. Бугун ҳам мени шарманда-шармисор қилма! Мен энди тавба қилдим!» деб йиғлаб-сихтаб, чин дилдан, астойдил тавба-тазарру қилди.

Шу паллада эса шаррос ёмғир қуйиб юборди. Осмондан гўё мешнинг оғзини очиб юборилгандек пақирлаб жала ёғди. Ҳазрати Мусо алайҳиссалом Аллоҳга яна қайта мурожаат қилди «Роббим! Дуо қилдик, «Орангиздаги гуноҳкор одам чиқсин» дединг, лекин, ҳеч ким чиқмади. Бирок, ёмғир ёғмоқда!» Аллоҳ таоло бўлса «Бу

ёмғир ўша гуноҳкор банда Бизга астойдил тавба-тазарру қилгани учун ёгяпти. Унинг чин дилидан тавбасини кабул қилдик», деди.

Ҳазрати Мусо алайҳиссалом бўлса «Ё Роббим! Менга худди ўша одамни кўрсатгин», дедилар. Шунда Аллох таоло: «У одам қирк йил мобайнида ҳар хил гуноҳ ишларни қилиб келди, бироқ, Мен уни бирор мартаям шарманда қилмадим. Энди тавба қилган чоғида шарманда қиламанми?» деди. Шу тарика ўша банданинг қимлиги яширилди, унинг номи эса эл-юртга ошкор қилинмади.

Биз бу зарбулмасал ҳақида, бошдан дўппини қўлга олиб, бир ўйлаб кўрайлик: бутун бир жамиятда битта одам гуноҳ қилгани учун ёмғир ёғмаган экан. Бутун бошли уммат гуноҳ қилса нима бўлади? Бутун бошли уммат гуноҳни одатий ҳол деб қараса нима бўлади? Бутун бошли жамият гуноҳдан ҳазар қилмасдан, ҳеч тап тортмай, уялмай гуноҳ қилишга одатланиб қолса нима бўлади?

Ўз вақтида ёмғирлар ёғиб турадиган жаннатмонанд ўлкада яшаб келяпмиз. Аммо, бир жойда гуноҳлар кўпайса, факат ёмғир ёғмай қолади, деган гап-сўз йўқ. Гуноҳ кўпайган жойдан барака кўтарилади. Барака кетиб қолди деса ноннинг қиммат бўлишини тушунмайлик. Барака кетди деса газнинг қиммат бўлиб кетишини англамайлик. Барака кетса, умуман мусулмончилик кўтарилади, одамгарчилик кўтарилиб, унинг ўрнини эса ҳайвонийлик эгаллай бошлайди. Ҳар қандайин ваҳший ҳайвонни ёшлигидан бемалол қўлга ўргатиш мумкин, аммо, у бир кунгина оч қолиб кетса, ўз эгасига ташланади. Ҳайвон оч қолганида эгасига хиёнат қилади, одам бўлса қорни тўйган пайтида садоқатни тарк эта бошлайди. Шунинг учунам ношукр бўлиб қолишдан доим эҳтиёт бўлайлик. Ношукрлик – одамни исрофга ва гуноҳ сари етаклай бошлайди...

## **АЙБ ЎЗИ КИМДА?**

Бир киши ўзаро суҳбат пайтида хотини аввалги пайтдагидек яхши эшитмаётганлигини пайкаб қолибди. Турган гапки, бундан ниҳоятда қаттиқ ғам-ташвишга тушиб қолди. «Балки болаларим онасининг қулоғига эшитиш ускунасини тақиш керақдир?» деган ўйга ҳам борибди. Шундай мулоҳазалар билан шифокор хузурига йўл олибди. Ҳар ҳолда «чумчук сўйса ҳам қассоб сўйсин», яхши мутахасссо билан маслаҳатлашган ҳолда иш тутилгани яхши-да.



Одамнинг арз-додини роса диққат билан тинглаган шифокор унга жуда ҳам осон, оддийгина бир синов усулини ўргатиб қўйибди:

– Хотинингиздан қирқ қадам нарироқда турасиз, одатдаги суҳбат товушида бир гапириб кўрасиз. Агар эшитмаса, масофани ўттиз кадамгача қисқартирасиз. Тагин бўлмаса, йигирма кадамга яқинлашасиз. Хуллас, хотинингиз сизни яхши эшитмагунча унга аста-секинлик билан яқинлашиб гапни ҳам айтиб бораверасиз.

Уйига шифокор қабулидан қайтиб келган киши, хотинидан қирқ кадамча нарироқ жойга борди-да одатий суҳбат овозида:

– Онажониси, кечки овқатга нималарни пиширяпсиз? – деди.

Жавоб йўқ. Ўша одам масофани ўттиз кадамга қисқартириб, болалари онасига яна ўша овқат ҳақидаги саволини такрорлади:

– Онажониси, бугун кечки овқатга нималарни пиширяпсиз?

Наҳотки! Тагин жавоб бўлмади-ку! Энди нима қиламиз?

Эр ошхона эшиги олдига яқинлашиб, сўровини такрорлади:

– Онажониси, кечки овқатга нималарни тайёрлаяпсиз?

Тавба, минг тавба! Нима бало, бечора аёлимнинг кулоғи том битиб қолганми?! – деб ўйлади у. Бу сафар хотинига жуда катта ташвиш билан ниҳоятда яқин, қўл узатса етгудек масофага келди.

– Онажониси, кечки овқатга нималарни тайёрлаяпсиз?

Ва ниҳоят бу сўровга аёли сал зарда билан жавоб қайтарди:

– Дадажониси, бешинчи бора қайтаряпман: ош дамлаяпман!

Биз кўпинча муаммони қаршимиздаги кишилардан қидириб юрамиз. Балки айб ўзимиздадир? Буни бўлса кўпинча хаёлимизга келтира олмаймиз. Оқил инсонларнинг энг устун жиҳатларидан бири бошқаларнинг эмас, ўзининг нуқсонларини бетиним тарзда ўйлаши ҳамда уларни зудлик билан бартараф этишдан иборатдир.

## **ШУҚР ҚИЛГАН ИНСОНЛАР**

Бир йигит тўпланишиб, ўзаро суҳбатлашиб турган одамлар олдига келиб, бор овози билан ҳайқирди: «Бизга шундай бахтли кунларни насиб қилган, ризқимизни мўл-кўл, ҳаммамиз юрадиган йўлимизни ёруғ-чароғон танзимизни ва эс-ҳушимизни соғ-саломат қилиб қўйган жуда раҳмли Аллоҳ таолога ҳамд-санолар бўлсин!»

Йигилиб турган кишиларнинг барчаси бир зумда шу йигитга жўр бўлди. Ҳаммаёқни «Шуқр! Минг шуқр!» деган садолар тутиб

кетди. Бирок, ғам-ташвишга ботиб, янада ҳам аниқроғи, кўмилиб ўтирган уч кишигина бу хитобга жўр бўлмади. Буни кўрган йигит эса дарҳол улар ёнига ошиқди ва бунинг сабабини аста сўради.

– Яшаш шароитим ниҳоят даражада оғир, ўта кашшокман! Фарзандим тўйиб овқатлана олмайди! Ўзгаларнинг болаларидек ўзи истаганича ўйнаб-кула олмайди! Ўзингиз айтинг-чи, қандай қилиб мен сингари нотавоннинг тилидан шукр деган сўз янграши мумкин? – деди ғам-ташвишга кўмилиб ўтирган биринчи одам.

– Фарзандим жудаям қаттиқ касал. Унинг ғамгин чехрасига тикилсам, юрагим сиқилиб кетади! Бунақа аҳволда қандай қилиб шукр дея айта оламан?! – деди иккинчи ғамга чўкиб қолган киши.

– Менинг азиз фарзандим эса яқиндагина вафот этди. Унинг бежон қўлларини ушлар эканман, ўзимдан ўтганларини ўзимдан бошқа Аллоҳ таолонинг ўзи билади, холос! Энди эса мен бунақа мотамсаро аҳволда нима учун ва не сабабдан шукрона айтишим керак экан?! – деб аста ҳиқиллаб йиғлаб юборди учинчи одам.

Уларнинг дардини диққат билан тинглаган йигит бўлса:

– Биродар, олдингиздаги одамга бир қаранг, фарзанди беҳад бетоб экан! Гарчи қувнаб ўйнаб-кулмаса-да, ўз фарзандингизнинг соғлом эканлигига шукр қилаверсангиз-чи! – деди биринчисига.

– Сизнинг фарзандингиз роса хаста экан, сизга ҳамдардман! Аммо, олдингизда ўтирган кишига бир назарингизни ташланг-а! Бу бечора ўзининг жонидан азиз боласидан жудо бўлибди. Гарчи касал бўлса-да, болангиз – дилбандингизнинг тирик эканига шукр қилаверинг – деди фарзанди хасталаниб ётган иккинчи кишига.

– Менчи?! Мен нимага шукр қилай ахир – деди боласидан айрилиб, ҳалига қадар ўзига кела олмай юрган учинчи одам.

Йигит унинг сўл елкасига аста қалтираётган кўлини кўйдиди, кўзида жикқа ёш билан сокин овозда, деярли шивирлаб деди:

– Фарзандингиз дунёдан ўтган бўлса-да, ўзга яқинларингиз тирик эканлигига шукроналар келтиринг! Шу бугун, эрта тонгда менинг ҳамма яқинларим, барча қариндош-уруғларим беҳосдан бостириб келган даҳшатли селнинг оқибатида ҳалок бўлдилар!..

## ҚАЙТАР ДУНЁ

Ҳар қандай отни (улоқники, пойганики, мириладиганини ё оддийгина хашаки от – чувирни..., барибир) жилов (юган, сувлик) бошқаргани сингари оиланинг бошқаруви ҳам ОТАнинг кўлида бўлмоғи даркор. Жилов эгарланган отнинг йўналишини белгилаб берса, ОТА ўз оиласининг тақдирини белгилайди. Шундай экан, оила келажаги шу оиланинг бошқарувчисига бевосита боғлиқдир.

Ҳар каллада ҳар хаёл ҳукмронлик қилишдан ўзингиз жудаям яхши бохабарсиз. Айрим бир кишилар «Бас, энди қариб қолдим, бир оёғим ерда бўлса, биттаси гўрда», деб вояга етган болаларига бор дунёсини тезроқ бўлиб беришга ошиқади. Ота-онадан олган мол-дунё энди тўлиқ ўзимники, тасарруфи менинг кўлимда, деган мулоҳаза боланинг кўнглини эгаллаб олади. Аслида ҳам шундай. Ҳада, турган гапки, қайтариб олинмайди, бунинг иложи ҳам йўқ. Фарзандлар улғайиб, ўзи уй-жойли ва бола-чақали бўлгач, сиздан оладиганини олиб бўлади, ўзингиз ҳам уни орқалаб кетолмайсиз.

Бир кўз олдингизга келтиринг-а, кексайиб, куч-қувватданам қолганингизда ҳамқишлоғиниз оламдан ўтиб қолди. Таъзиясига боришингиз шарт. Боролмайсиз, ўзингизнинг болаларингиз сизга ақл ўргата бошлайди: «Ўзингиз зўрға ўтирибсиз. Жанозада нима бор?» дейишади. Баъзи бир фарзандларнинг кейинчалик оиласи ташвиши билан ота-онага меҳр-эътибори, ўзлари билмаган ҳолда сусайиб боради. Бир товукқа ҳам сув, ҳам дон керак, дейилгани сингари, чол-кампирнинг еб-ичиши, кийим-боши ва бозор-ўчари ҳам аста-секин сансалорлик ҳамда даҳмазага айлана бошлайди...

Ривоят. Ўтган замонда бир чол-кампир яшаб ўтган эканлар. Чол ўз замонасида катта мансаб-мартабага эришган, ўзига яраша мол-дунёга эгалик қилган экан. Чол олтмиш икки ёшига етганда оғир хасталикка дучор бўлган экан. Катта-кичик машҳур-мақбул табибларни чорлаб чолни кўрсатишади. Афсуски, ўша табиблар бу дарднинг давоси мавжуд эмаслигини айтишади. Отахон қаттиқ изтироб чекиб, ўз фарзандларини атрофига жамлаб, мендан кейин талашиб-тортишиб, юзлари қора бўлиб юрмасин, деган ўйда бор мулки ва уй-жойини кўзи очиклигида болаларига бўлиб беради.

Аксига олиб, мўйсафиднинг касали анча узоққа чўзилади. Шу зайлда чол бир ярим йилча ётиб қолади... Кунларнинг бирида уйининг деразасидан кўчага термулиб ўтирган чол ўтиб кетаётган

йўловчилардан бири унга тикилиб қараётганини кўриб қолади. Нотаниш йўловчи отахоннинг олдига салом бериб кириб келади. Анча-мунчагина суҳбатдан кейин ўша йигит ўзининг табибчилик билан жиддий шуғулланишини айтади. Чолнинг дардига дармон борлиги, бироқ, унинг дориси беҳад қимматлигини, яъни, ўн беш тилла, тахминан йигирмата қўй баҳосига тўғри келишини айтади. Малҳамнинг жуда узоқда тайёрланишини тушунтиради. Лекин, чолнинг болалари бўлса ўша дорининг баҳосини эшитиб қолиб, унга шунчалик «катта» маблағ сарфлашни сираям хохлашмайди.

Болалари мол қайғусида, ота бўлса жон ғамида эди. Отахон нотаниш йигит билан ғамгин хайрлашар экан, ихчамгина қилиб букланган қоғозни ҳеч кимга сездирмай, гўёки хайрлашаётгандек унинг қўлига кистиради. Сезгир йигит эса чол билан куюқ хайр-хўшлашади. Бечора Ота молини падари бузрукорининг дарддан фориг бўлишига беришни истамаган ўзининг болаларидан жуда каттик ранжиб, ҳеч кимга билдирмай, эзилиб йиғлаб юборади...

Орадан олти ой ўтгач ногаҳон тонг саҳар палласида нотаниш йигит яна ўша оғир хаста чолнинг қаршисида пайдо бўлади. Чол зўрға чуқур-чуқур нафас олар, олдига кимдир келганини сезиб, беҳолгина, деярли шивирлаб «сув, сув» дер эди, холос. Йигит ўзи тайёрлаб, беморга олиб келган дорисини сувга қўшиб, отахонга ичиради. Мўйсафид салгина енгил тортиб, кўзларини секингина очади. Кўзини очиб, қувончиданми, дарднинг залвориданми ёхуд чин халоскори келганиданми, томоғига бирор нарса тикилгандай бўлиб, аввал ҳикиллаб, кейин эса хўнг-хўнг йиғлай бошлайди.

Дори ичгани сари чолнинг қувватига тагин қудрат кўшилиб бораверади. Мўйсафид соғайиб борар экан, ўзининг аввал қилган ишидан шундай хулоса чиқаради: болаларига тириклигида мол-дунёни бўлиб бериш, гўё тирик тошбақанинг косасини шилишдек бир гап экан. Бошидан ўтган воқеаларни кўз ўнгини : казаркан, табиб йигитга ёзган хати ёдига тушади. Мактубда: ий сўзлар битилган эди: «Эй, нотаниш ўғлим! Сенинг қалби: софлиги шундоққина кўзга ташланиб турибди. Мабодо т: т қилиб, ўша малҳамни топиб кела олсанг, мен сени дунё бахтиёр инсон бўлишингга бутун умрим бўйи кўмакдошман».

Чол буткул соғайиб кетгач, дархол йигитни етаклаб, кўшни овулда яшайдиган Худойберди исмли бой-бадавлат дўстиникига равона бўлади. Дўсти икки-уч марта уйланиб, тирноққа зор эди. Охирги марта уйланганида эса бир қизли бўлган эди. Қиз ҳаддан ташқари гўзал, лекин бир оёғи туғма калта бўлиб сал оксокланиб юрарди. Чол ўз дўсти Худойбердига бўлган воқеаларнинг барини батафсил тушунтириб, тутинган ўғлига совчиликка келганлигини айтади. Худойберди ҳам ногирон қизига мана шундайин қаддибаста келишган йигитни Аллоҳ етказганига шукрона айтиб, рози бўлади. Мўйсафиднинг донишмандлиги шунда эдики, у шикаста икки қалбни бир-бирига пайванд қилишнинг йўлини топган эди.

Орадан ўттиз йилча ўтгач, ўша нотаниш йигит Салоҳиддин етти иқлимга машхур, манзур ва мақбул етук табибга ва еттита худди ўзига ўхшаш забардаст йигитларнинг отасига айланган.

Бир пайтлар оғир хасталикка йўлиққан мўйсафид эса тўксон уч ёшида тутинган ўғлининг қўлида Аллоҳга шукрона айтиб жон берган. Бу даврда Худойбердибой оламдан ўтган, қизи ва шириншакар неваралари орқали унинг мол-дунёси Салоҳиддин табиб қўлида қолганди. Чолнинг кўнглини қолдирган ҳамда синдирган фарзандлари эса кўп қийинчилик ва азоб-уқубатларга, очарчилик гирдобига чўкиб кетган. Чунки, улар ўз падари бузрукворларига бемехрликларининг оқибатида ўзининг тирик маслаҳатчиларидан ихтиёрий тарзда айрилиб, ҳаётда жуда кўп бора адашган эдилар...

## **ҚАНДАЙ ҚУЛЛИК ТУШДИ?**

(хикоя муаллифи – Мунавварқори Абдурашидхонов (1878 – 1931),  
ўзбек маърифатпарвари)

Кўм-кўк майсалар, яхши сабзалар билан ўралган кенг, гўзал бир қирнинг устида бир айғир от ёлғиз ўзи ўтлаб юрар эди. Янги чиққан ям-яшил, кўм-кўк майсаларнинг энг яхшиларини толалаб-толалаб ер эди. Еб, қорни тўйганидан сўнг у ёқ-бу ёққа ўйноқлаб, кишнаб юрар эди. Ҳеч кимни ёнига асло йўлатмас эди. Ёлларини йилтиллатиб юриб, чарчаганидан кейин, бепоён даланинг ҳар хил хуш исли чечаклар очган текис ерларига бориб ағанар эди.

Бир замон бу ерга бир хўкиз келиб қолди. Даланинг роҳат-гўзаллигини кўргач, мана шу ерда қолмоқчи бўлди. «Дала – кенг;

текис, ўтлари калин, сувлар тиниқ, худди тоғларнинг тепасидаги яйловларга ўхшайди, ўтлари менга ҳам етар, отга ҳам етар», деб ўйлади. От буни кўриб аччиғи келди. Қувлаб юбормоқчи бўлиб келган эди, хўкиз сузиб яқин келтирмади. Шундан сўнг отга жуда алам килиб, одамнинг ёнига келиб: «Ўртоқ, шу хўкизни қирдан қувиб юборишга ёрдам қилсанг-чи», – деди. «Тузук, мен сенинг шу илтимосингни қабул қилиб, хўкизни қувиб юбораман, аммо тез қувлаш учун эса сенинг орқанга эгар, оғзингга юган солиб, устингга отланишим керак бўлади. Шунга кўнасанми?» – деди.

От бу шартга унади. Одам эгарлаб ва юганлаб, отни миниб олиб, қирга чиқди. Хўкиз буни кўрганидан кейин қирдан қочиб кетди. Ўша хўкиздан қутилгач, от кишига «Қани, ўртоқ, устимдан туш, эгар-юганингни ол, хўкизни ҳайдаганингга раҳмат!» – деди. Киши отнинг устидан ерга тушди, лекин отнинг оғзидан юганни олмади. Бунинг устига, оёқларига ҳам кишан солди. Шу кундан бошлаб бирор ерга бормоқчи бўлса, дарров отнинг устига эгарни солиб, миниб борадиган бўлди. От эса одамга қул бўлиб қолди.

## ДЕВПЕЧАК

(хикоя муаллифи – Мунавваркори Абдурашидхонов  
(1878 – 1931), ўзбек маърифатпарвари)

Бир кун деҳкон саккиз ёшли ўғлини етаклаб олиб боғчасига кирди. Боғчада олма, нок, шафтоли, ўрик, анор, анжир ҳам узум каби ҳар турли емиш оғочлари ям-яшил бўлиб кўкарган. Ўриқлар довуччалари (ғўралари) ёш болаларни қизиктирадиган бир тусда осилиб турган эди. Ота-бола боғчада кеза-кеза бир ёшгина ўрик оғочининг тагига етдилар. Бола қўл узатиб, ҳалиги ўриқдан икки-уч донани узиб олиб, оғзига солди. Ўрик думбул эди. Қарс-курс чайнагандан сўнг: «Отажон, бу ўрик қандай чиройлик ҳам қандай тотли!» – деди. Отаси эса: «Ўғлим! Бу ўрик оғочини сен туғилган кунда сенга атаб эккан эдим. Ҳозирда бу ҳам сенга ўхшаб, саккиз ёшга кирди. Иккинги тенгсиз, бу кундан бошлаб оғочнинг эгаси ўзингсан. Сен ўзинг бок, ўзинг суғор, емишларини истаганингча е, ўртоқларингга ҳам бер, нима қилсанг, қил!» – деди.

Бола отасининг бу сўзларига жуда севинди. Оғочга яқинроқ бориб, диққат билан қаради. Унинг остидан эса қандайдир бир ўт

чикиб, ўша оғочга аста тирмаша бошлаганини кўриб қолди ва:

– Отажон, бу ўзи қандай ўт, у нима учун менинг ўригимга чирмашадир? – деб сўради.

– Ўғлим! Бу девпечак деган ўтдир. Буни тезлик билан юлиб тозаланмаса бир неча кун ичида бутун оғочни ўраб олиб, дарров куришиб ташлайдир. Бу ўт учун илдизам керак эмас, оғоч шохида бир бўлаги қолса ҳам тез ўсиб кетиб, бутун шохларни қоплайдир.

– Бўлмаса, эртагаёк кириб бу душманни бутун илдизларини юлиб, ўзимнинг ўригимни бу девпечакдан тозалаб қўяман.

– Балли, ўғлим, шундай қил, унутма!

Ота-бола бу суҳбатдан сўнг кўл ушлашиб, боғчадан чикиб кетдилар. Эртасига боланинг эсидан ўриги чикиб кетди. Орадан ўн беш кун ўтди. Боланинг эсига бирдан боғчадаги ўриги ва унга чирмашган девпечак тушди. Югурганча боғчага кирди, ўрикнинг тагига бориб диққат билан қараса, аллақачон девпечак шу ўрикни бутун шохларигача ўраб олган, яшил япроқларини сарғайтирган, тотли емишларини бўлса аллақачон сўлдириб ташлаган эди.

## **МУАММО ВА ИМКОНИЯТ**

Кунлардан бирида шогирд ўз устозидан астагина сўради:

– Устоз, мен бир нарсага сира тушуна олмаяпман. Япончада «кризис» («инқироз») сўзини англатувчи иероглиф икки қисмдан иборат экан: муаммо ва имконият. Бунинг асл сабаби ўзи нимада?

Устознинг жаҳли бирозгина чикиб, қошларини ҳам чимирди:

– Нахотки, шу оддийгина нарсага тушунмасанг?! Бу жудаям даҳшат-ку! Менга бунақа саводсиз ўқувчилар мутлақо керакмас. Энди эса, жўна, менинг дарсларимда қорангни ҳам кўрсатма!!!

Шогирд бўлса ҳаддан ташқари шошиб ва эсанкираб қолди:

– Ахир, қанақасига? Қачон яна дарсингизга қатнаша оламан?

– Қачон қайтиб келишинг мумкинлигини бўлса ўзинг англаб етасан – чўрт кесди ниҳоятда талабчан ва бағоят қаттиқўл устоз.

Орадан 2 кун ўтгач, шогирд келиб эшикни тақиллатди. Устоз унинг олдида чикиб келиб, овозини янада ҳам баландлатиб деди:

– Менга ҳеч нарса дема, сенга барибир ишонмайман. Энди эса ўзинг хоҳлаган томонингга бемалол кетаверишинг мумкин!

Қолган талабалар бу ҳолатдқ жимгина кузатдилар. Ҳеч ким устознинг нега бу қадар жаҳли чикиб кетганини тушуна олмади.

Орадан бир йилга яқинроқ вақт ўтди. Шогирд яна остонада пайдо бўлди. Устоз бўлса энди унга яхшилаб разм солганича:

– Мана энди сен ҳаммасини тушуниб етибсан, – деди ҳамда ундан содир бўлган воқеани қолган барча талабаларга батафсил равишда, шошилмай, икир-чикиригача айтиб беришини сўради.

– Дарсларингиздан ҳайдалганимдан кейин мен ишлайдиган корхона раҳбари ортик хизматларимга мухтож эмаслигини айтди ва мени ишдан бўшатиб юборди, – сўз бошлади шогирд. – Мен бунда сизнинг таъсирингиз борлигини сезиб, олдингизга келдим. Лекин, сиз мени тинглашни истамасдан тагин қувиб солдингиз.

– Бошлигининг сени ишдан бўшатишга кўндириш қанчалик кийин бўлганини тасаввур ҳам қила олмайсан, – жилмайди устоз.

– Мен буни кейинроқ тушуниб етдим. Яна ўзимга мос иш топиш учун жуда қаттиқ ҳаракат қилдим, бунга мажбур эдим-да. Чунки, онламини боқишим зарур эди. Мен тинмай ҳаракат қилдим ва ўз хусусий корхонамни очишга муваффақ бўлдим. Орадан бир йил ҳам ўтмай менинг корхонам ўз соҳасидаги энг пешқадамга айланди. Шундагина мен ушбу нероглифнинг, яъни «муаммо» ва «имконият» сўзларининг асл маъносини тушуниб етдим. Берган сабоғингиз учун эса мен сиздан бир умр миннатдорман, устоз!..

## **ФИКРЛАШ ТАРЗИ НИМА ДЕГАНИ?**

Ҳозирги замон инсоншунос олимлари инсоннинг фикрлаш қобилиятини биринчиси иккинчиси билан бевосита ва билвосита боғлиқ бўлган икки: амалий ва назарий даражаларига бўладилар. Ушбу икки даража ўзаро алоқадорлигининг мустақамлиги бўлса инсоннинг айнан фикрлаш тарзида ҳам яққол намоён бўлади.

Инсоннинг фикрлаш тарзи: очиқ (ўз фикр-мулоҳазаларини рўй-рост ва ошқора баён қилиш), устакорлик (ўз нуқтаи назарини бирданига баён қилмаслик ва ўзгаларнинг фикр-мулоҳазаларини кутиб туриш), хушёр (ҳар қандай вазиятда ҳам ўз фикрининг яхши-ёмон томонлариниям зийраклик билан таҳлил қила билиш, минг марта ўйлаб, кейин сўйлаш), ижодий (ўз қарашларини баён этишда эса ноанъанавий, ностандарт мулоҳазаларга асосланиш), догматив (фақат бир қолипда ва бир хил андозада фикр юритиш, мушоҳада қилаётган муаммосининг бирорта томонини бўрттириб



кўрсатиш), авторитар (обрў-эътиборга, ўзидан юқори даражадаги мансабдор, амалдорларнинг кош-қовоғига, уларнинг кайфиятига қараб фикрлаш) каби ҳар хил кўринишларда ўзини намоён этади.

Фикрлаш тарзидаги рўй-ростлик, ошқоралик доимо ўзгариб туради. Ошқора, очик фикрловчи киши муаммолар ечими учун тайёр формула ёки бир хил қолипларни қидирмайди. У ўзи ўйлаб топган ечимини бошқаларга рўй-рост баён этиб, ўзгаларни бу йўл асли тўғри эканлигига ишонишга тарғиб-ташвиқ этади. Фикрлаш тарзида хушёрлик, устакорлик устувор бўлган кишиларда бўлса ўзининг атрофида содир бўлаётган воқеа, ходиса, жараёнларни ва ўзгаришларни ўта мохирлик билан ҳар томонлама таҳлил қилиш малакаси кучли бўлади. Бундай фикрлаш хусусиятига эга бўлган кишилар ўз тажрибалари асосида ҳосил қилинган ҳукмлар ёхуд хулосаларни жуда секинлик билан ўзгартирадilar. Бошқачасига ифодалайдиган бўлсак, бундай инсонларнинг фикрлаш тарзи бир вақтлар шаклланиб қолган турли стереотипларга садоқати билан бошқа кишилар фикрлаш усулидан ҳам яққол ажралиб туради.

Ижодий фикрлаш тарзи бўлса кундалик турмушда вужудга келган муаммоларнинг янгича ечимларини излаб топишни тақозо этади. Совет ҳокимияти ҳукмронлиги йилларида бўлса ижодкор инсоннинг ижодий фикрлаш тарзи билан унинг кундалик хатти-ҳаракатларидаги номутаносиблик тўғри баҳоланмаганди. Бундай номутаносибликнинг ривожланиб кетиши таълим муассасалари фаолияти билан боғлиқ бўлганлиги бугун ҳеч кимга сираям сир эмас. Аввалига ота-оналарининг, сўнгра эса ўқитувчиларнинг бир хил қолипдаги турли кўрсатмалари болаларнинг эркин, мустақил фикрлашига сираям йўл бермас эди. Тайёр билимларни ўқувчига етказишга ва уни ўзлаштиришга мўлжалланган ўша замонлардаги догматив (қотиб қолган) таълим услуги бўлса фақатгина битта жавобга, биттагина ечимнинг тўғри эканлигига асосланган эди.

Мактаблардаги жараёнда ўқитувчилар ҳукмронлик қиларди. У болалардан фақатгина ўзи тушунтираётган нарсани тушуниб олишни талаб қилар эди. Принцип ҳам тайёр: «Менинг айтганим-айтган ва деганим-деган». Ҳақиқатан қолган ечим, ўзга жавоблар нотўғри, деб ҳисобланар эди. Ана шундай таълим тизими орқали ўқувчи ёшларда олам ва одам тўғрисида бир қолипдаги тасаввур

ҳосил қилинган. Бундай бирёкламалик, ўз навбатида, бошқача фикрлаш тарзига шарт-шароитни яратмасдан, уларнинг ривожига тўсиқ бўлган. Натижада эса, совет таълим тизимида таҳсил олган кишилар каттик цензура остидаги оммавий ахборот воситалари, дарсликлар, ўқув кўлланмаларида баён қилинган маълумотлардан бошқа ахборот, билимлардан бебаҳра қолгандилар. Турган гапки, ўзгача фикр юритган ўқувчи, талаба ва ўқитувчиларнинг бошида коммунистик идеологиянинг кип-қизил рангларга бўяб қўйилган сиёсий таъғи қарсиллаб синар эди. Бундай советча таълим-тарбия асосида фикр юритган миллионлаб ёшлар бўлса воқеа, ҳодиса ва ўзгаришларга фақат «яхши» ёки «ёмон», ижобий ёхуд салбий деб баҳо беришга ҳам ўрганиб қолган эдилар. Айрим бир катта ёшли кишиларда эса бундай ҳолат ҳозирга қадар ҳам сезилиб туради.

Инсоннинг фикрлаш тарзиям бир қатор омилларга, чунончи, туғма интеллектуал қобилятга, иқтидор, истеъдодга, болаликда олган таълим-тарбиясига, меҳнат ҳамда ижтимоий фаолиятининг характериға, миллий ва умуминсоний маданиятнинг меъёрларини ўзлаштириш даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Ушбу омилларнинг ўзаро алоқадорлигини узлуксиз таъминлаш механизмида эса бир қатор муаммолар бўлишига қарамай мустақил, эркин фикрловчи шахс ҳамиша ўзини ўзи бошқаришга эҳтиёж ва зарурият сезади. Инсон майда-чуйда назорат, чеклашларданам қанчалик даражада холи бўлса, мустақил фикрлаш маданиятини шакллантириш учун шунчалик реал имкониятлар ва шарт-шароит ҳам вужудга келади. Айнан шунинг учун ҳам мустақил тарзда фикрлаш маданияти, ўз навбатида, мустақил фаолиятни кўрсатиш ҳамда мустақил яшаш жараёнида тағин ривожланиб, янада мустақкамланиб бораверади.

Ўзининг қатъий, асосланган фикрига эга бўлмаган кишилар одатда тарозининг палласи босиши ёки шамолнинг қайси томонга эсишига қараб чўчиб ва ҳуркиб фаолият юритади. Худди шундай фикрловчи кишилар ҳалол, сидқидилдан ва фидокорона меҳнат қилаётганлар фаолиятига эса холис баҳони ҳам бера олмайдилар. Шундай қилиб, инсоннинг фикрлаш тарзидаям бири иккинчисига буткул зид, беқарор ва ўзгарувчан майллар ҳам мавжуд бўлади. Худди шундай беқарор майлларнинг таъсирда баъзан билиб, гоҳо билмай одам ўз хатти-ҳаракатидаги нуқсонлариниям қамайтириб,

бошқаларникини эса бўрттириб кўрсатишга уринади. Оқибатда, бундай кишиларда ижтимоий турмушда содир бўладиган воқеа, ходисалар, жараёнларга ўз масъулиятини аста камайтириш, ўзига бўлган иззат ва хурматни бўлса ошириш эҳтиёжи ўсиб боради.

Лекин, шунисини ёддан кўтармаслигимиз шартки, шахснинг фикрлаш тарзида ҳам ўзгаришлар рўй бериб тураверади. Бундай ўзгаришлар, турган гапки, ижобий ёхуд салбий томонга бўлиши мумкин-да. Мабодо жамиятдаги ижобий ўзгаришлар, маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги, миллий гоё тарғибот-ташвиқоти таъсирчанлиги натижасида бирорта кишининг фикрлаш тарзида ижобий – эзгуликка томон силжишлар рўй берса, бундай ўзгариш жамиятнинг катта ғалабаси ва хайрли ишларнинг оқибати бўлади.

Авторитар, яъни догматик фикрлаш тарзи бўлса фикрлаш маданиятидаги турли-туман «ижобий» ё «салбий» томонларини мутлақлаштиради. Кимнингки фикрлаш маданиятида «ўзимники» ва «бировларники» деб ўйлаш тарзи ҳаддан ташқари устуворлик қилса, бундай кишилар жамият учун ўта хавfli бўладилар. Улар ўз атрофларидаги кишиларга ҳар доим шубҳа билан қарайдилар. Турли рақиблар, ғанимлар, душманлар, рақобатчи кишиларининг таъқиби остида кўркиб-писиб, ваҳимага тушиб яшайдилар. Фақат ўз манфаати ҳақида ўйлайвериш, эгоцентризм, яъни худбинлик, уларнинг бошқалар қувончлари-ю ташвишларига шерик, ҳамдард бўлишига ҳам йўл бермайди. Бундай худбинлар фикрлаш тарзида ўзгаларнинг қувонч ва ташвишларини ўз манфаати чиғиригидан ўтказиб таҳлил қилиш одат тусига кириб қолади. Педагог олим, профессор Муҳаммаджон Қуронов таъбири билан айтганимизда, «У сизга унумли «фойдаланса бўладиган ёки бўлмайдиган нарса» деб қарайди. Инсон деб эмас. Ватанига ҳам. Шундай ҳолда яшаб ўтади». Шўро даврида бундай фикрлаш услубига «Ким биз билан бўлмаса, – у бизга қарши», – деган қаттол шиор остида бошқа кишиларга ҳам назар солиш ва муносабатда бўлиш қўшилганлиги туфайли миллионлаб кишилар коммунистик идеология қатағони тегирмонида обдан янчилиб, чор-атрофга сочиб ташланган эди.

Ҳозирги замон кишисининг фикрлаш тарзи ўтмишдошлари фикрлаш тарзидан жуда кескин фарқ қилади. Жумладан, бугунги кишиларнинг фикрлаш тарзида бири-бирига қўқинчисига мутлақо зид

хукмлар, хулосалар тез-тез учраб туради. Ўзининг кечаги нуктаи назарига бугун мутлақо қарама-қарши мулоҳазаларни юритаётган кишиларга ҳам тез-тез дуч келиб турамиз. Бундай фикрлаш тарзи бир томондан, юксак интеллектуал савия, профессионал малака, миллий ҳамда умумбашарий муаммолардан бохабарлик, иккинчи тарафдан эса, баён этилган таклиф ёки мулоҳаза, олға сурилган ғояни турмушга татбиқ этиш учун шахсий масъулият ва шахсий манфаатдорликнинг анча камайиб кетганлиги билан изоҳланади. Айрим фуқаролар фикрлаш тарзида кечагина келажакни ҳаддан ташқари улуғлаш кайфияти, руҳи устуворлик қилган бўлса, бугун ўтмишни улуғлаш, ҳозирги муаммолар ечимини мозийдан излаб топишга уриниш ҳолатлари эса бирмунча кучайгандек туюлади...

Мустақил шахс ҳамиша ўзининг фикрлаш тарзига танқидий нуктаи назардан ёндашади. Бундай ёндашув бўлса, ўз навбатида, фикрлаш маданиятидаги айрим бир нуқсонларни тезроқ бартараф қилишга ҳам кўмаклашиб юборади. Шундай қилиб, юқоридаги айрим фикр-мулоҳазалар яққол далолатни бериб турганидек, ҳар қандай инсон мустақил шахс даражасига кўтарилмоғи учун, энг аввало, мустақил фикр юритиш малакасига эга бўлмоғи даркор.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, мустақиллик ҳар доим хавф-хатарга алоқадор бўлади. Иккинчи томондан, турли-туман хавф-хатарларсиз ахлоқий интилиш ҳам, шахсий ҳаёт мукамаллигини ҳис этиш ҳам, турли хил қийинчиликлар, мушкулотларни шиддат билан енгиб ўтиш шодлиги ва қувончи ҳам бўлмайди. Мустақил фикрлайдиган, фаолият юритадиган шахслар «эл қатори» юрган кимсаларнинг тинчлиги, хотиржамлигини бузиши ҳам бор гап-да. Мустақил кишилар муттасил равишда кимнингдир осойишталиги ва роҳатини бетиним бузиб туришса-да, барибир, айнан уларнинг беҳад қизгин фаолиятисиз ҳар қандай жамиятнинг тараққиётини ҳам мутлақо кўз олдимизга келтириб, тасаввур қилиб бўлмайди.

Мари Франсуа Аруэ, яъни буюк файласуф Вольтер ҳам ушбу мураккаб масала хусусида ғоятда кўп ўйлаган ва охир-оқибатда куйидаги хулосага келган эди: «Кўрқув хатони, хато эса жазони келтириб чиқаради... Кўрқоқ-оғизга ўзининг кучини кўрсатади».

Кўрқоқ, ландавур, муте ва боқиманда кимсалар оиласи, юрти у ёқда турсин, ҳатто ўзларини ҳам турли таҳдид ва ғоявий хуруж,

тахдидлардан асрай олмайдилар. Ота Мамлакатимиз истиклолини фақат мустақил фикр юрита оладиган интизомли, масъулиятли ва мустақил шахсларгина чинакамига мустақкамлай оладилар.

## **ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ – МАЪРИФАТ!**

Том маънодаги маънавиятли инсонлар у ёки бу муаммонинг асл сабаблари ва уларни бартараф этиш усуллари хусусида ўзаро баҳслашуви, тортишуви, бир-бириниям бемалол хайикмай танқид қилишлари мумкин. Аммо, бундай инсонлар ҳеч қачон тубанлик, палидликка бормайди ва бировнинг ютуғидан азобланиб, ўзини ҳасад оловига, унинг гуриллаётган алангасигаям отмайди. Бундай тортишувлар табиий жараён ҳисобланиб, ҳаётимизни янада ҳам фаровонлаштириш, оғиримизни енгиллаштириш ва ёшларимизни турли-туман вайронкор мафқуралар хуружидан асрашга хизмат қилади. Қисқача ифодаланганида, маънавият ҳеч қачон жаҳолатга хизмат қилмайди. Шу ўринда мавриди келиб қолганлиги туфайли ҳам, «жаҳолат» ва «маърифат» истилоҳларига қисқача бўлса-да, изоҳ беришимизгаям тўғри келади. Бунинг энг асосий сабаби ҳам шундаки, кўпгина ўқув юртларида бўлган учрашувлар ва давра суҳбатларида юқоридаги сўзларни бемалол қўллаётган ўқувчилар ва талабалар, ҳатто айрим бир устозларимиз ҳам ушбу атамалар этимологияси, яъни келиб чиқишининг асл илдизиданам беҳабар эканликларига гувоҳ бўлган эдик. Арабчада «жаҳила» деган бир атама мавжуд бўлиб, унинг маъноси бизларда «билмаслик» деган сўз билан ифодаланади. «Жаҳл» сўзининг ота-онасиям «жаҳила». Ёш бола кўпгина нарса ва ҳодисаларни ҳали яхши билмайди. Шу боисдан ҳам дунёни англаш жараёнида кўлига тушиб қолган ҳар қандай нарса, предметни еб, ичиб, тишлаб, ўз оғзига тикиб кўриш орқали унинг нималигини билишга ҳам уринади. Кўлига ногаҳон тушиб қолган ошпичоқ кўлини кесиб иш орттиришини билмайди, у астагина эмаклаб ёки тетапоя қилиб бораётган сув тўла ховуз эса ҳалокат манбаи эканлигидан ҳам бутунлай беҳабар. Боланинг дунёқараши, янада ҳам аниқроқ ифодалайдиган бўлсак, бор-йўғи қоринқараши, ошқозонқараши ҳозирча шундай даражада заифки, ҳайвонлардан фарқли тарзда, ўзи иштонига «қовун экиб» қўйиб, ўшаниям бемалол оғзига тикиши мумкин. Унинг келажак даврда

бемалол академик, даҳо даражасига олиб чиқиши мумкин бўлган мияси эса ҳозирча еб-ичиш, мириқиб ухлашдан бошқа нарсаларга йўллай олмайди. У алла деб аталмиш энг буюк кўшиқни тинглай ва англай олади. Лекин, бу гўдакка ҳозирча Конституциямизнинг айрим моддаларини ёдлатмаганимиз, Габриэль Гарсия Маркес ва Абдулла Қодирий, Абдулла Қаххор ёхуд Назар Эшонкулнинг романларини ўқитмаганимиз, телевизорда мультфильми томоша қилдирмаганимиз ва ижтимоий-сиёсий мавзулардаги маърузалар ўқиладиган тадбирларга ҳам таклиф қилмаганимиз маъкулроқ.

Шундай қилиб, ўша эндигина 1 ёшга тўлай-тўлай деб турган гўдак, ҳозирча «жаҳолат», кўп нарсаларни «билмаслик» оғушида гам-ташвишни ҳам билмай, шўх-шодон яшаётган палла. Энди эса кўз олдингизга ўша болақайнинг 5 ёшли опасиниям келтиринг. У инсон умри бўйи оладиган ахборот, информациянинг энг камида 40 фоизини ҳам олиб бўлган, «бола – подшоҳ»лик тахтидан ҳам тушган, онасининг дастёрига айланиб бўлган. Ўша опача ўз укаси пичоқ ўйнагудек бўлса, кўлини кесиб олишини ва ҳовузга тушиб кетса, ҳаёт билан бемалол хайрлашиши мумкинлигини ҳам анча билиб олган. Арабчада «арафа» истилоҳиям мавжуд. У «билмоқ, англамоқ, тушунмоқ»ни билдиради. Ўша сўздан эса «Маърифат», «Маориф» атамалари келиб чикқан. Билган қизалоқ – маънавият тарғиботчиси ўз жигарини, жонидан ҳам азиз укасини ўлимдан асраб қолиш нияти, мақсадида унинг кўлидаги пичоқнияш шартта тортиб олиши, ҳовузга яқинлаштирмай, йўлини тўсиб олиши ҳам мумкин. Бола – подшоҳ жаноблари унинг эрки ва ҳукуки поймол қилинганлиги туфайли бутун оламни бошига кўтариб олиб, бор аламини асосий қуроли бўлмиш йиғидан олади-да. Опачасининг бунақа ҳаракат мумкин эмаслиги, у ўлимга етаклашини алоҳида тарғиб-ташвиқ қилишимиз қор қилмай, жириллаётган болақайнинг содир бўлган воқеадан беҳабар онаси ўзининг қизини – жажжи энагачани ўз укасига атайлаб азоб бериш ҳамда уни йиғлатишда айблаб, тарсаки тушириб ҳам қолиши мумкин. Энди эса буёғини ўзингиз ҳам, бунақа ҳолларга юзлаб, эҳтимол минглаб марта дуч келганингиз сабабли бемалол давом эттираверишингиз мумкин.

Шундай қилиб, «Жаҳолатга қарши – маърифат!» шиоримиз ўзбекча қилиб ифодаласак: «Биладиган инсонлар билмайдиган ё

чалароқ биладиган бошқа одамларга билдириб, уларни ўз вақтида огоҳликка чорлаб, яхшиликка даъват этиб кўйсин!» деганидир...

## ОРЗУ, НИЯТ ВА МАҚСАД

Ҳар қандай киши, энг аввало, нима учун ва қандай мақсадда меҳнат фаолиятига киришаётганини теран тарзда англаса ва яхши билса фаолиятнинг самарадорлиги ҳам шунга мутаносиб равишда унумлироқ бўлади. Ўзингиз ҳам кўп бора дуч келган ҳолатни яна бир марта кўз олдингизда гавдалантириб кўришингиз мумкин:

3 киши бир жойда ғишт тераётгандилар. Биринчиси чарчаган ва жудаям жаҳлдор эди, ўлганининг кунидан тошбақа каби секин, имиллаб ишлаётганди. Иккинчиси диққат-эътиборини бир жойга жамлаб олган, камгап, лекин биринчи кишига қараганда анчагина тезроқ ишлаётган эди. Учинчиси бўлса, бирор нарсагаям эътибор бермасдан, ўта иштиёқ билан баланд овозда кўшиқ куйлаб ўз иши билан беҳад машғул эди. Уларнинг ёнига бир кекса киши келиб хушмуомалалик ила саломлашди, «Ҳорманглар-ов, эй, йигитлар! Сизлар ўзи қанақа юмуш билан шуғулланяпсизлар, ўғилларим?» – деб сўради. Биринчиси жудаям жаҳл билан унга қарата: «Нима, сўқирмисан, ўзинг кўзинг билан ҳам кўрмаяпсанми? Мана, ғишт теряпман, бутун ҳаётим, умримни худди малайдек ишлаб ўтказиб юборяпман», иккинчиси эса: «Ўзим ва оилам келажagini моддий жиҳатдан таъминлаб қўйиш учун ишляяпман», учинчиси бўлса, «Соғ-саломат бўлинг, эй, Отахон! Биз ўзимиздан кучли, донороқ ва албатта, бахтли бўлиши шарт бўлган болаларимиз ўқийдиган замонавий мактаб биносини қуряпмиз!» – деб жавоб берибди...

Демак, қачонки бизлар ўз олдимизга аниқ бир мақсадни кўяр эканмиз, ҳар қандай ҳолатда ва вазиятда ҳам яшаётган умримизда бирон-бир маза-матра ҳам, асл маъно-мазмун ҳам бўлади-да.

XX асрнинг 80- йиллари. Советларнинг салтанати бошкенти Москвада фаолият юритадиган Марказий телевидениенинг чирок пилиги, танбех, таъбни тирриқ қилиш каби маънони англатадиган «Фитиль» сатирик кўрсатувининг намойиши ҳам бўлмоқда. 5 – 6 ишчи вагончада шахмат-шашка, нарда ўйнаб, бурқситиб сигарет чекиб ўтирибди. Ташқарида эса ёмғир челақлаб куймоқда, ҳамма ёқ росаям шалабболиги кўриниб турибди. Шу пайтда эса вагонга

кириб келган бригадир ўйин билан буткул банд ишчиларни ишга чиқишга даъват этмоқда. Ишчилар бўлса ёмғирнинг ёғаётганини пеш қилиб, ишлашга сира кўнмаяпти. Бироздан кейин бўлса стол устида турган телефон қаттиқ жиринглаб қолди. Гўшакни олган бригадирнинг ранги ҳам бирданига кордек оқариб кетди, тили эса калимага келмай қолди. Гўшакни аста ўз жойига қўйган бригадир ишчиларга қарата: Нақ обкомдан кўнғирок бўляпти, ишга зудлик билан чиқишимиз шарт экан, акс холда таъбимизни прокуратура ва милиция росаям тиррик қилиб қўяркан, деяпти. Шундан кейин эса ишчилар ғудраниб, сўкиниб костюм ва коржомаларини елкага ташлаб олиб ташқарига чиқиб кетишади. Энди бўлса ташқаридан ҳам кичик лавҳа: Ёмғир пакирлаб ёғяпти, ҳаммаёқ шалаббо. Ўша ишчилар махсус автомашинада деярли арикка, анҳорга айланиб кетган жуда ҳам кенг асфальт шохкўчага сув сепиб юришибди...

Ўзбекистон телевидениесидаям 1993 йили намойиш этилган телелавҳани кўз олдингизга келтиришга уриниб кўринг. Каттакон кўча ёнидаги майдончада бир киши чуқур ковляяпти, бошқаси бўлса унинг ортидан худди ўша чуқурчани дарҳол, зудлик билан кўмиб кетяпти. Уларнинг ақлга унчалик ҳам тўғри келмайдиган ушбу хунарини кўриб қолган бир инсон ҳайрон бўлиб сўраяпти: Оғайнилар, сизларнинг бу ишларингизда қанақа мантиқ бор ўзи?

Чуқурчани ковляётган ишчи жавоб берапти: Биз топширикка кўра аслида уч киши эдик. Мен чуқур ковлайман. Иккинчи ишчи эса гул экади. Учинчи киши бўлса гул экилган чуқурчани кўмиб кетади. Гулни экадиган ишчи кеча роса бўкиб ичган экан, бугун бошини кўтаролмай ишга чиқолмади. Биз эса унга қараб ўтирмай ўзимизга берилган топширикни виждонан бажаряпмиз (?!)...

Энди ўзингизам, агар вақтингиз бўлса, юқорида келтирилган ҳар уч мисол мағзини хотиржам қақиб кўришингиз, хулосангизни ҳам чиқаришингиз, агар хоҳишингиз бўлса, кейинги иккитасига ўхшаган бемаъниликларга дуч келиб қолган чоғингизда ўзгаларга ибратли мисол сифатида бемалол айтиб беришингиз ҳам мумкин. Уларнинг биринчиси, агар ҳар қандай инсон амалга ошираётган иш-юмушининг чинакам мазмунини тўғри англаб етгудек бўлса, қилаётган машғулотида роса ҳам хузурланса, унинг ишлари ҳар доим ўнгидан келаверади, деган оддийгина, барчага тушунарли



маънони англишини ўзингиз ҳам аллақачон англаб етгансиз...

## «ОВЕРТОН ОЙНАСИ» НИМА?

XX аср 80- йилларида «Маккинак» сиёсий тадқиқотларнинг марказида социолог олим Жозеф Овертон яратган бир лойихага «Овертон туйнуғи» деган ном берилган эди. Бугун эса бу ғоя илм аҳли орасида «имкониятлар ойнаси», кенг жамоатчилик орасида бўлса «йўқ қилиш технологияси» номи билан беҳад машҳурдир.

«Овертон ойнаси» исталган фикр, ҳаттоки ақл бовар қилмас ғояни қонунлаштириш ҳамда миллатлар учун қадрият даражасига олиб технологиясини назарда тутуди. Ўша Овертоннинг фикрича, жамиятда ҳар бир фикр учун «имкониятлар ойнаси» мавжуддир. Кишиларнинг онгига сингдирилиши шарт бўлган ғоялар бир неча босқичларни босиб ўтади. Бунда ғоя «ўта кескин радикал ҳолат», яъни 1- босқичдан «давлат сиёсати даражасидаги масала»га, яъни 6- якуний босқичга қадар аста-секинлик билан кўтарилиб боради.

Таниқли олим Эльвин Тоффлер «Учинчи тўлқин» асарида XXI асрда оиланинг буткул йўқ бўлиб кетишини башорат қилган эди. Қизик, ўша пайтда олим янги ғояларнинг «Овертон ойнаси» орқали кириб келаётганини кўргани учун ҳам айтиш мумкинки, бу фикрини билдирмаганмикин, деган хулосага ҳам келиб қоласан, киши. 100 йил муқаддам нафақат Шарқ, шу билан бирга Ғарб одамлари ҳам бир (1) жинсли муносабатларга буткул қарши эдилар. Бугун эса жамиятнинг юқори тоифа вакиллари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари – ҳамма буни ҳимоя қилмоқда. Қандай қилиб 1 жинсли муносабатлар ҳақидаги ғоя жамият сираям ҳазм қила олмайдиган даражадан нақ давлат миқёсидаги даражага кўтарилиб олди ўзи?

Жуда кўп асрлар мобайнида қатор Ғарб мамлакатларида бир жинсли муносабатлар учун қонун бўйича жазо белгиланган эди. Кишилар орасида ушбу мавзуда ҳатто суҳбатлашиш уят саналган. Демак, бу масала ҳали «имкониятлар ойнаси»нинг 1- босқичида бўлган. XX асрнинг сўнги 10 йиллигига келиб оммавий ахборот воситаларида ўта кенг муҳокама қилиш жараёни бошланиб кетди. Танқидий мақолалар, муаммоли кўрсатувларнинг кети узилмади. Жамоатчилик бу мавзунини қизғин муҳокама қила бошлади. Демак, ғоя «имкониятлар ойнаси»нинг 2- босқичига олиб чиқилди. Яъни

жамиятдаги «табу» (тақиқ) олиб ташланди. Қизиғи ҳам шундаки, бунга эришиш учун эса ОАВдан самарали фойдаланилди. Тўғри, журналистлар фақат танкидий материаллар тайёрлади, лекин бу билан мавзуга бўлган қизиқиш оширилди. ОАВ ҳам ўзи билмаган ҳолда чиркин ғоянинг рўёбга чиқишига хизмат қилиб қўйди-да.

Овертон методи бўйича кейинги босқичда илм ахли ҳам бу масалага жалб этилди. Ўтган ХХ асрнинг охириги йилларида қатор илмий конференциялар кун тартибига бу масала ҳам киритилди. Фан бу муносабатни ёқлади. Демак, ғоя 3- босқич – «ўйлаб кўрса бўладиган ҳолат» даражасигача астагина етаклаб олиб чиқилди.

2000 йили АҚШда бир жинсли муносабатдаги кимсаларга қўлланиладиган қонун жазоси бекор қилинди. Бир қатор юртлар ҳам айнан шу жинкўчадан юра бошладилар. Энди жамоатчиликда «бу ёмон» деган стереотип (қотиб қолган фикрлар) йўқ қилинди – ғоя бўлса, кутиб ўтирмасдан, бир сакраб 4- босқичга ўтиб кетди.

Бир жинсли муносабатлар тарафдорлари учун эса ҳеч қандай тўсиқ қолмади. Улар турли йўллар орқали ғояни оммалаштириш сари отланишлари ҳам мумкин. Шундай бўлди ҳам. Бир жинсли севги эса Ғарбда машҳурлик даражаси (5- босқич)га етиб келди. Европа давлатларидан бирининг Бош вазири ҳам ўз жинсдошига уйланганлиги ҳақидаги хабар тарқатилди. «Эркинлик» тарафдори бўлмиш кимсалар бу «хушхабар»ни кўтаринкилик билан кутиб олиб, давлат миқёсида кўрсатиб қўйилган «улкан қаҳрамонлик» учун ўша бош вазирни осмону фалакка кўтариб олқишладилар.

Якуний босқич ҳам ўзини унчалик узоқ куттириб қўймади. 30дан зиёд давлатларда бир жинсли никоҳларга рухсатни бериб юборилди. Овертон туйнуги орқали бузғунчи ғоя жамиятга олиб қилинди: бир жинсли никоҳ эса қонун даражасига олиб чиқилиб, давлат томонидан ҳимоя қилинадиган бўлди. Бу Овертон ойнаси орқали жамиятга кириб келган ғояларнинг биттаси, холос. Минг афсуслар бўлсинки, мазкур технология ўта кўп бора иш берган.

«Бизларга фарзанд керак эмас!» – Ғарбда авж ола бошлаган навбатдаги маданий инқилоб тўлқинининг шиори худди шундай. Бу ҳаракат «феминизм» номини олган бўлиб, у аёлларни турмуш қурмаслик, фарзанд кўрмасликка чорлайди. Бу ғоя бугун Овертон имкониятлар туйнугининг 4- босқичини босиб ўтмоқда, дейишам

мумкин. Таассуфки, бу энг даҳшатлисиям эмас. Бельгия ва қатор Европа давлатларида ака-сингил (опа-укалар) ўртасидаги никоҳга нисбатан қонун жазоси ҳам бекор қилинди. Бир қатор Голливуд фильмларида бир ота-онанинг фарзанди бўлишига қарамай, бир-бирини «севиб қолиш» ва ҳатто турмуш қуриш сахналари тобора, кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Бунақа бемаза, ўта шармандали ғояларнинг етаклайдиган манзили бўлса битта, ягона – таназзул!

Ҳикоя қилишларича, бир куни Номус ўз кийимини йўқотиб қўйибди. У Завк, Айш, Сафо, Бойлик ва Куч-Қувватга мурожаат этиб, йўқотилган кийимини топиб беришларини ўтиниб сўрабди. Бирок, уларнинг бирортаси ҳам ўша Номуснинг йўқолиб қолган либосини бирга қидириб ҳам топишолмабди. Ниҳоят, Номуснинг йўқотилган кийимини фақат Афсус-Надоматгина топиб берибди.

## **БОЛАКАЙНИНГ УМИДИ**

Кичик бир бола дарё қирғоғидан топиб олган ясси тошнинг чиройига ўта қизиқиб қолди. Шакли ҳам инсон юрагига ўхшарди. Бунинг устига ялтираб кўринар эди. Бола тошни бағрига босганча уйига шошилди. Уни ҳаяжонланиб отасига узатди. Ота ўғлининг совуқдан кўкарган қўлидаги тошнинг бир-бирига ишқаланганида учкун чиқарадиган оддий чакмоқтош эканини дарҳол тушунди-ю, бироқ, буни ўғлига айта олмади. Болакай орзусидаги велосипедга эришиш учун ўша тошни сотишни истар ва қолган пулига бўлса қолтоқ олишни мўлжаллаётган эди. Лекин, унинг отаси бундай деб ўйламасди. Болакай ҳамма иш ўзига қолганини кўриб, таътил маҳли ўзи тешикулча сотган бозорга йўл олди. Заргар дўконлари чор-атрофга нурини сочиб турган турлича тилла буюмлар билан тўла эди. Қолаверса, унинг қўлидаги тошнинг сал кичикроқлари билан моҳирона безатилган жуда қиммабаҳо узуклар ҳам бор эди.

Бола жуда катта заргарлик дўкони олдида бир муддат кутиб турди. Ичкарида дўкон эгаси бир бойвучча аёл билан савдолашиб турарди. Бола ичкарига кирди. Чўнтагидаги тошни чиқариб дўкон эгасига узатди. «Бу тошни дарё қирғоғидан топиб олдим, амаки» – деди, «агарда истасангиз сизга сотишим мумкин». Дўкон эгаси тошга узоқроқдан назарини ташлаб: «У оддийгина чакмоқтош-ку, дарё бўйида бунақа тошлар тикилиб ётибди», деди бепарволарча.

«Йўк», дея эътироз билдирди бола. «Уни сувга бир солиб кўринг, қанчалик даражада ялтирашини ҳам ана ўшанда кўраверасиз».

Дўкон эгаси бой мижозидан ажралиб қолишдан кўрқар, шу боисдан ҳам болани кўлидан ушлаб дўкондан чиқариб юборишни мўлжаллаётган эди. Сухбатни эшитиб қолган аёл бўлса унинг бу ниятини пайқаб қолиб, боланинг кўлидаги тошга яқиндан қаради. «Худди шунақасини истаб юрган эдим-да», – деди, ва шу боладан сўради «уни менга сотасанми?» Кичик бола тошнинг чинакамига кадр-қимматини биладиган инсон билан юзма-юз бўлиб қолгани туфайли фалакка учар даражада шодон эди. Бойвучча аёл унинг чўнтагига солиб кўйган пул бўлса уни бутунлай ақлидан айирди. Бола бир неча бор раҳмат айтиб, сўнг югурганича ўша дўкондан чиқиб кетди. Аёл бўлса кўлидаги тошни ўша заргарга бериб, унга занжир ясаб беришини илтимос қилди. Буни бўйнига осиб юриш ниятида эканлиги ҳам яққол кўриниб турар эди. Дўкон эгаси эса огоҳлантиришини мутлақо тушунмагани боис аёлни алданган деб ҳисоблаётган эди. Шу боисдан ҳам: «Боя ҳам айтган эдим-ку, яна такрорлайман, сиз сотиб олган тош оддийгина чакмоқтош!» Аёл қимматбаҳо занжирга, сўнг узугига назарини ташлаб, «Мен ундай деб ўйламайман», – деди, «бу тош менимча, булардан ҳам қиммат туради. Чунки, унда кичик бир боланинг орзу-умидлари бор»...

Агар биз бирон-бир нарса содир бўлишини умид билан чин кўнглидан кутсак ёхуд шунга қаттиқ ишонсак, у, албатта содир бўлади. Бу «Пигмалион» деб аталувчи омил ҳисобланиб, бирорта нарсанинг ҳақиқатлиги ёки содир бўлишига қаттиқ ишонишдир. Америкалик психолог Роберт Розенталь бўлса бу «Пигмалион»ни амалда илмий жиҳатданам тадқиқ қилиб, ўқув йилининг бошида ўқитувчиларга ўзлаштириши юқори бўлган ўқувчилар рўйхатини кўрсатган. Ўқитувчилар эса буни ҳақиқатга асло мос келмаслиги ва орзудан бошқа нарса эмаслигини таъкидлашган. Шунда Роберт ўқувчиларнинг фамилиясини тахминан танлаб, янгича рўйхатни тузиб кўйган. Ўқув йилининг охирида эса, у танлаган ўқувчилар ўзлаштириши у тузган рўйхатда мавжуд бўлмаган болаларникига нисбатан сезиларли даражада ошганлиги маълум бўлган. Демак, ўқитувчиларнинг ўз ўқувчиларининг шундай натижага эришиши мумкинлигига ниҳоятда қаттиқ ишонгани ва интиқиб кутганлиги

бу яхши ниятни чинакам ҳақиқатга ҳам айлантириб юборган...

## **ОТАСИНИНГ САДОҚАТЛИ ҚИЗИ**

Ривоят қилинишича, қадимда бир ўғри қўлга олиниб, ўша замон қонун-қоидаларига кўра жазога ҳукм қилинибди. Ана шу пайтда бир қизча, боши эгик ҳолда подшоҳнинг ҳузурига келиб:

– Отамни жазога буюргансиз. Қўлини кесинглар, дегансиз. Ҳукмингиз адолатли. Бирок, отамнинг мендан бошқа кичик яна тўртта фарзанди бор. Онамиз эса беҳад бетоб, бизларни асло боқа олмайди. Раҳм қилишингиз ва ҳукмингизни қайтиб олишингизни сиздан жуда илтимос қиламан. Агарда ҳеч иложи бўлмаса, мана, унинг ўрнига эса менинг қўлимни кеса қолишсин, – деб айтибди.

Подшоҳ қизчанинг арзини тинглай туриб, унинг ота-онасига меҳр-муҳаббати бу қадар улуғлигиданам ҳайратда қолибди. Унга ҳавас қилиб, қизни тағин бир бора синаб кўрмоқ мақсадида унга:

– Майли, хоҳишинг, сен айтганча бўла қолсин, ҳукми эса бугунча эмас, эртага эрталаб ўқишади. Унгача тағин яхшилаб бир ўйлаб кўр, кейин эса пушаймон еб, афсус қилиб юрма, – дебди.

Эртаси куни майдонда оломон тўпланибди. Қизнинг отасини келтиришибди. Отасининг содиқ қизи ҳам шу ерда пайдо бўлиб:

– Отажон, сираям кўркманг, ҳозир сизни озод қилишади, – дебди-да, ўша кундага, ўйлаб-нетиб ўтирмай, ўз қўлини қўйибди.

Бу ҳолатдан подшоҳ ҳам, тўпланганлар ҳам кўзёш тўкибди. Ота бўлса жазодан ҳам озод этилибди. Қиз билан отага илтифот кўрсатишибди. Подшоҳнинг амри билан жазо майдонидан кунда олиб ташланиб, унинг ўрнига бир мрамор тош тикланибди. Тошга бўлса ушбу нақл ўйиб ёзилган экан: «Бир ёшгина қиз отасининг қўли ўрнига ўзининг қўлини фидо этишни истаган эди. Худди шу қиздек содиқ фарзандга эга бўлган ота-она қанчалар бахтиёр...»

Билак – куч-қувват, тиргак ва таянч дегани. Айнан оиланинг устун бўлгани сабабли отани худди ўша билакка қиёслашади. У фарзандининг камолоти ва таълим-тарбияси учун ҳам маънавий, ҳам моддий тиргакдир. Онани бўлса юракка менгзашади. Юрак жамики туйғулар мангу қўним топган муқаддас макондир. Меҳр-муҳаббат, таскин, илинж, умид ва ишонч – ҳаммаси ҳам бор унда. Унингсиз ҳаёт зимистон. Шу маънода Она оиланинг уриб турган

юраги. Жамиятнинг ҳам ибтидодан интихога қадар асло чарчаш нима эканлигини асло билмай уриб турган юраги – оилани айнан ана шу икки забардаст устунсиз сира тасаввур қилиб бўлмайди.

Ўша мрамар тош фарзанд меҳрига қўйилган рамзий ҳайкал, ёдгорликдир. Аслида, тўғриси айтиладиган бўлсак, дунёнинг ҳеч ерида бунақа ҳайкал мавжуд эмас. Аммо, ота-оналар жондан азиз фарзандларидан озгина меҳр-муҳаббат, мурувват кўрса ҳам, унга қалбининг энг тўридан «қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал»ни эса (А. С. Пушкин сатри) кура олади. Унинг асл номи – шукроналик.

## **ОНАНИНГ КЎЗИ БОЛАДА**

Она билан бола фақирона ҳаёт кечирар эди. Онанинг бир кўзи кўрмагани учун яхши пул тополмас, бола унинг бу ҳолидан бошқалар олдида ниҳоятда хижолат чекар ва роса номус қиларди.

Бир кун мактабга ота-оналар мажлисига келган ўша она кўриб, болани синфдошлари роса масхара қилди. Шундан кейин тенгқурлари унга бошқача кўз билан қарайдиган, доим устидан куладиган бўлиб қолди. Бола бўлса бунинг учун ўз онасини ҳам ёмон кўриб қолди. Гўё унинг бахтсизлигига айнан онаси айбдор.

Кун келиб, ўқишга кетаётганида бу «ғурбатхона»дан охири қутилаётганидан роса хурсанд бўлди. Бошқа қайтиб келмасликка қарор қилди. Ўқиши давомида эса онаси унга йиққан-терганини жўнатиб турди. Ўғил буни унинг мажбурияти деб ҳисоблаб, ҳатто раҳмат ҳам айтмади. Ўқишини тамомлаб, катта шаҳарда ишлаш бошлади. Уйланди, уй-жойли бўлди. Аммо, онасини олиб келиш тугул ундан хабар олишга ҳам сира ҳаракат қилмади. Онаизор эса бетиним хат ёзар, шаҳарга келишга бўлса юраги дов бермас эди.

Кунлардан бирида кексайган Онаизор дийдоридан рўшнолик топиш илинжида сўраб-суриштириб, бир амаллаб ўз ўғли уйини топиб келди. Набиралари эса уни кўриши билан кўрқиб, яқинига ҳам йўламади. Ўғил эса бундан баттар уялиб ва хижолат тортиб:

– Кимсиз? Сизга ким керак ўзи? – деди, асло танимагандек.

Онаси ўзининг ўғли уни сира кўргиси келмаётганини, ундан ханузга қадар ор-номус қилиб юрганлигини ҳам дарров пайқади.

– Кечирасизлар, балки мен адашгандирман, – деб ўғлининг уйи дарвозасидан бошини эгиб, ниҳоятда ўксиниб чиқиб кетди.

ОНА қалби ўртанса одам тугул, бутун олам титраб кетади.

Орадан икки-уч кун ҳам ўтмасдан ўғил онасининг энг сўнги хатини олди. Мақтубда шундай дард-алам ва умид ёзилган эди:

«Ўғлим, ҳаётни етарли яшадим. Мен бир марта келишингни жуда хоҳлайман. Балки сендан кўп нарсаларни сўраётгандирман? Сени соғиниб кетдим! Ўзинг улғайган уйингга қайтаётганингни эшитиб қолсам, хурсанд бўлардим. Аммо, қарор қилдим: бошқа ҳеч қачон сени излаб бормайман. Бир кўзи сўқир ногиронлигим, сени ўзга кишилар олдида уятга қўйганим учун Онангни кечир.

Биласанми, сен кичкиналигингда бахтсиз ҳодиса рўй бериб, оқибатда бир кўзингниям йўқотиб қўйган эдинг. Битта кўз билан улғайиб бораётганингни кўриб, мен чидаб тура олмадим ва сенга шу чап кўзимни берган эдим. Ўғлим бутун оламни мен учун ҳам кўради, деб ғурурланардим. Мен сендан асло хафа эмасман. Мен сени соғиндим. Сени беқиёс даражада яхши кўраман, ўғлим...»

Ушбу қиссадан ҳиссани ўзингиз ҳам бемалол чиқара оласиз.

## **ФИДОЙИЛИК НИМА ЎЗИ?**

Ҳар қандай ақли расо, эс-ҳуши жойида бўлган инсон муайян мамлакат ва жамиятдаги қоидалар, ҳуқуқий меъёрларни бузмай туриб ҳам ўз ҳаётини кечира олади. Бундай одам расмий-ҳуқуқий идоралар ҳамда тузилмалар томонидан мавжуд жамиятга таҳдид солмайдиган ва хавф туғдирмайдиган шахс сифатида баҳоланади. Лекин, айнан шундай одам ахлоқсиз бўлиши, ҳуқуқни тан олган олгани ҳолда, ахлоқий меъёрларни тан олмаслиги ҳам мумкин-да. Бошқача қилиб айтганда, бундай кимса ўз мамлакатигаги жиноят кодексини тан олиш баробарида ўз қалбидаги виждон қонунлари билан сира ҳисоблашиб ўтирмайди, жиний жазодан кўрқадими-ю, виждон азобини эса билмайди. Энди ушбу фикрни мисол орқали тасаввур қилиш ва изоҳлашга уриниб кўрсак. Бир кўз олдингизга келтириб кўринг, эрта баҳорда шаҳарнинг ичидан оқаётган канал бўйлаб шошиб кетаётган одам сувга чўкаётган, кўмакка муҳтож кишини кўриб қолди. Лекин, у дарҳол ўзини сувга ташлаб, фарқ бўлаётган шу кишини қутқаришга уринмади. Чунки, биринчидан, чўкаётган у эмас, иккинчидан, эғнидаги яп-янги, бугун биринчи марта кийилган костюм-шими сувга тушса роса расво бўлади-да,

учинчидан, унинг мутлако вақти йўқ, жуда фойдали иш юзасидан ҳамкорлари билан учрашувга шошяпти, тўртинчидан, сув ҳалиям совуқ, шамоллаб қолиши мумкин, бешинчидан, ахир бу одамнинг чўкишига эса у сабабчи эмас-ку! Шундай қилиб, фожиа юз берди. Бир инсон чўкиб кетиб, ҳаётдан кўз юмди, иккинчи киши эса, бу фожиани ўз кўзлари билан кўра-била туриб, ўз шахсий манфаати ва нафи йўлида бамайлихотир давом этаверди. Бунинг оқибатида у ҳечам қамалмайди, жарима ҳам тўламайди. Ундай кимса ҳақида фақат инсофсиз, виждонсиз экан, деган фикр билдирилади, холос.

Энди бошқа бир йўловчини тасаввур қилинг: у ўйлаб-нетиб ўтирмасдан, ўша заҳотиёқ ўзини сувга ташлаб, чўкаётган одамни қутқарди, дастлабки тиббий ёрдамни кўрсатиб таксида ўз уйига қайтиб кетишга ям мажбур бўлди: кийим-бош шалаббо, каттагина фойдадан қолди, беш – олти кунча шамоллаб, дори-дармонга ҳам анчагина маблағини сарфлади. Лекин, у бу ҳолатига ачинмайди. Юз берган воқеани эслаганида афсусланмайди, аксинча, ўз хатти-харакатидан, бир одамни нақ ўлимдан асраб қолганидан қоникниш ҳиссини туяди. Ва бу хотирлаш унга инсоний руҳни бахш этади.

Бу ходисада биз ҳаётдаги икки хил тамойил асосида ҳаракат қилган иккита кишини кўрамыз: биринчиси – худбин бир кимса, иккинчиси – асл фидойи инсон. Гарчи, қонун биринчи кишини худбинлиги ҳамда эгоизми учун жазоламаган ва иккинчи инсонга эса алоҳида муқофот, имтиёзни бермаса-да, жамият, маҳалла-қўй, одамлар уларга икки хил муносабатда бўладилар: худбинликдан нафратландилар, фидойиликдан эса ҳайратланиб, миннатдорлик билдирадилар, бошқаларга ҳам беҳад ибрат қилиб кўрсатадилар.

Демакки, фидойи инсонга бошқалар томонидан иззат-ҳурмат кўрсатилишига сабаб шуки, у истисноли, фавқулодда ҳолатларда ўзининг доимий кундалиқ ҳаёт мажбуриятлари ва муносабатлари даражасини ҳеч қимнинг даъвати, қорловисиз мустақил тарзда ва ихтиёрий равишда ошира олиш қудратига ям эга бўлади. Фидойи инсон бошқалар, жамият ва Ватан манфаати йўлида ўз қонуний манфаатларини, баъзан эса ҳатто ҳаётини қурбон қилишга тайёр ҳолда туради ва зарурият туғилганда ўйламай қурбон қилади ҳам.

Шу ўринда олис замонда яшаб ўтган афсонавий аждодимиз Широқнинг Ота юрти истиклоли йўлидаги фидойилиги беихтиёр



ёдимизга тушади. Биз бу инсоннинг оддий чўпон бўлганлигини биламиз, холос. Унинг ўзи қанақа шахс бўлганди, ёшми, кексами, бола-чақаси бўлганми-йўқми эканидан эса бутунлай беҳабармиз. Лекин, шунисини аниқ айтиш мумкинки, у бирор мактабда аъло баҳога ўқиб, устозлари кўмагида қўлига қоғоз-қалам олиб, хат-савод чиқармаган бўлса керак. Яна шуниси аниқки, у телевизор кўрмаган, радио эшитмаган, газета ўқимаган, интернетга амло кириб кўрмаган. Бинобарин, Ватанни севиш ва унга жонни фидо айлаш кераклиги ҳақида хитобу чақирикларни эшитмаган. Лекин, ота юртига бостириб келган ёвни сахрога олиб бориб адаштириб келишга қатъий қарор қилганда, ўзининг ҳам соғ-саломат қайтиб келмаслигини ўта яхши билган. Демак, Ота маконини ғанимдан асраб қолиш учун ҳам онгли равишда ўз жонини қурбон қилишга отланган. Албатта, унинг номини мангу қахрамонлар сафига олиб кирган бу мислсиз фидойилик элу юртига, Ватанига муҳаббатдан, ўзини халқининг бир зарраси, юртининг содиқ фарзанди деб ҳис қилишидан туғилган. Ўша Широқнинг жасоратини мангу қилган омиллардан, унга беқиёс гўзаллик бахш этган хислатлардан бири унинг ҳар қандай тамадан мутлақо холилиги бўлган. Ҳар ҳолда, Широқ «бир замонлар келиб мустақил Ўзбекистон Республикаси ёшлари менинг жасоратим ҳақида дарсликлардан ўқиб, шаънимга беқиёс олқишлар ёғдиришар» деган ўйдан мутлақо йироқ бўлган.

## ЭЗГУЛИК

Дарс пайтида устоз ўқувчиларга океанда ҳалокатга йўлиқиб, чўкиб кетган бир кема ҳақида ҳис-ҳаяжон билан сўзлаб берди.

«Ўша кемада эр-хотин ҳам бор эдилар, ҳалокат пайтида улар бир амаллаб кутқарув қайиғи яқинига сузиб боришди, аммо унда фақат бир кишигагина жой бор эди. Эр кутилмаганида хотинини бир чеккага суриб ташлаб, ўша қайикқа бир амаллаб чиқиб олди. Типирчилаётган Аёл эса ғарқ бўлиши, сўзсиз ўлими олдидан аста пичирлаб эрига қарата фақат бир оғизгина сўз айта олди, холос...»

Устоз бирозгина тин олди ва болаларга савол берди: «Қани, ким айтади, бу аёл ўлими олдидан нима деган бўлиши мумкин?»

Деярли барча ўқувчилар аёл «Буни сиздан кутмагандим!» ё «Сиздан нафратланаман», деган деб жавоб беришди. Синфдаги

Ўқувчилардан бири эса гўё оғзига толқон солволгандек, жимгина ўтирар эди. Ўқитувчи унга ҳам худди саволни берди. «Менимча, аёл боламга яхши қаранг, деган бўлса керак», деди ўша ўқувчи. Ўқитувчи эса ҳайрон бўлиб сўради: «Нима, сен бу ҳикояни олдин ҳам эшитганмисан?» «Йўқ, илгари сира ҳам эшитмаганман, лекин онам вафот этаётиб, дадамга худди шундай деган эканлар». Устоз кўзига ўта шиддат билан қуйилиб келган ёшни рўмолчаси билан артиб олди ва унга қарата «Сенинг жавобинг тўппа-тўғри!» деди.

Ўша беҳад таъсирчан ҳикоянинг давоми ҳам бор эди.

Даҳшатли ҳалокатда бир амаллаб жон сақлаб қолган эр тез орада ўз уйига қайтиб келди. Уйда уни етим бўлиб қолган қизи отасини интиқлик билан кутарди. Ота қизи катта бўлгунича уни муҳаббат билан замонасига муносиб равишда тарбия қилди.

Орадан йиллар шамолдек шошиб ўтиб кетди. Отаси вафот этганидан сўнг онаси йўқлигини билдирмай ўзини вояга етказган падари бузукворининг буюмларини йиғиштираётиб, ён дафтарча топиб олди. Унда эса шундай деб ёзилганди: «Онаси билан худди ўша кемага чиқишимиздан олдин биз шифокор ҳузурида бўлган эдик. Уни бафуржа текшириб кўрган доктор эса хотинимнинг тез орада беҳад оғир хасталик оқибатида вафот этишини айтган эди. Аёлимнинг умри жудаям оз қолганди. Мен океанда хотинимнинг ўрнига чўкиб кетишга, унинг учун жону жаҳонимни беришга тап-тайёр эдим. Аммо, хотиним тез орада оламдан ўтгач, кизимга ким қарарди? Боламиз учун ягона йўл хотинимни океанда қолдириш ва ўзим тирик қолиб, ёлғизгина кизимга ғамхўрлик қилиш эди».

Бутун синф бошидан муздек сув қуйилгандек жимиб қолди.

Ўқитувчи ўқувчиларга яхшилик ниқоби ортида ёвуз ният ва бир қарашда беҳад даҳшатли, инсоннинг нафратини кўзгайдиган хатти-ҳаракатнинг орқасида эса эзгулик туриши мумкинлигини айтди. Шу сабабдан ҳам ўзга одамларнинг қилган иши, унинг ўзи ҳақида илк тасаввур билан хулоса чиқариш ҳар доим ҳам ҳақиқат бўлавермайди. Кўпчилик ҳақ бўлгани учун эмас, доимо аксарият кўпчиликнинг орзу-умид ва фикрларини ифодалагани учунгина кўпинча бемалол ютиб чиқади. Кўпчилик аксарият кишиларнинг хатти-ҳаракатлари ортида тузукрок изоҳланмаганлиги ё кўпчилик тўлиқ англаб етмаганлиги туфайли аслида нима ва қандай орзу-

ниятлар ёки асл мақсад турганлигидан мутлақо беҳабар бўлади...

## **БУНЁДКОРЛИК АСОСИ**

Ривоят қилишларича, ўткан замонларда бир ҳукмдор барча вазиру уламоларини ўз хузурига чорлаб, «Дунёда энг зўр, керак, ҳамма нарсадан хабардор қилувчи нима?» деган саволни ўртага ташлабди. Даргоҳда йиғилганлар у дейишибди, бу дейишибди; бирови дунёда энг зўр нарса – қилич деса, иккинчиси бўлса энг кераклиси – нон, дебди. Ҳамма нарсадан хабардор ҳамда барча кишиларни аллаловчи «Ойнаи жаҳон» деювчилар ҳам топилибди.

– Сизларга уч кунгина муҳлат бераман, – дебди ҳукмдор ҳеч кимнинг жавоби маъқул келмаганидан ниҳоятда дарғазаб бўлиб.

Кўшни давлатда таърифи етти иқлимга кетган донишманд яшаётганлигидан эса салтанат вазирининг хабари борақан. Вазир: «Подшоҳнинг саволларига шу донишманддан ўзга ҳеч бир киши жўялироқ жавобни топа олмайди», – деган ўйда уни ёрдамчилари кўмагида излаб топиб, илтифот билан саройга бошлаб келибди.

Подшоҳнинг биринчи саволига эса «Китоб!» – деб сира ҳам иккиланмай дадил, шиддат билан жавоб қайтарибди донишманд.

– Чунки китоб билим беради. Дунёда энг кудратли нарса эса – билимдир. Илм-маърифат ҳеч қачон ва ҳеч кимга енгилмасдир.

– Саволингизга тўғри жавобни топди, – дейишибди аъёнлар ўша заҳоти, беҳад шодланиб, бошлари ҳам кўкка қадар етиб.

– Қани айт-чи, бу ёруғ дунёдаги энг керакли нарса нима?

– Китоб! – дебди ўша донишманд тагин ҳеч иккиланмай.

– Китоб?! – ниҳоят даражада ажабланибди ўша ҳукмдор.

– Ҳа, дунёда энг керакли нарса китоб, – такрорлабди сўзини донишманд. – Инсон учун ҳаётда иккита нарса энг мўътабар ва азиз. Бу нон билан китоб. Нон – ризқ-рўз, дастурхон кўрки, л ёёт баракаси. Мозийдан хабар этувчи – тарих, бугунни акс эттирувчи кўзгу ва келажакдан боҳабар айлагувчи мўъжиза бўлса китобдир. Покланиш, имоннинг бутунлиги, маънавий бойлик, маърифат ҳам аслида китобдандир. Китоб олимлар фикрининг паноҳгоҳи, доно кишилар бўстонининг чамани, оддий кишилар томошагоҳидир. У кимсасиз кишиларга дил очувчи гўзал боғ, кўнгли шикастларга ҳар доим раҳнамодир. У дунёнинг барча ерларида ҳамма билан

энг яқин ошно, бемор кишилар дардига эса чинакам даводир.

– Шаханшоҳ! Донишманд бу саволингизга ҳам тўғри жавоб қилди, – дейишибди, янада хурсанд бўлиб кетган ўша сарой аҳли.

– Суву курукликдаги жойлар, дунёдаги элу элатлар ҳақида хабар берувчи ҳам сенингча китобми? – аччикланибди ҳукмдор.

– Ҳа, китоб, – дадил жавоб берибди донишманд. – Бу дунёни шундоққина кўз олдингизга келтириб кўядиган ҳам, ҳеч кўрмаган ва умри бўйи кўра олмайдиган кишилар ҳамда жойлар билан ҳам таништирадиган ҳам шу китобдир. Мана, мени олиб кўринг. Мен туғилиб ўсган кишлоғимдан бошқа ҳеч бир жойда бўлмаганман. Аммо, Мағрибдан – Машрикқача, Шомдан Чингача беҳад яхши биламан, десам ҳеч мақтанмаган бўламан. Курраи Заминда турли элатлар ҳаёти ва расм-русум, урф-одат, анъана ва қадриятларидан озми-кўпми бохабарман. Бунга ана шу китоб орқали эришганман.

Донишманд ҳукмдор совға қилган олтинларга бозордан элни эзгуликка ва ёруғликка чорловчи алломалар китобларидан харид қилиб, унинг шуъласи ва зиёсидан эса элини баҳраманд айлашдек энг муқаддас зиёлилик ишини ҳам тагин давом эттираверибди...

## **КУН. ОЙ. ЙИЛ.**

Кунлардан бирида Кун, Ой ва Йил ўзаро мулоқот ўтказишга қарор қилишибди. Уларнинг машваратида одамлар кўпроқ кимга ҳисоб бериши муҳокама қилинди. Сўзни аввало Кун бошлабди:

– Албатта, барча кишилар «Ўтган кунингни унутма, кийган чорингни қуритма», деганларидек менга ҳисоб бериб яшашади. Чунки, одамларнинг ҳар бири бу ёруғ оламдан ўтиб кетаётган кун интихосида нимага улгуриб ва қанақа ишларга фурсати етмагани ҳақида росаям ўйлаб, бошларини қотирадилар, деб изохлабди.

Кун сўзини тугатгач, навбат Ойга келибди. У шундай дебди:

– Агар сиз билсангиз, аксарият одамлар мен билан кўпроқ ҳисоблашадилар. Ҳар бир ойнинг охирида улар турли хил йўллар билан топган даромадлари дейсизми, қилган харажати, ҳамма-ҳаммасини бирма-бир ҳисоб-китоб қилишга мажбур бўладилар...

Унчалик ҳам чўзилмаган бир зумдаёқ шув этиб ўтиб кетган ўша машваратни Йил якунига етказиб, мулоҳасини баён этибди:

– Тўғри, одамлар, сизлар айтганингиздек мен билан унчалик

ҳам ҳисоблашмаслиги мумкин. Лекин, улар мени кўп шуқоналар айтиб кузатадилар ва беҳад эзгу ниятлар қилиб кутиб оладилар...

## МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

Ривоят қилишларига кўра, бир подшоҳнинг ёлғиз ўғли ақлли ва фаросатли инсон бўлиб улғайибди. Тажрибали мураббийлари ва устозлари кўмагида бир неча касб-хунарларни эгаллаб олибди, паҳлавонликда ҳам тенгсиз экан. У истеъдодли ва зеҳли бўлиб, ёшлигиданоқ илм-фанга жиддий равишда берилиб кетибди.

Йигитнинг мўйлаби сабза уриб, вояга етганида ҳукмдор уни уйлантирмоқчи эканини айтибди. Тож-тахтнинг меросхўри бўлса ўзига, оиласи, табақасига муносиб қизга уйланиш ниятидалигини, минг афсуски, бу яқин атрофда ҳали унақаси учрамаганини отага изохлабди. Куёв бўлмиш фикрича, ўша қиз-келин, яъни, бўлажак шаҳзодаларнинг онаси илмли, ақл-фаросатли, мусиқа санъатини теран англайдиган бўлиши даркор экан. Ота-онаси ҳамда сарой аъёнлари биргалашиб ана шундай қизни ахтариб топишолмабди.

Бошқа илож ҳам қолмагач, йигит ота-онасининг ризолигини олиб, ўзга юртга ўз бахтини излаб равона бўлибди. Чанг-тўзонли йўлда унга, тақдир тақозоси ила бир нуроний тужжор (савдогар) ҳамроҳ бўлиб қолибди. Тужжор отда, йигит бўлса пиёда эдилар.

Узоқ йўлга яхши бир ҳамсуҳбат бўлгани маъқуллигини, акс ҳолатда масофа чўзилиб кетгандай туюлишини ўзингиз ҳам яхши биласиз. Йигит у кишига ғалати савол билан мурожаат қилибди:

– Отахон, ўзингиз жудаям яхши биласиз, йўлимиз узоқ. Шу боис мени кўтариб оласизми ёки мен сизни опичлаб олайинми?

Чолнинг энсаси қотибди, аччиғи чиқса-да, асло индамабди.

Улар шабадада шовуллаб турган буғдойзор бўйлаб одим ота бошлабдилар. Пешоналари роса терлаб, бошларини белларидаги белбоғ билан боғлаб олганича буғдой ўраётган кишиларга ишора қилганча йигит тагин савдогарга саволомуз бир гап ташлабди:

– Отахон, бу кишилар буғдойни хомлай ўряптими, дейман?..

Тоқати тоқ бўлган чол эса йигитни қаттиқ жеркиб ташлабди:

– Эсингиз жойидами? Хом бўлганида ўришармиди? Буғдой пишиғи аллақачон етиб келган ва ҳатто ўтиб ҳам кетган-ку!..

Икковлон тагин йўлда давом этишибди. Тасодифан бошлари

хам, кўзда ғам билан тобут кўтариб кетаётган оломонга дуч келиб қолишибди. Майитни сўнгги манзилга олиб кетаётган кишиларга бир неча қадам тобуткашлик қилишиб юборишидан аввал йигит яна-да антикароқ савол билан ўша чолга мурожаат қилибди:

– Отахон, тобутда қабрга кетаётган одам ўликми ё тирик?

Чолнинг энсаси қотиб, фигони ҳам фалакка кўтарилибди-ю, бир амаллаб ўзини босиб, кескинроқ бир жавобни қайтарибди:

– Ўғлим, нахот шуниям англамасанг?! Ахир тирик бўлганда ўз оёғи билан юрмасмиди? Тирик инсон тобутга чиқиб оладими?!

Чолдан дакки ва дашном эшитса-да, йигит асло ранжимабди. Негаки, ўртага ташлаган саволларининг замирида беҳад даражада улкан маъно мужассам эди-да. Бунисини бўлса ўша чол манзилга етиб келгач, унга тушунтирилган паллада англайди. Чол йигитни уйига меҳмонга чорлабди. Отахоннинг ақл-фаросатда бекиёс бир кизи бор эди. Чол кизига йўлда содир бўлган воқеалар ва савол-жавобларни, қандай бўлса худди шундайлигича сўзлаб берибди.

Отаси ва унга йўлдош йигитнинг ўртасида бўлиб ўтган гап-сўзларни ниҳоятда диққат-эътибор билан тинглаган қиз маҳзун равишда бошини чайқабди. У отасига йигит берган саволларнинг замиридаги асл фалсафий маъно-мазмунни аста изоҳлаб берибди. Йўлдаги суҳбатда қовун тушириб қўйганини тушуниб етган чол ўзини койибди. Сўнг меҳмонхонага дастурхон кўтариб кираркан, зукко йигитга завқ-шавқ ва эҳтирос билан мана шундай дебди:

– Ўғлим, йўлда менга берган саволларингизнинг жавоблари топилди! Биринчи марта савол берганингизда, йўлимиз анча узок, зерикиб қолмаслик учун ўзаро суҳбатлашиб, дарду ҳол бўлиб, сиз мени, мен сизни овунтириб кетайлик, деган экансиз. Мен бўлсам сизнинг фикрингизни дарҳол фаҳмлай олмабман... Иккинчи савол маъноси бўлса ўрилаётган бугдой бойга тегишлимикан ёки уни пешона тери тўкиб, парваришлаб етиштирган камбағал кишига? Шу бугдойнинг ҳосилидан ким кўпроқ манфаатдор бўлар экан, дебсиз. Буни ҳам тўғри тушуна олмай, сизни ўринсиз ранжитиб қўйибман. Учинчи саволингиз ҳам бағоят пурмаъно экан! Яъни айрим одамлар тириклигида ўзга инсонлар фойдаси учун бирорта эзгу иш қилмайди, ҳеч кимга асло нафи тегмайди. Бироқ, унинг бошқаларга зарари эса кўпроқ бўлади. Тириклигида эзгу, савобли

ишлар қилаётган инсонлар, аслида умр нақадар қисқа эканлигини ва у кишиларга бор-йўғи бир марта берилганини яхши биладилар. Инсоннинг эзгу ишлари абадий эканини тўғри англаб етганлар ўз умрини шундайин хайрли ишларга бахшида этадилар. Тобутдаги майит ана шуларнинг қайси бирига мансуб, деб сўраган экансиз...

Ўйигит хайрон бўлиб, хайрати ҳам ошиб, отахондан сўрабди:

– Ота! Бунақа гапларни сизга ким айтиб берди, ўзи?

Чол яширишни ўзига эп кўрмай, бор ҳақиқатни айтибди.

Ўйигит отахондан ақл-заковатли қизи билан мулоқот қилиш учун изн сўрабди. Рухсат берилганидан кейин ўша соҳибжамол билан обдан, дилдан суҳбат курибди. Асли, ўзига мос ҳисоблаган, бўлажак шахзодаларга оналикка муносиб қизни ана шу манзилда топгани ҳақида ўз ота-онасига хабар берибди. Сарой, салтанатга муносиб келин топилганидан бағоят хушнуд бўлган подшоҳ ва малика катта тўй-тантана қилиб берибди. Шундай қилиб, юлдузи юлдузига тўғри келган икки ёш асли маънавий гўзаллик туфайли топишибди. Чинакам бахт-саодат остонаси, мурод-мақсадларига айнан ақл, фаросат ва зукколикнинг либоси билан етишибдилар.

## **РИЗҚ**

Маҳмуджон Солиев (Учкўрғон тумани) қаламига мансуб ушбу битик «Наманган ҳақиқати» газетасида (2019 йилнинг, 21 декабри) «Ўтмишдан эртақлар» рукнида босилган.

Бу воқеани менга раҳматли онам айтиб бергандилар. Орадан неча йиллар ўтса ҳамки, ёдимдан кўтарилмайди. Буни эшитган ва ўқиган ёшлар унга ишонмасликлари мумкин. Лекин, ушбу ғамгин ҳикоя айримларни бугунги доруламон, фаровон кунларга шукур қилишга, бекиёс улўғ неъмат – нон ва бошқа неъматларни исроф қилмасликка ундаса, қадрлашга ўргатса – айнаи муддао бўлар эди.

Ўтган асрнинг 30- йиллари. Замона беҳад оғир: бир тарафда қаҳатчилик бўлса, иккинчи томонда қимматчилик. Халқимизнинг юпунлиги, озиқ-овқат, айниқса, нон етишмаслиги ҳар битта оила бошига ташвиш солган. Атрофга қоронғилик эндигина ёпирилиб келаётган бир паллада мулла Эшонқул бобо дарвозасини кимдир аста тақиллатиб, бўғик бир овоз билан чақиргандай бўлди. Овоз аёл кишиники бўлганлиги сабабли ҳам дарвоза ёнига у кишининг

аёллари Ҳамида хола бордилар. Эшикнинг орқасида қимтиниб ва қунишиб турган жуда ҳам озгин бир аёлга кўзлари тушди ва:

– Келинг, айланай, – деб унинг елкасига қоқиб кўришдилар.

Нотаниш аёл салом-алиқдан кейин уйда егулик ҳеч нарсаи қолмагани, учта ёш боласи ниҳоятда оч-наҳор эканлигини айтиб, биронта ё ҳеч бўлмаса бирор бурда нон эҳсон қилишларини сўраб ўксиниб, илтижо ва умид билан боши эгилган ҳолда изҳор этди.

Ҳамида холанинг ана шу муштипар аёлга раҳмлари келса-да, аммо ёрдам беришга қўллари калталиқ қилиши, уйда ўзларининг уч фарзандларига зўрға етадиган яримтагина қора нонлари бор эканлигини андиша билан айтиб, тиланчи аёлнинг ортидан минг бир хижолат билан эшикни секин ёпиб, уйга қайтиб кирдилар.

Ҳамиша зийрак мулла Эшонқул бобо аёлларига қараб:

– Эшикни тақиллатган ўзи ким экан? – деб сўрадилар.

– Бир бечора тиланчи аёл экан, оч болаларига биттагина нон сўраб келибди. Мен унга бизнинг уйимизда ҳеч нарса йўқ, дедим.

– Бизнинг нонимиз бор, шекилли онаси?!

– Яримтагина нонимиз бор, холос-да. Уни бўлса ўзимизнинг болаларимиз уйқусидан нон сўраб туришига, улар нонуштасига асраб қўйган эдим, – дедилар онахон маъюс бошларини эгиб.

– Эҳ, хотин, хотин, неча маротаба айтганман: «Бу уйдан ҳеч ким ҳеч қачон ноумид кетмасин», – деб. Орқасидан боринг, ўша яримта нонни бўлса ҳам бериб келинг, – деб аёлларини тиланчи аёлнинг ортидан юбордилар. Ноилож Ҳамида хола яримта нонни олиб, қўшни дарвозани тақиллатмоқчи бўлиб турган бояги аёлга бердилар. Тиланчи аёл эса саховатпеша холани дуо қилиб қолди.

Ҳамида хола саховатли эрининг топшириғини бажариб уйга кириб келганларида мулла Эшонқул бобо аёлларига қараб:

– Фарзандни бандасига Аллоҳ албатта ўзининг ризқи билан беради. Ўзимизнинг болаларимиз уйқусидан тургунларига қадар уларнинг ҳам насибасини бериб қолар, – дедилар.

Ниҳоят тонг ҳам отди. Узоқлардан хўрозларнинг қичқириви эшитилди. Куёш ҳам фалакка кўтарилиб, бутун атрофга ўзининг заррин нурларини, ҳамма одамларни яхши ёки ёмонга ажратмай, барчага баравар аямай соча бошлади. Аммо, сахар чоғи уйғонган Ҳамида холанинг чехрасида ташвиш кўланкаси намоён, ичини ит



тирнар эди. Пишиллаб ухлаб ётган уч боласи ширин уйкусидан ҳализамон уйғониб, нон сўраб қолса уларга нимани беради?

Шу хаёллар билан боши ғовлаб турганида ногоҳ кўча эшик тақиллаб қолди. Ташқарига чиқиб борган Ҳамида хола дарвоза табақасига суяниб турган бир болали жувонга кўзи тушди. Бегона аёлнинг бир қўлида тугунча, иккинчи қўлида эса икки-уч ёшлар чамаси болақайни бағрига босганча Ҳамида холага майин қараб:

– Ассалому алайкум, холажон. Мана шу болам бетоб бўлиб қолди. Кечаси билан ухламасдан, тонггача йиғлаб чикди. Мулла бувам агар уйда бўлсалар дам солиб, бир ўқиб қўярмикинлар, деб келувдим, – дея тугунчани холанинг қўлларига тутқазиб қўйди.

Мулла Эшонкул бобо боласига дам солиб, эҳтиёжманд аёл уйдан чиқиб кетганидан кейин Ҳамида хола тугунчани очдилар. Ундаги икки дона кулча нон, бир ховучдан ўрик қоқи ва жийдани кўриб кўзлари аста ёшланди ҳамда мулла Эшонкул бобога қараб:

– Яратган эгам ҳар бандасининг ризқ-рўзини беришига яна бир бора чин дилимдан амин бўлдим, – дедилар.

## ЭҲСОН

Ривоят қилишларига биноан, бир йигит донишманд ҳузурига ийманибгина кириб келиб, қуюққина салом-алиқдан кейин:

– Таксир, ҳаққимга дуо қилсангиз, мен ҳам бадавлат инсон бўлиб кетсам ва кейин муҳтож кишиларга эҳсон қилсам, – деди.

У зот: – Ўғлим, дарҳол бойиб кетсангиз ўзгариб қолишингиз мумкин, ана ўзингиз ҳам кўринг, минг-минглаб моддий жиҳатдан бадавлат кишилар бор, бироқ, уларнинг аксарияти муҳтожларга эҳсон қилишдан, кўмак беришдан доимо қочиб юради. Сиз бой бўлмай ҳам, ўзга инсонларга бемалол эҳсон қилаверинг, – деди.

– Менинг ҳеч нарсам йўқ-ку! Қандай эҳсон қиламан?

– Сизнинг тўрт мучангиз (эсингиз, ҳушингиз, ичингиз ҳамда ташингиз) бутун ва бешта аъзоингиз – кўз, оғиз, кулок, қўл ва оёқларингиз соғлом, ана шулар билан эҳсон қилаверасиз-да.

– Илтимос, агарда мумкин бўлса, кенгрок қилиб тушунтириб берсангиз. Кўзим билан кишиларга қандай эҳсон қила оламан?

– Одамларга меҳр назари билан қаранг, ҳеч кимсага ҳасад қилманг, «бу одам бунча бойликни қаердан олди, у ўзи нима иш

қилар экан, бор бойлигини менга совға қилиб берса эди», деган ўй-хаёлларга асло борманг. Барча хотин-қизларгаям доим шафқат назари биланг қаранг, шахват билан эмас. Чунки, биринчидан у сизга номаҳрам, иккинчидан эса, ҳар бир аёл ё кимнидир қизи ёки кимнингдир хотини бўлади. Инсонларга ўз қўлингиздан келганча меҳр-мурувват кўрсатингки, улар ҳам сизга худди шундай жавоб қайтаришсин. Ана, Қуёшни кўрмайсизми, барчага бирдек кулиб қарайди, меҳр нуруни сочади, шу боис ҳамма уни яхши кўради.

– Оғзим билан одамларга қандай эҳсон қила оламан?

– Оғзингизни фақат яхши ва хайрли сўзлар айтишга хизмат қилдиринг. Шу билан бирга, бировларга ёлғон, бўҳтон ва сўкиш сўзларини айтишдан узок бўлинг. Бировларни сохта такаллуф ва мақтовлар билан ўзингиз томон оғдириб олишга асло уринманг.

– Қулоғим билан кишиларга қандай эҳсон қиламан?

– Қулоғингизни ёмон сўзларга, ёмон суҳбатларга тутманг; ғийбат бўлаётган жойдан зудлик билан қочинг; агарда кучингиз етса, ўша ғийбатни тўхтатинг ёхуд ғийбат қилинаётган инсонни химоя қилинг; бу сиз учун фойдали бўлади; ногоҳ бирор ножои: суҳбатга йўлиқиб қолсангиз, ўзингизни эшитмаганга олиб, тезда шу жойдан узоклашинг, бу суҳбатни ҳеч қаерда ошқор қилманг.

– Қўлим билан қандай эҳсон қиламан?

– Қўлингиз билан солиҳ амалларни бажарасиз, имконингиз борича одамларга кўмак берасиз, бирор жойда ёмон ишни кўриб қолсангиз, қўлингиз билан тўхтатинг, ўшанда сиз ўша ёмонлик қилмоқчи бўлганларга Аллоҳ йўлида яхшилик қилган бўласиз.

– Оёғим билан инсонларга қандай эҳсон қиламан?

– Гуноҳ ишлар бўлаётган, биронта фитна уюштирилаётган жойларга сираям қадам босмайсиз, яхши иш бўлаётган жойларга, эл-юртга фойда ва наф келтирадиган ишларга қараб бораверасиз.

Шундан кейин эса донишманд йигитнинг ҳаққига дуои хайр қилибди. Йигит эса ниҳоят даражада хурсанд бўлиб кетиб:

– Сизга жуда катта раҳмат! Менда шундай кенг имкониятлар бор эканига эътибор бермас эканман, албатта айтганларингизни амалга ошираман дебди. Донишманд бўлса йигитга қарата:

– Болам, ҳимматингизни баланд тутволиб, мана шу ишларни чиройлироқ бажариб юраверинг. Раззоқ Эгам қўлингизга давлат

берганини ҳам билмай қоласиз, – деб тагин йигитнинг кўнглини кўкка кўтарибди. Йигит эса қалбига юксак ниятларни тугиб, ўша донишманд ҳузуридан эзгу ишларни бажариш мақсадида элнинг орасига дадил қадамни босиб, кўплаб эҳсон қилишга қанотини қоқиб чиқибди, ўша донишманд воситасида энди билиб олган панд-ўғитлар ва хикматларини ўзга кишиларга ҳам улашибди.

Аллоҳ тарафидан мусулмонлар учун фарз қилинган амри маъруф ҳамда наҳий мункар – «яхшилиққа буюриш, ёмонликдан қайтариш»нинг улуғ, бепоен йўлига кирибди. Қисқаси, ўша йигит «Жаҳолатга қарши – маърифат!» шиорига асосланиб ёвузликни баратарф этувчи эзгулик қуроли ила маънавий жангга отланибди.

## ДЎСТЛИК САДОҚАТИ

Ўзингиз ҳам жуда яхши биладиган ёки қачондир у хусусида эшитган Рим салтанати императори Юлий Цезарнинг ишонган ягона хизматкори ва дўсти бўлган – унинг табиби. Агар ҳукмдор хасталиққа йўлиқиб қолса, табиби дорини ўз қўли билан узатган тақдирдагина ичарди, холос. Ҳамма макон ва замонларда бўлгани сингари ўша даврда ҳам жаҳон ҳасадгўй кимсалар билан тўлиб-тошиб ётган эди. Кунлардан бир кунида Император Цезар ўзини бирозгина беҳол сезган чоғида, унинг қўлига кичкина юмалоқ хат келиб тушган. Мактубда шундайин битик мавжуд эди: «Энг яқин дўстингдан, табибингдан эҳтиёт бўлгин, у сени заҳарламоқчи!»

Орадан унча ҳам вақт ўтмай ҳукмдор ҳузурига чорланган табиб етиб келди ва Цезарга дорини узатди. Император мактубни бирортаям гап-сўз айтмасдан дўстига берди ва у ўқиб бўлгунича дори аралашмасини энг сўнгги томчисига қадар ичиб қўйди.

Табиб бўлса беҳад ваҳима ва ўта даҳшатдан қотиб қолди.

– Подшоҳим, мана шу юмалоқ хатни ўқиганингдан кейин, мен сенга берганимни ичишга юрагинг қандай дов берди?

Ҳанузга қадар дунё ахлини ҳайратга солиб келаётган буюк саркарда, император Цезар ўз табибига шундай жавоб қайтарди:

– Ўз дўстимдан шубҳалангандан кўра, ўлганим яхши-ку!

## ҚАЛБДАН ЎЧМАЙДИГАН ЧАНДИҚ

Қадим ва яқин ўтган замонларда, ўткан ва ўтаётган кунларда

Ўзингиз истаган юрт, шаҳар, кишлокнинг номини бемалол кўйиб оладиган маконда жаҳолатга ўта берилган бир серзарда, жажлини асло тизгинлай олмайдиган йигит бор экан. Ўғлини сира эпақага келтира олмаган бечора отаси унга ичига миҳ солинган халта узатибди. Беҳад тажанг ўғлига панд-насихат тариқасида ғазабини жиловлай олмаган чоғида, бирозгина вақтини ажратиб, ҳар сафар девор устунига биттадан миҳ қоқиб кўяверишни тайинлабди.

Эртасига арзимаган оддий нарсадан жаҳли кўзиб кетган ўғил (ота ўғил эмас) устунга ўнтача миҳ қоқиб кўйибди. Келаси ҳафта у ғазабини босиб олишни ўзи ўргана бошлабди. Оқибатда кунмакун устунга қоқиладиган миҳлар сониям тобора камая бошлабди. Йигит англаб етибдики, ўз характерини ўзгартириш устунга доим кўлига болғани олволиб, миҳ қоқаверишдан кўра анча осон экан.

Йигит бора-бора энг мураккаб ҳолатлардаям ўзини йўқотиб кўймайдиган инсонга айлана бошлабди. Мўъжиза юз берганини отасига айтиб берибди. Бундан кўнгли жойига туша бошлаган ота ўғлига, агар кун бўйи қаҳр-ғазабини тизгинлай олса, кун охирида устунга типратикан игнасидек қоқиб ташланган юзлаб миҳлардан биттасини бемалол суғуриб олиши мумкинлигини айтибди.

Орадан анчагина вақт ўтиб, шундай кун ҳам етиб келибдики, йигит отасига девордаги устунда битта ҳам миҳ қолмаганлигини айтибди. Отаси бўлса, энди ота ўғилга айланиб қолган йигитнинг кўлидан авайлаб тутиб, ўша устуннинг олдига етаклаб келибди:

– Ўғлим, сен зимманга юклатилган ишни ниҳоятда яхши уддаладинг, лекин устунда қанча тешик қолганини кўряпсанми? Минг афсуслар бўлсинким, устун энди ҳеч қачон аввалгисидек сип-силлиқ бўлиб қолмайди. Сен оддийгина, унча арзимайдиган масала бўйича баҳс-мунозара ёхуд тузук-курук англаб етилмаган муаммолар бўйича бировларга жаҳл устида, қаҳр-ғазабнинг кўзиб кетиб жуда ёмон, беҳад кўпол гапирсанг, унинг : , дилида шундайин ўчмас чандиқлар қолиб кетади. Кейин : эн ундан неча марта кечирим сўрасанг ҳам, аҳамияти, фой : лмайди. Тан жароҳати битиши мумкин, лекин дил яраси х : лмайди.

## **ХУЛОСА ЧИҚАРИШГА ОШИ** **ИГ**

Ўсмир энг охирги бекатда турган автобу : да ҳеч

кимнинг йўқлигини кўриб ниҳоят даражада хурсанд бўлиб кетди. Автобус бўм-бўш, ўзи хоҳлаган жойга ўтириб олиши мумкин-да. У ойна ёнига ўтирволди, жой яхши ва қулай. Қандай яхши, омади келиб қолди, у йўналишнинг нариги, сўнгги бекатигача боради.

Автобус аста кўзғалди. Орадан тахминан 15 дақиқалар ўтгач одамлар билан лик тўлиб-тошиб кетди. Ўсмир ойнадан лип-лип, дея ўтаётган уйлар ва дарахтларни томоша қилиб, мусиқа тинглаб борар эди. Кўкқисдан бир семиз жувон боланинг елкасига қаттиқ туртди ва баланд, автобусдагиларнинг бари эшитадиган товушда: «Сенга уят эмасми, агар мен сенинг ёшингда бўлганимда...» – дея зарда билан ҳайқирди. Унга эса зудлик билан бошқа бир хотин ҳам шанғиллаб кўшилиб кетди: «Мана сизга бугунги ёшларнинг аҳволи! Улар катта кишиларни мутлақо ҳурмат қилмайди Бу ерда соғлом, айиқдек бир йигит ялпайиб ўтирибди, касалманд, кекса аёл эса қаққайиб, хансираб унинг тепасида тик туриши керак!»

Ҳаш-паш дегунча бутун автобус аҳли шу ўсмирга ташланди. Бола бунақа босимга, турган гапки, дош бера олмади ва деди:

– Яхши, тураман, аммо сизга айтиб кўяйин, менинг ўрнимга айтганидан хижолат қилмайдиган, уялмайдиган киши ўтирсин!

Сўқиниш ва қарғишлар тинмади. Йигитча қийналиб ўриндик остидан ниманидир ола бошлади. Кўлтиқтаёқлар! Йигитча уларга аста таянволиб, жойидан кўзғалди. Ҳамма ҳайратда. Улар сираям хаёлларига келмаган ҳолатга дуч келишган эди-да!.. Кекса аёл эса йўл бўйи асабийлашиб ўсмирнинг оёғини босиб келганида нега сира ҳам гинг демагани, чурк этмаганини энди англаб етган эди.

Ўша аёлнинг ўзи нариги бекатда лом-мим дея олмай тушиб қолди. Энг яқин қариндошлар – опа-сингиллар фарзанди бўлмиш ота-онасини истамасалар ҳам мажбурлаб эр-хотинга айлантирган бува-бувилари касофатига қолиб кетиб, майиб туғилган ногирон ўсмир бўлса унга ниҳоятда қийин бўлса ҳам, сўнгги бекатга қадар қўлтиқтаёқларида тик туриб бораверди. Ойна олдидаги ўзи бироз олдин ўтирган ўша ўриндикнинг йўл бўйи бўш турганлиги унга йиқилиб тушмасликка етадиган куч-қувват бағишлаб турар эди.

## **НОДОННИ ДОНО ҚИЛГАН ЭҲТИЁЖ**

Бир камбағал киши илк кўклам чоғи айвонда чордона қуриб,

топган-тутганини дастурхонга қўйволиб нонушта қилаётган экан, ховлисидаги қайрағочга қаҳратон қиш куткусидан қутилган қопқора қарға қўниб, қаттиқ қағиллай бошлабди. У тагин ниманидир кўтариб олиб хузурига келган қизидан ўзича сўраб қолибди:

– Қизим, қани айт-чи, ана бу қарға нима деб қағилляпти?

– Эрни эр қиладиганам хотин, қаро ер қиладиган ҳам хотин, деяпти-да, бундан бошқа нима гапларни ҳам айтар эди, Отажон!

Худди шу паллада уларнинг анча хароб ҳовлиси дарвозаси ёнида бир жулдур кийимли гадо пайдо бўлиб, хонадон аҳлидан мунгли овозда хайр-садақа тилай бошлабди. Қизининг ҳозиргина айтган ҳақли гапини ўзига малол олган ҳам моддий, ҳам маънан кашшоқ ота эса: «Агар гапинг рост бўлса, бор ана шу гадони ҳам одам қила қол!» дея уни тиланчига шартта эрга бериб юборибди.

Ўша кимса орадан узоқ йиллар ўтиб эл-юрт орасида адолати ҳамда давлатмандлиги билан беҳад донг таратган шоҳни зиёрат қилиб келиш учун сафарга чикибди. Ҳукмдор уни эхтиром билан кутиб олгач, мазали таом билан меҳмон қилибди. Таомдан биқлуқмаси томоғидан ўтган киши уни роса келиштириб мақтабди:

– Ошпазларингизнинг маҳоратига тасанно, отасига раҳмат!

– Буни ошпазлар эмас, хотиним пиширган. Ана ўзи келяпти.

Мусофирнинг ёнига шоҳона либос, сарполар эмас, одмигина кийинган гўзал жувон яқинлашиб етти букилиб салом берибди ва ўзини шартта унинг қучоғига отибди. Мусофирнинг кўзлари эса ёшланиб, маликанинг пешонасидан ўпиб, бағрига маҳкам босиб, роса талвасага тушиб қолибди. Ўзича минғирлабди, ғудранибди:

– Қизим, оддийгина бир қарға қағиллашини тушунмагани ҳамда тузук-куруқ англамаганлиги учун нодон отангни кечир!

– Йўқ Отажон, сиз мени кечиринг, – дебди бир пайтлари кашшоқ кишининг кизи сифатида туғилиб, энди бўлса маликага айланган қизи. – Ўшанда чинакам маънисини билмасдан, оғзимга келганини айтиб юборган эдим. Йўқчилик, эхтиёж, зарурат мени – қизингизни доно, эримни бўлса подшоҳга айлантириб қўйди...

Одамзод – фитратан ўта мураккаб хилқат. Унда ҳам моддий, ҳам маънавий эхтиёжлар бор. Бу эхтиёжлар ўртасидаги кураш эса азалий ва абадий, беаёв, қакшатқичдир. Маънавий эхтиёжлар ҳам бир қанча бўлиб, улар ўртасидаям мудом кураш кечади. Кўпинча

эхтиёждан бири ёблиб чикиб, ўзгаси таслим бўлади. Одамлардаги маънавий эхтиёжлар – хоҳ хиссий, хоҳ ақлий, хоҳ рухий бўлсин, тенг ҳамда уйғун тарзда тараққий топмоғи даркор. Илло, ўз ўзида шундай мутаносибликни ярата олган кишигина комил инсондир.

## **ОЗОР (РАНЖ, АЛАМ, ДАРД...)**

Бир оқил инсон йўлда кетаётса унинг рўпарасидан бир одам беҳад изтиробга тушиб, ножоиз, қўпол сўзлар билан кимнингдир онасидан олиб, росаям бўралатиб сўкинганича, мастларга ўхшаб бор овози билан бакириб-чакириб, йиғлаб-сиқтаб келаётган экан.

– Не бўлди, биродар? Нега хафасан? – сўради доно инсон.

– Мени ҳозиргина қандайдир бир палид, аблаҳ ёмон сўзлар билан қаттиқ ҳақоратлади. Бунинг устига бўлса мутлақо ўринсиз. Менга у кимсага ҳеч нарса қилганим ҳам, деганим ҳам йўқ эди.

– У сени ҳеч ҳақоратлаши мумкин эмас, – деди доно инсон.

– Қанақасига? Ахир, у ҳозиргина таҳқирлади-ку! – Ҳайрон бўлибди йўловчи. – Сен у нухани танимайсан-ку, мени умрингда биринчи марта кўриб турибсану, қандай қилиб тасдиқлайсан?

Оқил ундан бир неча қадам нарига кетди, ерга тикилди, сўнг эгилиб ниманидир олди ва ортига қайтиб ўша кишининг олдига келиб, қўлига олган худди ўша нарсасини унга астагина узатди:

– Ма, мана буни олгин-чи, бу сенга, албатта, кўмак беради!

У беихтиёр ўзига таклиф этилган нарсани қўлига олди, аммо унинг кўнғиз эканлигини кўриб, ирганди, дарров ғазабнинг отига шартта минволиб, ҳашаротни эса жahl билан улоқтириб юборди.

– Буни нега бердингиз? Сиз ҳам мени таҳқирламоқчимисиз?

– Мутлақо. Мени кечир, биродар, асло унақа ниятим мавжуд эмас. Бор-йўғи ҳалиги гапимнинг чин эканлигини тасдиқламоқчи эдим. Кўнғизни қўлингга олдинг, ранжидинг, кейин эса уни ерга улоқтириб юбординг. Кўнғиз энди сенга ҳеч қандай азият етказа олмайди. Ҳалиги, ўзинг айтган кимсанинг ҳақоратлари ҳам худди шундай, сен уни ўзингга олганинг учун ранжиб, озор чекиб, дард, алам билан биргалашиб йўлда юрибсан. Агар ўзинг уни ўзингга олмаганигда, ҳақорат ҳисобланмасди ва, турган гапки, сен ҳам ғам-аламни чекмаган бўлар эдинг-да. Мана, гапимнинг аввалида нима учун у одам сени асло ҳақорат қила олмайди, деган эдим.

Сен ўзингни беҳад хафа қиладиган, ниҳоятда ранжитадиган гап-сўзларни шартта рад этмай қабул қилиб, унинг хатти-ҳаракатлари ҳамда мақсад-муддаолари амалга ошиши, ўзингга азият етишига шахсан ўзинг «кўмаклашиб» ва «елка кўйиб» юбординг, холос!

## **КЎНГИЛ УЧУН СОВҒА**

Мактабдаги бир ўқувчи доим хўмрайиб юрар, беҳад ғамгин эди. Устози уни даволаш ниятида шогирдидан илтимос қилди:

– Агар сенга малол келмаса, бу хонадаги барча жигарранг буюм ва асбоб-анжомларни топиб, улар номини айтиб берсанг.

Ўқувчи ўз атрофига назарини ташлади. Хонада бунақалари анча-мунчагина эди: деразалар, суратлар роми, пардалар карнизи, столдаги дастурхон ва турли-туман майда-чуйда нарсалар...

– Энди эса кўзингни юмиб, барча яшил буюмларни айтгин!

– Қандай?! – Хитоб қилди ўқувчи. – Мен бу хонада бирорта ҳам яшил рангли буюмни кўролмадим, Сиз берган топшириқке биноан, фақатгина жигарранг нарсаларни қидирган эдим.

– Майли, энди кўзингни оч, қара, яшил ранглилари роса кўп.

Ўқувчи ҳайрон бўлиб чор-атрофига назарини солди, кўрган-билганларидан сал-пал довдирагандек бўлди. Нафис яшил рангли пардалар, вазадаги яшил гуллар, қандил, полдаги гилам, расмлар. Буларни бирданига кўрмаганидан ўзининг жажли чиқиб кетди:

– Айнан сиз туфайли мен яшил рангни дарҳол кўра олмадим. Ўзингиз мени жигаррангни эслаб қолишга мажбур қилдингиз-ку!

Ўқитувчи майингина жилмайиб, шогирди бошини силади:

– Мен ҳам айнан шуни сенга билдирмоқчи эдим. Сен ҳаётда ёмонроқни кўришга созлангансан ва атрофингда қанчадан-қанча ажойиб, ғаройиб нарсаларнинг борлигини сира ҳам пайқамайсан.

– Аммо мен доимо бу ҳаётдан ёмонроқни кутиш яхши, деб ўйлар эдим. Ўшанда умидсизланиш бўлмайди. Агарда қандайдир ёқимли нарса содир бўлса, бу – кўнгили учун кутилмаган совға.

– Шуни яхши билгинки, агарда яхшилик ҳақида ўйламасдан, ҳар доим ёмонликка йўналсанг, сен учун фақатгина ёмонлик рўй бераверади. Бошқача нуқтаи назар анча фойдалироқ. Ҳамиша ва барча инсонлардан фақат яхшилик ва эзгуликни қидираверсанг, ҳаётинг ҳам янада гўзаллашиб, қўпгина ажойиб нарсалар билан



бойиб бораверади-да. Ташвишлар ҳам ижобий мазмун касб этиб, ширин ташвишларга айланиб қолади. Беҳад мураккаб ташвиш ва мушкулотларга тўлиб-тошган ҳаётга дадил қарайвер, атрофдаги гўзалликларга разм сол. Шунда кўнгил қолишлар ҳам бўлмайди.

## **ЯЛАНҒОЧ ҚАЛБ**

Бир куни кўпни кўравериб, соч-соқоли қордек оқариб кетган донишманд олдига қора кўзлари ёшга тўла ёш ва гўзал қиз келди.

– Ота! Мен одамларга доимо кулиб боқишга, бировларнинг кўнглини қолдирмасликка, кўлдан келгани қадар кўмак беришга уринаман. Барчага очиқ чехрали ҳамда хушмуомала бўлишимга қарамай, миннатдорлик ўрнига, кўпинча улардан аччиқ мазах ва ноҳақ гап-сўзларниям эшитиб келаман. Баъзида бўлса, улар менга очиқча ғанимлик қилишади. Менга маслаҳат беринг, нима қилай?

Донишманд гўзал қизга бир нафас тикилиб турди ва деди:

– Эгнингдаги кийимларингни дарҳол ечиб ташлаб, яланғоч бўлволгин ва мана шу алфозда шаҳарни кезиб чиқкин, қизим!

– Эс-хушингиз жойидами, ақлдан озмаганмисиз?! – жаҳли чиқиб кетди ўша гўзалнинг. – Бунақа ҳолатда менга ҳар қандай кимса палидлик қилиши, ҳатто номусимга тегишиям мумкин-ку!

Донишманд эшикни ланг очди, курси устига ойнани кўйди.

– Мана, ўзинг кўр, – деди у. – Сен одамлар олдида либоссиз чиройли танангни кўрсатишдан чўчийсан, ўта ваҳимага тушасан. Нега бўлмаса, ҳаётда яланғоч кўнгил билан юрибсан? Қалб сенга худди мана бу эшик сингари очиқ. Эринмаган ҳар қандай нусха қалбинг ва ҳаётингга аралашаверади. Ахир, сенинг поклингда, худди манови кўзгудагидек, ўз нопокликларининг аксини кўриб қолишади, сенга қуруқ тухмат қилиб, ранжитмоқчи бўлишади. Ҳар кимда ҳам, кимдир ундан яхшироқ эканлигини тан олишга журъат етавермайди. Онги-қалби бузук одам ўзини ўзгартиришни истамай, доим яхши инсонлар билан душманчилик қилаверади.

– Агар доим шунақа бўлса, мен энди нима қилайин, ўзи?

– Мен билан юргин, қизим, – дея отахон уни анвойи гуллар чаман бўлиб очилган боғ сари бошлабди. – Жуда кўп йиллардан буён мен ажойиб гулларни суғораман, уларни парваришлайман. Лекин гул ғунчалари очилганини камдан-кам кўраман, бироқ, ҳар

бирининг гўзаллиги ва хушбўйлигидан роҳатланаман. Сен ҳам гулдек бўлгин: Одамлар олдида ўз қалбингни шошмасдан очгин. Разм солиб қара, ким сенинг дўстинг бўлишга муносиб, қай бир кимса гулбаргларни узиб, оёғости қилишга доим таппа-тайёр...

## **ВАТАН ХОИНИ**

Ўз эл-юрти озодлиги учун курашган инсон қатл этилаётган паллада, унинг бўйнига «Ватан хоини» ва «Халқ душмани» деган сўзлар ёзилган тахтачани илиб қўйишган. Ватанпарвар истилочи давлат вакилидан сўрабди: «Мен ўз халқим ва Ватаним озодлиги йўлида жанг қилдим-ку, нимага бунақа ёзувни осиб қўйдинглар?» «Бу рост, – дея тан олибди нариги. – Лекин, Ватанинг ва халқинг энди меники бўлди. Сен эса менинг душманимсан, демак, Ватаф хоинисан, шундайми?» «Ҳа, лекин ўз юртингга қайтган чоғингди сени хоин деб эълон қиладилар, чунки сен элинг учун бегона би Ватанни ўзимники, деб ўзингнинг юртингга хоинлик қиляпсан»...

## **ИККИ ЎТИНЧИ**

Анча вақтлардан буён сираям келиша олмаётган икки дарахт кесувчи бахслашиб қолишибди: қай бири кун давомида ўз кучини ва малақасини намоеън этиб, нисбатан кўпроқ ўтин кеса олади?

Эрталаб ўрмонда иш бошланди. Аввалига бир хил суръатда ишлабдилар. Кейин, улардан бири нарёқдагиси дарахт кесишдан тўхтаганини эшитиб колди. Бундан рухланиб, ўта шиддат билан ишини давом эттирди. Бироздан кейин иккинчиси ишини давом эттирди. Бирор соатча ўтгач, тагин унинг болтаси овози тинди. Биринчиси зафар они яқинлашганини сезгандек, дарахт кесарди.

Мусобақа кун бўйи давом этди. Ҳар соат ўша кесувчилардан бири 10 дақиқага тўхтар, иккинчиси эса бетўхтов ишлайверарди. Вақт поёнигаям етиб келди. Тинимсиз ишлагани соврин ўзининг чўнтагида эканига имониям комил эди. Кейин адашганини билиб қолиб ғзаби қайнади, фиғони ҳам то фалакка қадар ўрлади.

– Бу қанақаси? Мен ҳар соатда 10 дақиқага тўхтаганингни яхши билардим. Сен қандай қилиб, мендан кўпроқ ўтин кесишни эплай олдинг, ахир. Бунақаси сира ҳам бўлиши мумкин эмас!

– Буниси жуда оддий, – ўта босиклик билан изоҳлади униси.

– Тўғри, ҳар соатда мен 10 дақиқага тўхтадим. Бироқ, сен дарахт кесишда давом этаётганингда, мен ўз болтамни чархлар эдим-да.

## СЎЗНИНГ ҚУДРАТИ

Бир куни катта даврада Устоз сўзнинг қуроли қурол сўзидан ҳам қудратлироқ эканлиги хусусида сўзлаётганди. Орқа тарафдан ниҳоятда бесабр атеист – даҳрий бир кимса ҳайкириб қолди:

– Барча гапларинг ғирт бемаъни! Доимо тўхтамай «Аллоҳ! Аллоҳ! Аллоҳ!» – деяверганингдан нима чиқади? Ҳадеб «Гуноҳ! Гуноҳ! Гуноҳ!» деб такрорласанг, биров гуноҳкор бўладими?

– Жойингга ўтир, ҳароми! – Унга каттиқ ўшқирди Устоз.

Ҳалиги нусха баттар ғазабига минволди, қаҳр билан сўкина бошлади, ўзига келиши жуда кийин эди. Устоз афсусланиб деди:

– Минг бора узр, қизишиб кетибман. Сиз – мухтарам зотга каттиқ гапириб юборганим учун, чин дилдан кечирим сўрайман.

Ўша одам бўлса дарҳол ўзига келиб, тинчланиб қолибди.

– Мана сенга жавоб, – нутқини яқунлади Устоз. – Бир сўздан сен ғазабнинг отига миниб олдинг, бошқасидан – тинчландинг!

## ДЎЗАҲДАГИ КУН, ОЙ, ЙИЛЛАР

Бу дунёда айш-ишрат, кайф-сафодан боши, янада аниқроғи калласи чикмай ўлиб кетган кишилар, нақ ўзимизникига ўхшаш оламда эканликларини билиб ҳайрон бўлдилар. У барча қулайлик ва сайр-томошаларга лиқ тўла эди. Енгил ҳаётга ўрганиб қолган нусхалар, унга эришдилар. Ким умр бўйи фақатгина пул ҳақида ўйлаган бўлса, пулдор бўлди. Нафсга берилган кимсалар нафсини қондириб олдилар. Бу ерда улар хоҳлаган ва истаганини амалга оширишга елка қўйиб юборувчи, кўмаклашувчи, ҳайбарақаллачи жин-шайтонлар ғиж-ғиж, керагидан ҳам ортиқроқ ва мўл-кўл эди.

Бироқ, «Шикоятлар куни» деб аталадиган кунлардан бирида, яшовчилар эмас – кун кечирувчилар Бош шайтон, яъни Мегажин қабулига келиб, арз-дод, оҳ-воҳ, шикоят ва мурожаат қилдилар:

– Бу ерда зўр кун кўряпмиз, ўйин, зиёфат, маишат, томоша... Лекин, кундан кун дармондан кетиб, бир-биримиздан узоклашиб боряпмиз, бизга осонгина берилганларини енгил йўқотяпмиз...

... – Албатта-да! Бироқ, бидмаганингиз жуда қизик. – Ҳайрон

бўлди Бош шайтон – Мегажин. – Ахир сиз жаҳаннамдасиз-ку!

## **ОЛҒА БОС!**

Қадим-қадим замонларда ва узоқ-узоқ маконлардан бирида, мовий тоғлар бағридаги бепоён ўрмонда ўтин чопиб, яқинроқ бир шаҳарга элиб сотиб, тирикчилик қиладиган бир киши бўлганди. Ўтиндан тушган пулга, камбағал бўлсаям, бахтли кун кечирарди.

Бир куни ўтинчи ҳар доимгидек ўрмонда ўтин чопиб юрса, ёнидан ўтиб кетаётган ғоятда оч бир йўловчи корнини тўлдириш ва тўйдириш илинжида бирор емиш беришини сўрабди. Ўтинчи ўз тушлигини йўловчи билан баҳам кўрибди. Йўловчи тановулни тугатгач, мезбонга миннатдорлик билдириб, «Олға бос!» дебди.

Ўтинчи унинг сўзларига ҳайрон бўлибди, чунки шу пайтгача бунақа дуони эшитмаган экан-да. Болтасини олиб ишга киришган чоғида ўша даъват – маслаҳат кўккисдан ёдига тушиб қолибди: «Олға бос!» У тугатилмаган ўтин боғламини сўкмоқнинг четида қолдириб, ўрмоннинг ичига йўл олибди. Бирмунча муддат санғиб сандал дарахтига кўзи тушибди. Ўша юртда бу дарахт ўта юкори баҳоланарди. Ўтинчи ўша дарахтни кесиб, ўзи олиб кетоладиган даражадагисини судради ва сотиш учун шаҳарга жўнади. Ундан анча пул ишлади, бола-чақасини боқиши ҳам хийла енгиллашди.

Келаси сафар эса тирикчиликка бораётиб, ўша сўкмоқнинг ёнида қолдириб кетган ўтин боғламига бир назар ташлаб қўйиб, яна ўрмоннинг ичига кириб кетди. Кесилган сандал дарахтигача борди. Олиб кетиш учун шох-шаббалар етарли бўлса ҳам, «Олға бос!» маслаҳати ёдига тушиб, янада узоқроқ боришга аҳд қилди. Тагин анча йўл босиб мис рудасига кўзи тушди. Унинг анчасини тўплаб олиб, шаҳарга олиб борди. Сотиб аввалгидан кўпроқ пул ишлади. Энди ўтинчининг ўз уйи, оиласи, фаровонлиги бор эди.

Орадан вақтлар ўтиб ўтинчи яна ўрмон сари йўл солди. Мис рудаси топилган жойгача борди. Тагин йўловчининг маслаҳатини эсга олди: «Олға бос!» Ва йўлида давом этди. Юриб-юриб кумуш конини топиб олди. Ундан кучи етганича олиб ўз уйига қайтди... Энди у шаҳарда ҳурматли инсонларда бири саналарди. Ҳаётидан беҳад хурсанд, кўзида қувонч, дилида бўлса зафар шукроналиги.

Кунлар ўтиб, яна ўрмонга боришга аҳд қилди. Ўзига таниш

жойлардан ўтиб, кумуш конигача борди. Бироқ, қулоғига «Олға бос!» даъвати чалиниб, бу ердаям узок тўхтамади. Юра-юра дарё қирғоғига чиқиб қолди. Чанқоғини қондириб олиш учун сувга энгашди ва олтин ёмбисига кўзи тушди. Керагича, кўтара олгани қадар ғамлаб олгач, юраги тошиб қароргоҳи сари йўлга тушди...

Орадан бир неча йиллар ўтиб кетиб, ўрганган кўнгил, тагин ўрмонга отланди, барчасини ортида қолдириб, олтин ювган дарё лабига келди ва... Яна йўловчининг «Олға бос!» деган маслаҳати эсига тушиб қолди. Қирғоқни тарк этди. Роса йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, осмонўпар тоғнинг оппок қордан ўз бошига салла ўраб олиб, фалакка найза сингари санчилган чўққиси пойига етиб келди. Қараса, оёқлари тагида нимадир ялтираяпти. У ҳаприқиб эгилди ва олмосларни кўрди. Чор-атрофини синчиклаб кузатиб, катта-кичик олмослар сочилиб ётганлигига назари тушди. Шошапиша уларни тера бошлади... Энди у шаҳарда энг бой, машхур ва манзур инсонга айланганди. Мансаби эмас, мартабаси кўтарилиб уни ҳамма ҳурматлар, оиласи билан улкан қасрда ҳаёт кечирарди.

Орадан кўп йиллар бирпасда, шув этиб ўқ каби ўтди-кетди. Собиқ ўтинчи эса энди кексайиб, нуронийга айланган (75 ёшидан ўтган), лекин ҳар замонда кадрдон ўрмонини кўмсаб бориб турар эди. Илонизи сўқмоқнинг ёнида ўзи бир пайтлар қолдириб кетган ўтин боғламини кўрар, унинг ёнига ўтирволиб дунё ва даврнинг мушкулотлари, ҳаёт мазмун-моҳияти хусусида фикр юритар эди. Бир сафар бу ерда ўзига фақатгина олға боришни маслаҳат берган ўша йўловчини учратиб қолди. Уни уйига бошлаб келиб, меҳмон қилди ва бутун умри мобайнида топган моддий бойлигини бирга баҳам кўришни таклиф этди. Жуда кўпни кўришга улгурган ўша йўловчи меҳмондўстлик учун миннатдорчилик билдирди, бироқ бойликдан бош тортди ва собиқ ўтинчига қарата шундай деди:

– Мен сенга тагин бир маслаҳат бермоқчиман: «Олға бос!»

## ҲАҚИҚАТ ДҶУКОНИ

Қадим, яқин замон, маконлардан бирида бир киши эшигида «Ҳақиқат дўкони» деган пештахтали манзилга аста кириб келди.

– Сиз қанча ҳақиқат харид қилмоқчисиз? – Хушмуомалалик билан сўради ундан сотувчи. – Қисманми ёки тўлалигичами?

– Албатта, тўлиғича! – Ишонч билан жавоб берди харидор. – Мен ҳеч қандай ёлғон, ҳеч қанақа пардалашлар ва изохлашларни тан олмайман. Менинг ҳақиқатим сираям чала бўлмаслиги шарт.

Тужжор эса зудлик билан уни дўконнинг энг тўрига ўтишни таклиф қилди ҳамда «Юқори нарх» деб ёзилган баҳони кўрсатди.

– Охирги нарх қанча ўзи? – сўради барча ҳақиқатни тўлатқис сотиб олишга қатъий аҳд қилиб кўйган ўша харидор.

– Ўзингизнинг осойишталигингиз, – жавоб берди сотувчи.

## **ҚИЗИҚ НАЗАРИЯ**

Бир куни буюк донишманд Сукрот дарахт тагида турганича ниманидир ўйларди. У шунчалик даражада фикрларига берилиб кетгандики, кеч тушиб, қор ёғаётганини ҳам сезмади. Тонгда уни излаб топдилар. У кўзлари юмук, музлаган ва қорга беланганича турарди. Шогирдлари Устозни уйига олиб боришди, укалашди ва қиздирадиган ичимлик беришди. Оқибатда эса у аста-секин ўзига келди. Унга нима бўлганини сўрашганида Сукрот шундай деди:

– Мен тик турганим ёки ўтирганимни билмасдим. Фикрлар мавзуси шунчалик қизиқарли эдики, мен ҳамма нарсани буткул унутиб қўйдим! Эсимда йўқ: қаердаман, қандай қор ёғди, қандай кеч тушди. Агар сизлар бўлмаганингизда... Мен ҳалиям бошимни оғритаётган фикрларимни охига етказмадим. У жуда қизиқарли назария эди. Сизлар эса, уни қок ўртасида тўхтатиб қўйдинглар. Энди мен бундан буёғига бу мавзу тизгинини тагин тута олишим мумкин бўлармикан? Бу фикр қайтадими? Бунисини билмайман.

## **БУДДА ҲИКМАТЛАРИДАН**

1. Одам ҳаётидаги энг буюк душман – унинг шахсан ўзидир.
2. Одамнинг ҳаётидаги энг катта аҳмоқлик – ёлғон.
3. Ҳаётдаги энг қақшатқич мағлубият – манманлик.
4. Одам ҳаётидаги энг катта қайғу-ҳасрат – ҳасад.
5. Энг улкан хато – ўзлигингни, аслингни йўқотиб қўйиш.
6. Одамнинг энг катта айби – яхшилиқни билмаслик...

## **ЧИН ДЎСТЛАР**

Қадим-қадим замонларда ва узоқ-узоқ маконлардан бирида

икки дўст умргузаронлик қилган эканлар. Чинакам, асл дўстлар! Ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатар, дам олар, ютуқларини эса бирга нишонлар эдилар. Қарорларини маслаҳат-машварат оркали қабул қилардилар. Агарда бирорта қарорга келмасалар, юз берган кўнгилсиз оқибатларни ҳам биргаликда баҳам кўрар эдилар.

Ҳеч ким, ҳеч қачон уларнинг низолашгани, жанжаллашгани, бир-биридан ранжиганларини кўрмаган эди. Энг асосийси эса – дўстлар бир марта ҳам ўзларининг шахсий муносабатлари ҳақида атрофдагиларнинг фикр-мулоҳазаларига асло парво қилмаганлар. Уларнинг садоқатлари ҳақидаги гап-сўзлар, овоза мамлакатнинг ҳукмдорига қадар етиб борган. Минглаб машаққат, муаммолар ва мушкулотлардан сочлари қордек оқариб кетган подшоҳ ҳақиқий дўстликка нисбатан бор ишончини буткул йўқотиб қўйган эди.

У айрилмас дўстларни ҳузурига чорлабди ва суҳбат курибди.

– Сизлар ҳақиқатан ҳам асл дўстмисизлар ёки менга нотўғри айтишяптими? Башарти, ёлғон бўлса, хабарчиларни қатл этаман. Шу билан барча ишлар тамом ва вассалом! – дебди ҳукмдор.

– Ҳеч кимни қатл этиш керак эмас. Сизга тўғри маълумотни етказганлар, сира ҳам алдамаганлар – биз ҳақиқий дўстлармиз!

– Ўзингиз асл дўстликни исботлаб беришга тайёрмисиз?

– Биз ҳеч нарсани исботлаш учунгина амалга оширмаймиз.

– Сизнинг истагингиз, хоҳишингиз ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Камина бугуннинг ўзидаёқ сиз ёлғон гапирмаётганингизга амин бўлмоқчи. Эҳтимол, ўзингиз соддадиллик билан адашаётган бўлсангиз керак. Бироқ, қандай бўлмасин, мен чинакам дўстлик ҳақиқатан мавжуд эканлигига чиндан ҳам ишонгим келади.

Ҳукмдор ўзларини дўстмиз деб ҳисоблаб юрган йигитларни совуқ, қоронғи зиндонга алоҳида-алоҳида ташлашни буюрибди: Ташқи дунёдан тўлиқ узлатда, бир тутам ҳам нур тушолмайдиган жойда сақлансин! Уларнинг ораларида мутлақо алоқа бўлмасин, ҳеч қандай озиқ-овқат берилмасин, сувни эса нам девордан ялаб, чанқокларини қондиришсин! Соқчилар амрни тўқис бажардилар.

Дўстлар ўз бошларига тушган мусибатдан ва тақдирларидан фақат каламушларга нолишлари, арз-дод қилишлари мумкин эди. Уларга қуйидагича шарт қўйилган эди: ким биринчи бўлиб раҳм-шафқатни сўрагудек бўлса, у зудлик билан озод қилинади, дўсти

бўлса ўша машъум зиндонда мангу қолиб кетади, ўлим топади.

Одамларнинг орасида нукул шу ҳақдаги гап-сўзлар айланиб юрарди. Оломон миш-мишлар ва уйдирмалар билан қорнини роса тўйдирволиб, дахшатли яқунни интиқиб кутар, кафтларини бир-бирига ишқалаб, бўлажак томошадан янадаям завқланиш ишқида куйиб-пишиб, гангираб, ит суғориб юрарди. Тагин озгина фурсат қолди, ҳаммаси ҳал бўлади. Ахборот таёғини керагича еб қўйган қаланғи-қасанғилар хотима қандай бўлишига қараб сохта уф, ох тортиш ё илжайишга тайёрлаб, манкуртлаштириб ташланганди...

Тажриба бир ой давом этди. Бирок, дўстлардан бирортасиям шафқат сўрамади. Ва ниҳоят, уларни зиндондан суғуриб олишди. Улар озиб-тўзиб кетган, зўрға нафас олар, ўлар ҳолатга етган эди. Шохнинг табиблари эса уларни хушига келтириб, дармондорилар ила сийладилар. Гапирадиган ҳолга келтириб, ҳукмдор хузурига олиб кирдилар. Шох кунгираддор олтин эшикдан зўрға, судралиб кириб келган ўша йигитларга қарата баланд овозда хитоб қилди:

– Дўстлар! Сиз менга берган соҳир сабоғингиз учун улкан миннатдорлик билдираман, таҳсинлар айтаман. Сизга етказилган азиятлар учун эса кечирим сўрайман. Мен энди аниқ биламанки, бу мураккаб ҳаётда ҳам ҳақиқий, чинакам дўстлик мавжуд экан!

– Сиз буни била олмайсиз, – деди бири шох кўзига тикилиб.

– Нега билолмайман? – беҳад ҳайрон бўлди ҳукмдор. – Ахир сизнинг меҳр-окибатингиз, вафо ва садоқатингиз, сираям эгилмас продангизга ҳамма шохид бўлди-ку! Сиз хоинлик қилмадингиз, холбуки, биргина сўз ё ишорангиз қийноқларга барҳам берарди!

– Хато қияпсиз, олампахо! Биз ўз эътиқодимизга содик қолдик. Агар эътиқод бўлмаганда илк куннинг ўзидаёқ сотқинлик қилардик. Беҳад мушкул ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқати шундаки, инсон дўстлик учун эмас, фақатгина ўз ички эътиқоди йўлида ҳар қандай азоб-уқубат ва қийноқларга бардош бериши мумкин.

– Шундайми? – Тагин кўпроқ ҳайратга тушди ҳукмдор. – У ҳолда ҳақиқий дўстлигингизнинг асосий сири ўзи нимада?

– Ахлокий эътиқодимизнинг айнан ўхшашлигида!

## **УЧ ДОНИШМАНД**

... Уч донишманд ўзаро баҳслашиб қолишди: одам учун нима



муҳимроқ – унинг ўтмишими, ҳозирги вақтими ёки келажаги?

Улардан бири бошқаларига қарата ишонч ила шундай деди:

– Менинг ўтмишим ҳозирда ким эканимни белгилаб беради. Ўтмишнинг сохир сабоқлари башариятга ҳар доим кўмак беради. Мозийда инсоният бахти учун яхши фаолият кўрсатган одамлар ё уларга ўхшаганлар менга жуда ёқади. Бу масалада сизлар билан кўп баҳслашганман ва сўзимга қўшилмаслигингизниям биламан.

– Буни тасдиқлаб бўлмайди, – дебди бошқаси. – Агарда сен ҳақ бўлганинга инсон ўз урф-одатлари гирдобига тушиб қолиб, ҳалокатга ям маҳкум бўлар эди. Ҳақиқий инсонни унинг келажаги шакллантиради. Ҳозир мен нимани билишим, эплай олишимнинг аҳамияти йўқ. Шу сабабдан келажакда менга зарур бўлганларини ўрганипман. Икки йилдан кейин қандай бўлишим тўғрисидаги тасаввурим, икки йил аввал қандай бўлганим ҳақидаги хотирадан реалроқ. Чунки, менинг бугунги ҳолатим ва ҳаракатларим қандай бўлганлигимас, қандай бўлишини истаганимга боғлиқдир. Менга олдинги одамларга ўхшамайдиган кишилар ўта ёқади. Сиз билан суҳбат эса менга жудаям ёқади, чунки баҳс-мунозарада туғилган кутилмаган фикрлар ва бурилишлардан ниҳоятда завқланаман...

– Сиз муҳим бир нарсани мутлақо диққат-этибордан соқит қилдингиз, – мунозарага аралашди учинчи донишманд. – Аслида ўтмиш ҳам, келажак ҳам мавжуд эмас. Ўтмиш ўтиб кетиб бўлган, ҳозир сизлар айтган гаплар ҳам мозийнинг қаърига чўкиб кетди. Келажак деганимиз бўлса қандай бўлиши ёлғиз Аллоҳнинг ўзига маълум. Сиз мозийни хотирлашингиз, эслашингиз ёхуд келажак ҳақида турли-туман орзу-умидлар қилишингиз, ўз олдингизга эса мақсад қўйишингиздан қатъи назар, ҳозирда кунингизни кечириб турибсиз. Фақат ҳозир ҳаётингизда ниманидир ўзгартиришингиз мумкин. Ўзингизнинг на ўтмишингиз ва на келажак сизга қарам. Ҳар қандай инсон фақат ҳозирги вақтда бахтли бўлиши мумкин: ўтиб кетиб қолган Бахт, Саодат, Омад ҳақидаги ширин хотиралар – ғамгин, келажак Бахтни кутиш – гумон... Уч донишманднинг фикрларидан хулоса чиқариб олиш эса ўзингизга ҳавола этилади.

## **НАФС ВА ТАМА ЗАНЖИРИ**

Саратоннинг чўққисидан бир сиқим ҳам қор қолмаган палла.

Чор-атроф жизганагини жуда жизиллатиб чиқариб юборган, одам тугул бошка иссиқсевар, совукдан эти жунжикадиган жонзотлар барини лоҳас қилиб, калласини гангитиб ва сулайтириб ташловчи кунларидан бирида чек-чегарасиз, бепоён сахродан биронта ўлжа илинжида барваста сайёд (овчи) елкасига камонини осволиб ўтиб бораётган эди. Овчининг кўзи кўққисдан жилвалар қилиб югуриб ўйнаб юрган бир тулқига тушиб қолди. Тулқининг беҳад чиройли териси эса унга чинакамига олов каби товланаётгандек туюлди.

Сайёд чучварани хомлигича санаб: «Бу тулкини қўлга олиб, не пайтлардан бери минғирлайвериб, кулоқ-мияни қоқиб қўлимга берган хотинимга элтиб бераман. У терини акасининг ишини эри воситасида битиртириб берган ўша ҳокимнинг хотинига беради. Оқибатда бўлса иккаламизам қутуламиз. Мен хотинимнинг ҳадеб жаврайверишидан, хотиним эса фармонбардор ҳоким хотинининг нафси нақ ўпқонга айланиб кетган тамасидан», – деб ўйлади.

Тулқи думини ликиллатиб инига кириб кетгач, овчи унинг уясига яқинроқ жойни кенг ва чуқур қилиб қовлади. Устини эса чўп, хас-хашаклар билан ёпди-да, бир парча гўшт ташлаб қўйди. Ўзи эса панароқ жойга биқиниб бекиниб, тулкининг нафс домига илиниб, чуқурга ўша эт илинжида тушиб кетишини пойлаб ётди.

Орадан бир фурсат ўтгач, тулки инидан лип этиб чиқиб, хас-чўплар билан паналаб, ичига бир парча гўшт ташланган чуқурни кўриб ўта ҳайрон бўлди. Тулкининг калласи зудлик билан ишлаб кетди: «Бу ҳунар мени ўлдириб теримни шилиб олмоқчи бўлган одамнинг ҳийла-найранги бўлса керак. Бало – Нафсим шу гўштни олиб ейишни истайди, аммо бу гўштан нақ ўлимнинг иси келиб турибди. Донишмандлар эса хавф-хатарли ишларни қилишни ҳеч қачон буюрмаганлар. Оқил ва доно инсонлар: «Агар сенга икки ишдан бирортасини қилиш керак бўлиб қолса, улардан қай бири хатарсиз бўлса, худди шуни қил!» – деб бежиз айтмаганлар. Ҳар ҳолда нафсимга қаноатнинг юганини уриб, шу бало-қазони бир амаллаб жиловлаб, мана шу гўштни олиб емасам, очимдан ўлиб қолмасам керак», – деб қочиб, ўз инига шошиб кириб кетди.

Мана шу паллада тандирдек қизиб ётган қум барханлари ён бағрида кулоқларини динг қилиб бирон-бир ўлжанинг илинжида изғиб юрган беҳад оч бир қоплон гўштнинг ҳидини сезиб қолди.

Турган жойидан пастликка эниб, хас-хашаклар билан паналанган гўшти панжасини узатиб олмоқчи бўлган эди, ногаҳон чуқурга гурс этиб кулаб тушди. Бундан беҳад шодланиб кетган овчи ўзи қазиган чуқурнинг тубига тушиб кетган ҳайвон, ҳойнаҳой тулки бўлса керак, деб хаёл қилди. Ва орзуси ушалиб, илинган ўлжани олмоқ пайида ҳовликиб, ўпкасини қўлтиқлаб югурганича келиб, ўзини ўзи қазиган ўша чуқурга ташлади. Нафси қаноати устидан ғолиб чиқиб тайёргина бемехнат гўшти қўлига, янада ҳам аниғи, тишига киритганидан мамнун қоплон эса, одам ўлжамга эгалик қилмоқчи деб ўйлаб, тамагир овчини пора-пора қилиб ташлади.

Шундай қилиб, хирс ва тама туфайли, пешона тери тўкмай, меҳнат қилиб бирси-бир ноз-неъмат яратмай, тайёрга айёр бўлиб аслида яшамасдан, бор-йўғи кунини кечириб, тирикчилик қилиб юрган бесабр овчи ҳалокатга учради. Аммо, тулкини сабр-қаноат хислати бошига бостириб келган муқаррар ўлимдан халос қилди.

Қиссадан ҳисса: «Буюкликнинг кўз илғамас чўққиси» ҳазрат Алишер Навоий бобомиз айтадиларки, «Қаноат – қўрғондир. У ерга кирсанг нафснинг ёмонлигидан қочиб қутулсан. Тоғликдир – у ерга чиқсанг, дўст ва душманга қарамликдан халос бўлурсан». Нафс ва тама занжирига боғлаб ташланган, балоларга гирифтор ҳар қандайин кимсанинг оқибати афсус-надомат, пушаймонлик тиғи билан шартта кесиб ташланади. Текинхўрлик, тайёрхўрлик ва тама завқ-шавқи ўрнашиб олган бошга, янада ҳам аниқроғи, каллага ниҳоят хорлик-зорлик гупроғи сочилади. Фақат мол-дунё кўп-йетиришга белини маҳкам боғлаган, эл-юртга фойда, манфаат етказмаган тамагир нусхалар албатта, агар бугун бўлмаса, эртага мана шундай оғир оқибатга дучор бўладилар. Уларнинг ўзларини жин урмаган ҳолатда, аҳли аёлини Мегажин айнитади. Аҳли аёли айнимаса, болалари бузилиб, кутуряб кетади. Агар улар ҳам омон қолса, тамагирнинг иллоти, касофати ён-атрофидагиларига уради, ўша тайёрхўр кимсалар бузилади, ўшалар буткул ўзгариб кетади. Оқибатда эса, биз оғзимизни очиб, лаллайиб индамай турганимиз учун, ўзимизам, турган гапки, зарар кўраимиз. Ўзингиз бировнинг касофатига қолиб кетишни истамайсизми? Демак, хулоса аниқ...

## **ПУШАЙМОН ВА АФСУС**

Бехад мураккаб, ниҳоятда мўрт, турли-туман мушкулотларга тўлиб-тошиб кетган ёруғ дунёнинг ҳар бир ишида эҳтиёткорлик, зийракликни қўлдан сира ҳам бермаслигимиз даркор эканлигини биласиз. Бундай фазилатни йўқотиб қўйган кишилар хийлакор, доғули, товламачилик ҳамда каззобликни ўзига касб-хунар қилиб олган фирибгар ва қаллобларга алданиб қолиб, кейин пушаймон бўлишиям турган гап. Сўнгги пушаймон, афсус-надоматларимиз бўлса ҳамиша бизларга энг қаттол душман эканидан бохабарсиз. Эҳтимол, ўзингиз бошингиздан ҳам кечирган бўлсангиз керак?

Пушаймон, армон ва афсус жуда ҳам ёмон нарса. Ўқинувчи, ачинувчи, тавба қилувчи, ўз қилмишидан афсусланувчи, надомат чекувчи касга бир назар ташлаб кўринг-а! У бечора ўз қилмиши учун руҳан эзилаётган бир кимса. Армон деганлари эса, кўнгилга тугиб қўйилган, аммо амалга ошмаган орзу-ниятларни англатади. Пушаймон, армон, афсус дегани ҳеч нимани ўзгартира олмайди.

Ўзингиз яхши танийдиган ёзувчи Исажон Султон «ОЗОД» романида ушбу масала хусусида шундай мулоҳазаларини айтган, янада ҳам аниқроғи, қоғозга туширган эди: «Кўзни ёшлангирди, дилни аччиққа тўлдиради, хўрсиникларни пайдо қилади. У ёр одам қалбида илон каби яшайдилар. Кишилар ўз пушаймонлари, афсусларини ҳеч кимга айтмайди, ҳаттоки ўзингизнинг шундоқ ёнгинангизда умрини кечириб юрган кишининг қалбидаги турфа пушаймону афсусларидан ҳам беҳабар... бир куни, мана шундай баҳор кечасида, қийғос гуллаган ўрикнинг остида... ўпкаси тўлиб кетганлигини ҳам сезиб қоласиз. Улкан гавдали бу киши ёш бола сингари ҳиқиллаб йиғлайди. Кошкийди хатоларни қилмасайдим... кошкийди дақиқалар қийматини, яқинларимнинг қадрини ўшанда билсайдим деган аччиқ армон кўз ёшларини пайдо қилади...»

Тарихда бўлган воқеа: Қадим замонларда Эрон шаҳарлардан бирида Алоуддин исмли бир мўътабар киши яшарди. Кунлардан бир кун кечаси ғоятда яхши кийиниб олган, хушбичим бир йигит хизматчисига бир сандиқчани кўтартириб, Алоуддиннинг уйига келди, унинг хизматкорини чақириб: – Хожангга айт, мени қабул қилсин, унга айтадиган жуда яхши гапим бор, – деди. Хизматкор эса зудлик билан бу йигитнинг илтимосини ўз хожасига етказди. Алоуддин меҳмоннинг киришига рухсат берди. Йигит сандиқни

кўтарволган хизматчиси билан Алоуддин хузурига кириб, таъзим бажо айлаб жудаям куюқ салом берди. Алоуддин йигитни иззат-икром билан қабул қилиб, у қандай юмуш билан қадам ранжида қилганлигини сўради. Йигит эса ўнг қўли кўксига, таъзим қилиб:

– Мен аслида қарокчи, ўғрилар тоифасиданман. Шу касбим, хунарим беҳад ярамаслигини билиб, энди тавба қилдим. Мана бу сандиқнинг ичида эллик минг олтин баҳосида бўлган турли хил нарсалар бор, буларнинг барини сизга назр сифатида келтирдим. Уларни совға сифатида олиб, ўзингизнинг пок-ҳалол пулингиздан менга бор-йўғи минг олтинни берсангиз, уни яхши ишга дастмоя қилиб ишлатар эдим, – деди ва сандиқни ланг очиб кўрсатди.

Сандиқнинг ичи олтин идишлар, лаъл, ёқут, гавҳарлар билан лиқ тўла эди. Алоуддин эса буни кўриб, хайратдан қотиб қолди. Дарҳол у йигитга минг олтинни санаб берди. Йигит минг олтинни олганидан кейин эса Алоуддин билан ниҳоятда куюқ хайрлашиб, ўз хизматчисини астагина етаклаб, таъзим билан чиқиб кетди.

Эртаси куни эса Алоуддин гавҳаршунослар, ҳозирги замон ерминологиясини кўллайдиган бўлсак, пихлари қайрилиб кетган профессионал ювелирларни уйига чорлаб, уларга сандиқ ичидаги нарсаларнинг барчасини кўрсатди. Ҳамма олтин, гавҳар идишлар, лаъл, ёқутларнинг оддийгина шиша эканлиги ҳам ошкор бўлди.

Алоуддин эса қаллобнинг ишидан жуда ранжиб, ғазабланиб, ўз хизматкорларига ўша фирибгар йигитни ернинг тагидан бўлса ҳам топиб келтиришни талаб қилди. Хизматкорлар эса у йигитни роса суриштирдилар, изладилар, лекин дарагини топа олмадилар.

Ҳа, ҳатто Алоуддиндек жуда зийрак киши ҳам эҳтиётсизлик туфайли алданиб, фирибгар тузоғига илиниб қолди. Ўзингиз эса, бу сатрларни ўқигач, бундан ҳам баттарлари ҳақида эслашингиз, ўзгаларга ўзингиз ўз кўзингиз билан кўрган-билган қаллоблар ва фирибгарлар қабих хунарлари ҳақида огоҳликка даъват сифатида бемалол айтиб беришингиз мумкин. Албатта, инсон ўзга инсонга, ҳар қандай одам ёки кимсаларга эмас, айнан инсонга ишониши керак, лекин уни ҳам синчиклаб суриштириш, яхшилаб текшириб кўриш фойдадан сира ҳам холи эмаслигини зинҳор унутмаслиги даркор. Айтгандай, «Огоҳ бўлмаган одам дўзахийдир».

## МУҲАББАТ. АЙРИЛИҚ. ХОТИРА

«Муҳаббат» сўзи араб тилидаги «хибба» ўзагидан яратилган атама. У «устига тупроқ тортилган уруғ» маъносини билдиради. Ҳаётнинг асли, асоси айнан ана шу уруғ бўлгани сингари, диний, маънавий, жисмоний, руҳоний ҳаётнинг уруғи, илдизи, дарахти ва ширин-шакар меваси ҳам худди шу муҳаббат ҳисобланади.

Қадим-қадим замонларда Муҳаббат ва Айрилиқ уй олдида ёш жуфтга ҳавас билан қараб туришган эди. Айрилиқ Муҳаббатга дебди: «Баҳс бойламаймизми? Мен уларни айираман». Муҳаббат айтди: «Шошмагин, мен уларга яқинлашай, кейин эса истагингча йўл тутишинг мумкин. Сенинг ҳунарингни эса ўшанда кўрамиз».

Муҳаббат ёшларга яқинлашди, кўзларига қаради ва улар аро учкун ўтганини кўрди. Айрилиққа айтди: «Энди сенинг галинг». Айрилиқ: «Ҳозир кўлимдан ҳеч нарса келмайди. Уларнинг қалби Муҳаббат ила лиммо-лим. Мен улар олдига кейинроқ бораман».

Вақт ўтди. Айрилиқ келиб кўрсаки, чақалоқ ёнида ёш ота-она гирдиқапалак. Айрилиқ Муҳаббат мавсуми поёнига етибди, деб ўйлаб, уй остонасига қадам босди. Лекин, эр-хотин кўзидаги **Миннатдорлик**ни кўрди. «Кейин келарман», дея ортига қайтди.

Тағин анча вақт ўтди. Айрилиқ келиб қараса, уйда болалар ўйнаб-кулиб юришибди. Ишдан хориган эр келди, аёл болаларни тинчлантирди. Муҳаббат, Миннатдорлик кетмаган экан, аксинча уларга **Ҳурмат** ва **Тушуниш** ҳам кўмаклашаётган экан. Айрилиқ бошқа сафар келиши ниятини дилига тугиб, бу уйни тарк этибди.

Бошқа сафар келса, сочлари оппоқ ота улғайган болаларига нимадир деяпти, хотин ошхонада куймаланяпти. Уларнинг кўзига қаради, хафсаласи пир бўлди, уф тортди. **Ишонч**ни кўриб қолди!

Айрилиқ йиллар ўтиб тағин таниш уйга келди. Ҳовлида бир гала неваралар чопқиллаб юришибди. Уларга ғамгин бир кампир нимадир деяпти. Айрилиқ бўлса: «Навбатим етди», дея чучварани хом санабди. Кампирнинг кўзига тикилмоқчи бўлганди, у уйидан ташқарилади. Кампир қабристонга борди. Эрининг қабри олдида чўккалади, пичирлаб, неваралари бобоси ҳаққига фотиҳа қилди.

– «Мен кечикибман. Вақт ўрнимга барчасини бажарибди», – ўйлади Айрилиқ. Кампирнинг кўзида **Хотира** тантанасини кўрди.

**МУНДАРИЖА**

Мукаддима.....	3
Лаган.....	4
Чинор.....	5
Уч нарсадан кўрқаман.....	6
Сабрнинг туби олтинми?.....	7
Мутаносиблик.....	8
Мусиқанинг қудрати.....	10
Афсонада ҳақиқат зарраси.....	14
Инсон қалби.....	19
Агар.....	21
Эркинлик нима дегани?.....	23
Ҳуқуқ ва бурч.....	26
Демократия нима дегани?.....	29
Одам нима? Инсон ким?.....	32
Ҳурмати нима жойига қўйиш.....	36
Бахт нима?.....	38
Оҳангларнинг онаси.....	39
Эркак кўчанинг одами(ми)?.....	40
Масъулият ҳисси.....	42
Ҳунарли хор бўлмайди.....	44
Тарбия тақдирни белгилайди.....	44
Меҳрнинг қудрати.....	45
Кўрқитишнинг оқибати.....	47
Отасининг ўғли.....	51
Вафодорлик тимсоли.....	51
Тақдирни қўл ила яратур одам.....	52
Ўқишнинг фойдаси.....	54
Телевизори йўқ оила.....	55
Ният – асл куч.....	56
Хотира азоби.....	59
Виждон эркинлиги нима?.....	61
Бағрикенглик нима дегани?.....	64
Ҳақиқат ва ёлғон.....	66
Бефойда ҳунар.....	68
Агар гуноҳ кўпайса.....	69
Айб ўзи кимда?.....	71

Шукр килган инсонлар.....	72
Қайтар дунё.....	73
Қандай қуллик тушди?.....	76
Девпечак.....	77
Муаммо ва имконият.....	78
Фикрлаш тарзи нима дегани?.....	79
Жаҳолатга қарши – маърифат!.....	83
Орзу, ният ва мақсад.....	85
«Овертон ойнаси» нима?.....	87
Болакайнинг умиди.....	90
Отасининг садоқатли кизи.....	91
Онанинг кўзи болада.....	93
Фидойилик нима ўзи?.....	94
Эзгулик.....	96
Бунёдкорлик асоси.....	97
Кун. Ой. Йил.....	99
Муқаддас кўрғон.....	99
Ризқ.....	102
Эҳсон.....	104
Дўстлик садоқати.....	106
Қалбда ўчмайдиган чандик.....	106
Хулоса чиқаришга ошиқманг.....	107
Нодонни доно килган эҳтиёж.....	108
Озор (Ранж, Алам, Дард... ).....	110
Кўнгил учун совға.....	111
Яланғоч қалб.....	112
Ватан хоини.....	113
Икки ўтинчи.....	113
Сўзнинг кудрати.....	114
Дўзахдаги кун, ой, йиллар.....	114
Олға бос!.....	115
Ҳақиқат дўкони.....	116
Қизик назария.....	117
Будда ҳикматларидан.....	117
Чин дўстлар.....	118
Уч донишманд.....	120
Нафс ва тама занжири.....	121
Пушаймон ва афсус.....	123
Муҳаббат. Айрилиқ. Хотира.....	125



**Бахтиёр Робиддинович ИСОҚОВ**

**ЎҚИНГ,  
ИБРАТЛИ  
РИВОЯТЛАР**


**2**

**Мухаррир:** НамДУ доценти – Анваржон Эрқўзиев.  
**Бадий мухаррирлар:** Комила Қаюмова, Фарход Исҳоқов.  
**Дизайнер-мусаввир:** НамДУ доценти – Ҳакимжон Ризаев.  
**Мусаххихлар:** Феруза Исақова, Дилдора Исҳоқова.  
**Сахифаловчилар:** Фарида Қаюмова, Шаҳзода Исоқова.

Теришга берилди 10. 12. 2020.  
Босишга рухсат этилди 17. 12. 2020.  
Бичими 84x108. Ҳажми 8 босма табок.  
Адади 1000 нусха. 6 рақамли буюртма.  
Баҳоси келишилган нарҳда.


«Vodiy Media» нашриёти, Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36- уй.  
Тел.: (+99893) 408-59-00 e-mail: vodiymedia@inbox.ru  
**Нашриёт лицензия рақами AI-285.**  
**2016 йил 4 ноябрда берилган**

«Vodiy Poligraf» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Наманган шаҳри, Ғалаба кўчаси, 19- уй.



**Vm**  
PUBLISHING  
HOUSE  
VODIY MEDIA  
NASHRIYOTI

ISBN 978-9943-5920-3-2



9 789943 592032